

**ЗУЛФИЗАР АЗИЗОВА**

**МАКТАБГАЧА КАТТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ҚҰҒИРЧОҚ ТЕАТРИ  
ВОСИТАСИДА АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК СИФАТЛАРНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ**



**Тошкент – 2010**

Масъул мұхаррир:	профессор О.Хасанбоева
Такризчилар:	

## СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасида кечеётган кенг қўламли ижтимоий-маънавий ислоҳотлар, фан-техника ва ишлаб чиқариш кескин ривожланиб бораётганлиги - жамият талабларига жавоб бера олувчи шахсни тарбиялаш масаласини кун тартибига кўндаланг қўймоқда. Дарҳақиқат, келажак пойдевори бўлган, ҳар жиҳатдан масъулияти, маънавий етук, ахлоқан пок, бир сўз билан айтганда жамият тараққиёти учун муносиб хисса қўша оладиган ёшларни тарбиялаш мухим аҳамият касб этмоқда. Зеро, Юртбошимиз И.Каримов таъкидлаганидек, «...буғунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа қолмоқда».<sup>1</sup>

Айтиш жоизки, таълим муассасалари олдида баркамол авлодни вояга етказиш масала долзарб масала ҳисобланади. Жорий йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши ҳам бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларнинг ижобий ечимини топишга асос бўлмоқда. Ўзбекистон республикаси Президенти И.Каримовнинг 2010 йил 27 январдаги ПҚ – 1271-сонли Қарорига мувофиқ «Баркамол авлод йили» давлат дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унинг биргина ўнинчи бандида «халқимизнинг шонли ўтмиши ва мустақил Ўзбекистоннинг замонавий ютуқларига бағишланган саҳна асарларидан иборат бўлган қўғирчоқ ва ёш томошабинлар театрлари репертуарлари» ни ишлаб чиқиши юқоридаги фикримизнинг яққол далилидир.<sup>2</sup> Юқоридаги чора-тадбирларнинг узвийлик, тизимлилик асосида олиб борилиши мактабгача ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш учун шароит яратади.

Бу каби ислоҳотлардан кўзда тутилган мақсад – ёш авлоднинг тарбиясига атрофлича ёндашиш, турли ёш гуруҳларидаги болаларнинг билим доирасини кенгайтириш, ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришдан иборатдир. Ушбу жараён жамиятимизнинг ижтимоий ва маънавий ривожи борасида олиб

<sup>1</sup> «Баркамол авлод йили» давлат дастури. –Т.: Ўзбекистон, 2010. 7-бет.

<sup>2</sup> «Баркамол авлод йили» давлат дастури. –Т.: Ўзбекистон, 2010. 68-69-бетлар.

борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бу эса узлуксиз таълим тизимининг бир бўғини сифатида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига ҳар томонлама юксак эътибор бериш заруриятини кун тартибига олиб чиқади.

Мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашда ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлод қалбига она Ватанга меҳр-муҳабbat, истиқлолга садоқат, келажакка ишонч туйғуларини сингдириш, дунёқарашини кенгайтириш, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама етук, баркамол инсон қилиб вояга етказиш муҳим вазифалардан биридир. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантируй ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди”<sup>3</sup>.

Маълумки, болага мактабгача ёшида берилган таълим – тарбия унинг бутун ҳаёти давомида муҳим ўрин тутади. Республикализнинг кундан-кунга жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллаб бориши, ривожланган давлатлар билан тенглик тамойили асосида ўзаро ҳамкорликка эришиши, нафақат ота-оналар, балки, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари зиммасига болани ёшига муносиб тарзда ҳар томонлама тарбиялаб бориш заруриятини юкламоқда.

Мактабгача катта ёшдаги болаларни ахлоқий-эстетик тарбиялашда қўғирчоқ театри воситасидан самарали фойдаланиш – болаларнинг иқтидори, объектив борлиқ ҳақидаги тасаввuri, дунёқарашини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитни яратиши билан янада аҳамиятлидир. Юрбошимиз таъбири билан айтганда “Ёшларнинг маънавий оламини болалиқдан бошлаб эзгу ғоялар асосида шакллантириш ва камол топтириш ҳақида гап борар экан, яна бир муҳим масала хусусида тўхталиб ўтиш ўринли, деб ўйлайман. У ҳам бўлса, дунёга ҳайрат кўзи билан боқиб, ундан ўзича маъно топишга интиладиган мурғак фарзандларимизнинг қизиқиши ва ҳиссиётларига мос

<sup>3</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 137-бет.

қўғирчоқ ва ўйинчоқлар ишлаб чиқариш масаласидир”.<sup>4</sup> Зоро, қўғирчоқ театри воситасида боланинг атроф-муҳит, ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари, таассуротлари, у ёки бу ҳодисаларни тушуниш, “яхши” ва “ёмон”ни фарқлаш, қолаверса, гўзалликни кўра билиш ва хис этишга маъсулият хисси ошади.

Мактабгача катта ёшдаги болаларни қўғирчоқ театри воситасида ахлоқий-эстетик сифатларини шакллантириш жараёнида қуйидаги босқичларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

- 1) ўтказилиши режалаштирилган театр олди сухбати. Болаларда театр қаҳрамонларининг ўзига хос табиати, ҳатти – ҳаракатлари ҳақидаги тасаввурларини савол-жавоб асосида аниқлаш;
- 2) театрнинг таъсирчан, хис-туйғу ва мазмунга бой тарзда ўтказилиши;
- 3) театр намойишидан сўнгги сухбат. Болаларнинг воқеалар, уларнинг мазмун-моҳиятини ҳақидаги фикрлари.

Олиб борган изланишларнинг назарий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, гарчи мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим-тарбияси ва бу борада самарадорликка эришиш йўллари кенг кўламда тадқиқ этилган бўлса-да, бироқ, мактабгача катта ёшдаги болаларни қўғирчоқ театри воситасида ахлоқий-эстетик сифатларини шакллантириш илмий тадқиқот учун мавзу сифатида танланмаганлиги, илмий-педагогик нуқтаи-назардан ўрганилмаганлигини кўрсатди. Шунингдек, жамиятимизнинг жадал суръатда ҳар томонлама ривожланиб бораётганлиги, узлуксиз таълим тизимининг тобора такомиллашуви натижасида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда тарбиялаш эҳтиёжининг юзага келаётганлиги ушбу методик қўлланмани яратишга имкон яратди.

---

<sup>4</sup> Каримов. И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. 157-бет.

## **ҚҰҒИРЧОҚ ТЕАТРИНИНГ ПАЙДО БҮЛИШИ, ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ ВА ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ**

I

Мустақилликка әришган дастлабки кунларимиздан бошлаб, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етүк, маънавий баркамол инсон қилиб камол топтириш – жамиятимизнинг устувор вазифаларидан бири сифатида эътироф этилди. Бу борада келажагимиз пойдевори бўлган ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда мактабгача таълим муассасаларининг ўрни бекиёсdir. Мактабгача таълим муассасалари ишини кўп қиррали деб ҳисоблаш мумкин. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришда қўғирчоқ театри ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Қўғирчоқ театри болалар билан бевосита мулоқотда бўлиш, уларнинг “тили”да фикр алмashiш, маҳсус ифода воситаларига эгалиги, кичкинтойларни ишонтириш, воқеа-ходисаларга нисбатан хис-туйгуларини билдира олиш хусусиятига кўра педагогик аҳамиятга эга.

Қўғирчоқ театри ҳакида фикр юритилар экан, шу ўринда юртбошимиз И.А.Каримовнинг қуидаги фикрларини келтириб ўтиш ғоят ўринлидир: “Қачонки миллий маданиятимизнинг узвий қисми бўлган театр санъати хусусида сўз борар экан, буюк маърифатпарвар Махмудхўжа Беҳбудийнинг «Театр – бу ибратхонадур», деб айтган фикрини эслаш ўринлидир. Бизнинг миллий театр санъатимиз тарихан жуда катта йўлни босиб ўтган бўлиб, унинг қадимиий илдизлари халқ ўйин ва томошаларига бориб боғланади”<sup>5</sup>.

Қўғирчоқ театри дунёning қўплаб халқ ва элатларга қадим замонлардан буён маълум. У жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб келган. Қўғирчоқ театри ҳар қайси давлатда турли шаклда, турли ҳажмда, ўзига хос тарзда тараққий этиб, ривожланиб келган. Шундай бўлса-да, қўғирчоқ театрининг тўрт

<sup>5</sup> Каримов. И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. 144-б.

турини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар:

- кўлга кийиб ўйнатиладиган қўғирчоқлар;
- ип билан бошқариладиган қўғирчоқлар;
- сояли қўғирчоқлар;
- актёри кўринадиган қўғирчоқлардир.

Театр биноларининг бугунги қиёфаси ва ўзига хос саҳна кўринишлари тарихи қадимги Юнонистонга бориб тақалади. Усти ёпилган саҳналар дастлаб қадимги Римда вужудга келган, деб тахмин қилинади. Баъзи манбаларда берилишича, театрнинг нафақат саҳна қисми, балки бутун амфитеатрнинг усти ҳам ёпилган. Театр саҳналаридағи чодирлар атрофдагиларни ташки таъсиrlардан, хусусан, шамол ва ёмғирдан ҳимоя қилган. Дастлаб, биринчи бор Рим театрларида парда пайдо бўлганлиги мутахассислар томонидан эътироф этилади. Парданинг вужудга келиши, албатта, саҳнада қандайдир безаклар бўлганлигидан дарак беради.

“Халқ кўпинча турли байрамлар, Дионис шарафига уюштирилган кўча намойишлари, спорт беллашувларига тўпланган. Шунинг учун бундай томошалар ҳаммага кўринарли бўлиши учун кўпроқ тепаликлар ёки тоғлар этагида ташкил этилган. Шунда томошабинлар ўзига қулай бўлган табиий ёндovларга жойлашиб, bemalol тадбирлар гувоҳи бўлганлар. Сўнgra томашабинлар учун ёғочдан маҳсус ўриндиқлар ташкил этилган. Эрамизгача бўлган асрда эса вақтинчалик томоша иншоотлари улуғвор тош амфитеатрларига айланди”<sup>6</sup>.

Манбаларга таянган ҳолда, дунё қўғирчоқ театрларининг айримлари хусусида, уларнинг ривожланиш тарихи, ўзига хослиги ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Кўғирчоқ театри комил инсон тарбияси учун зарур бўлган восита сифатида дунё цивилизациясида мавжудлигининг гувоҳи бўлдик. (1-расм).

---

<sup>6</sup> Ибрагимов Б. Дунё театрларининг ибтидоси. Гулистон ж. 2009 3-сон. 11-бе т.

## Дунё цивилизациясида ташкил этилган қўғирчоқ театрлари

### ЕВРОПАДА

Франция - “Полишинел”  
Россия - “Петрушка”  
Бельгия - “Пущенелленкельдер”  
Англия-“Панч”  
Италия - “Пульчинелла”  
Греция - “Сайёр”

### ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁДА

Эрон - “Шаббози”  
Хиндистон - “Кахпултли”  
Хитой - “Сянси”  
Япония - “Уотура Бунракукэн”

### ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистонда Наманган ва Сирдарё вилоятларидан ташқари барча вилоятларда давлат қўғирчоқ театри ташкил этилган. Улардан фақат Самарқанддаги қўғирчоқ театри Асрор Жўраев, Андижондаги қўғирчоқ театри “Лола” номи билан аталади.

### МАҚСАД

Дунё қўғирчоқ театрларида

Ўзбек миллий меросидаги қўғирчоқ театрларида

Европа ва Жануби-Шарқий Осиёда мамлакатлари илмий амалиётida қўғирчоқ театри воситасида жамиятда яшаш мазмуни ва эстетик завқни шакллантириш

Халқ яратган оғзаки ижодиётга хурмат хиссини пайдо қилиш, инсон ва ҳайвонларга меҳр уйғотиш ва гўзалликни кўра билиш

Кўғирчоқ театрида намойиш қилинадиган томошалар орқали болаларда “яхши” ва “ёмон” тушунчаларини фарқлашга ўргатиш ҳамда ахлоқий, маънавий ва эстетик тушунчаларни тарбиялаш

Болаларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш, сабр, чидамлилик, бошлаган ишни ниҳоясига етказишга ўргатиш

Кўғирчоқ театри орқали ахлоқий-эстетик дидни шакллантириш

1-расм. Дунё қўғирчоқ тетрларининг тарбиявий хусусияти.

Ҳар бир қўғирчоқ театри ўзига хос ва мос миллий характерга эга. Дунё цивилизацияси тарихида баркамол инсонни тарбиялашни воситаси сифатида қўйидаги қўғирчоқ театрлари ташкил этилган.

**Франция қўғирчоқ театри қаҳрамони – Полишинел қўғирчоқчи Жан**

Бриошега қарашли бўлган, унинг хақиқий исми Джованни Бриочи эди. Энг қадимги расмлардан ёки музейлар орқали маълум бўй лган Полишинелнинг қўлпайпоқ қўғирчоқлари XVIII асрга мансуб. Ўша пайтдаги “Полишинелнинг орқаси ва олдида иккита ўркач ўсиб чиқсан, оқ парик кийган, бошида учбурчак шляпа бўлган. Пўстинининг енгларидан халқачалардай манжетлар чиқиб турарди. Момик айланана ёқа бўйини ўраб туради”<sup>7</sup>.

**Россиянинг уй қўғирчоқ театрлари.** Уй қўғирчоқ спектаклларининг тарихи XVIII аср сўнги XIX асрнинг бошларидан бошланади. Ўша давр “уй театрларидаги қўғирчоқларни 3 та типга ажратиш мумкин:

1) болалар қўғирчоқ спектакли бўлиб, деярли катталар иштирокисиз амалга оширилган. Катталар иштироки бунда асосан томошабинлар бўлган. Бу спектакл-ўйин боланинг тўла эркинлиги намойиш этган. Бундай спектакллар ҳақида К.С.Станиславскийдан ўқиши мумкин;

2) болалар учун спектакл бўлиб, катталарни ҳам қониқтирган. Катталар роли бунда фаоллашган. Уй қўғирчоқ саҳналари тарбия ва таълим мақсадида фойдаланилган. Спектакл педагогик йўналишга эга бўлган. Болалар ва катталар ўринлари билан алмашибган. Болалар кўпроқ томошабин, катталар иштирокчилар ва пъеса авторлари бўлишган;

3) катталар учун намойиш этилган. Уй театрида эстетик концепция, адабиёт ва драматургия намоён бўлган, ривожланган. Унда сиёсий ва ижтимоий мавзуларга мурожаат этилган”<sup>8</sup>.

**Петрушка.** 19 аср охирида рус халқ қўғирчоқбозлари, қўғирчоқ театрининг 2 хил техникасини худди қоидадек билишган: ипдаги қўғирчоқлар театри («мар ionеток» термини билан аташган) ва қўлқопли қўғирчоқлар театри («петрушка» термини билан номланган). Бу кўча томошалари ҳақида кўплаб маълумотлар қолган. Манбаларда келтирилишича, 19 аср охирида петрушкачилар «шарманщик»лар билан қўшилганлар. Эрталабдан кечгача

<sup>7</sup> Интернет материалларида келтирилган маълумотларни ўз таржимамида берамиз. (Қаранг: 65-68 ракамли фойдаланилган адабиётлар).

<sup>8</sup> Интернет материалларида келтирилган маълумотларни ўз таржимамида берамиз. (Қаранг: 65-68 ракамли фойдаланилган адабиётлар).

қўғирчоқбозлар жойдан-жойга кўчиб юришган. Кун бўйи Петрушканинг саргузаштлари тарихи ҳақида такроран томошалар намойиш этишган. Ҳамма намойишлар 20-30 дақиқадан бўлган. Актёр елкасида тахланган иккига ажralадиган пардасини, қўғирчоқлар солинган сандигини олиб юрган. Мусиқачи эса оғирлиги 30 килограмгача келадиган шарманка мусиқа асбобини кўтариб юрган.

**Бельгия подвали қўғирчоқлари.** Тарихий манбаларда “Пушенелленкельдер” термини “қўғирчоқ ер тўласи” деган номни англатган. Бельгияда қўғирчоқ театри шундай номланган. Чунки чиндан ҳам улар эски уйлар ер тўлаларида жойлашган эди. Қўғирчоқ театрини номланишига эътибор берилса “пульчинелла ер тўласи” маъносини англатади. “Курсилар қатори оддий тахта, орқа девордан зинапоядан тушилган. Ер тўла паст бўлиб охирги ўринда ўтирганларнинг боши деворга тегиб турган. Биринчи курсилар деярли олдида бўлиб, унга болалар жойлашган. Саҳна ярим метр баландроқ бўлган, полнинг кенглиги 18 метр, баландлиги 1 метр. Уни оддий парда тўсиб турган. Ёнида калта, кичкина эшик. Чап томондаги эшикда шундай ёзув бор: “Уни ким оёғи билан итариб тепиб турса (қандайдир белги)”, ўнг томонда “саҳнага нарсалар отиш, тупуриш ман этилади”<sup>9</sup>.

**Лъёжа қўғирчоқ театри. Чанчес.** XIX аср охирида камбағаллар кварталларида кўплаб қўғирчоқ театрлари бўлган. Лекин уларни топиш қийин бўлган. Уларни шаҳар марказидан излаш бефойда. Ҳамма нарса битта хонада бўлган. Хона хўжайнини овқат пишириб турган, спектаклдан сўнг эса ҳамма ухлагани ётган. Бир неча ўриндиқлар орқаси туар жой бўлган. Саҳна орти деворларига қўғирчоқлар осиб қўйилган. Факат белгиланган қўғирчоқлар учун турли хил роль ўйнаш мумкин, холос. Эски қўғирчоқлар дараҳтлардан қилинган. Қўғирчоқларни бурни грекча усулда, кўзи, сочи, оғзи ва соқоли ёғочнинг ўзига чизиб қўйилган.

<sup>9</sup> Интернет материалларида келтирилган маълумотларни ўз таржимамиизда берамиз. (Қаранг: 65-68 ракамли фойдаланилган адабиётлар).

**АҚШ профессионал қўғирчоқ театри.** АҚШ профессионал қўғирчоқ театри 20-йилларга келиб ташкил топган. 30-40 йилларнинг машҳур қўғирчоқ ўйнатувчиларидан бири Фрэнк Пэрис бўлган. У қора либосда ва калта марионеткани ўйнатган. У қора парданинг маҳсус илгичларидағи 5-6 номерга мўлжалланган қўғирчоқлар билан навбатма-навбат ишлаган.

“Америка қўғирчоқ театрининг ўзига хос хусусиятлари:

- биринчидан, давлат театри йўқлиги. Улар давлатдан ёрдам олишмайди;
- иккинчидан, доимий зал ва иморатнинг йўқлиги. Ҳар хил жойларда саёҳат қилиб, томоша қўйганлар;
- учинчидан, таркибининг озлиги. Улар 2-3 ёки 1 та актёрдан иборат бўлган;
- тўртинчидан, телевидениянинг роли. Улар телевидения ёрдамида яшаб келишмоқда”<sup>10</sup>.

Ҳозирги вақтда АҚШда кўплаб майда қўғирчоқ гурухлари фаолият кўрсатмоқда. Улар жуда қулай ва жамиятнинг хохлаган буюртмасини бажара олади, ҳаётӣ ва жамият учун фойдали.

**Англия қўғирчоқ театри.** Мавжуд адабиётлар таҳлилида берилишича, Англия қўғирчоқ театри қаҳрамони Панч бўлиб, у омадли ва тақдирига ишонган устаси фаранг. Инглиз буружуазия эволюциясидан фарқли ўлароқ Панч ва унинг образи сезиларли тараққиётга эришган. Аввал Панч шовқинли ва қувноқлиги билан ҳаммани ўзига тортган. Вақт ўтиб бу характер қонхўрга, қўпол ва ўз манфаати йўлида ҳамма нарсадан тап тортмайдиган инсонга айланади. Аммо инглиз томошибинлари Панчни ўз образига қайтаришни талаб қилишди. Халқ ўз қаҳрамонини яхши кўрарди. Панч ақлли бўлган, кучлироқ, айёр ва ўз рақибларини устидан ҳамиша ғалаба қозонган. Бунинг ҳаммаси қўғирчоқ театрининг сиёсий хажвияга тўлалигини ифода этган.

**Япония қўғирчоқ театри.** Япония қўғирчоқ театри ўз анаъаналарини

---

<sup>10</sup> Интернет материалларида келтирилган маълумотларни ўз таржимамизда берамиз. (Каранг: 65-68 рақамли фойдаланилган адабиётлар).

сақлаб қолған Уотура Бунракуқән номи билан аталған. “Бунраку құғирчоқлари 1/2 - 2/3 ўлчовида одам бүйи баробарида тайёрланади ва ҳар бир құғирчоқни 3 одам бошқаради. Энг тажрибалиси унинг бош қисмини (күзини, қошларини оғзини, қовоқларини) ва ўнг қўлини бошқаради. Иккинчи оператор құғирчоқнинг чап қўлини харакатлантиради. Учинчиси унинг оёғини бошқаради”<sup>11</sup>. Операторларнинг ўзлари бошдан-оёқ қора кийимда бўлади. Томоша бошланғандан бир неча сониядан сўнг томошабинлар операторни кўрмай қўйишади. Уларнинг диққати құғирчоқларнинг ҳаракатига қаратилади. Айрим ҳолларда биринчи оператор таниқли артист бўлиб, у юзини беритмай чиқиши мумкин.

Яна шу нарсани ҳам айтиш лозимки, Япония маданияти тарихи ва анъаналарини хоҳ телевидения орқали бевосита узатилаётган сериаллар ёки адабиётлардан ўқиб кузатар экансиз, уни икки хил тарзда қабул қилиш мумкин. Бир қараганда бу айёр самурайлар ватани. Лекин бошқа томондан қарасанг бу диёр ажойиб гулларни, биринчи қорни севувчи, салом берганда ибо билан эгилувчи, ҳаётга ўз нуқтаи-назаридан қарагувчи диёрdir. Япон халқининг ажойиб маданиятини шундан ҳам билса бўладики, улар ҳеч қачон очиқ рақобатчиликка бормайди. Бардош, кучли тарбия, тилини ўз ватида тия билишлик бу ерда асосий қоида саналади. Япон халқи жуда нозиктаб бўлиб, сўзлашиб жараёнида улар “ха” сўзини жуда кўп қўллашади ҳамда “йўқ” сўзи эса улар учун бегона. Учрашув пайтида эгилиб салом бераётганлар биринчи бўлиб қаддини ростлаши ҳарматсизлик саналади. Чиройли табассум ва ширинсуханлик ҳам японларнинг маданиятидан дарак беради.

**Италия құғирчоқ театри.** Италия құғирчоқ театри Пульчинелла номи билан боғлиқ. Тарихчиларнинг фикрича, бу құғирчоқ қахрамони XV ёки XVI асрларда таваллуд топган. Италияда құғирчоқ томошаларининг уч тури мавжуд:

1. Кўчаларда қўйиладиган құғирчоқ томошалари.

---

<sup>11</sup> Интернет материалларида келтирилган маълумотларни ўз таржимамизда берамиз. (Каранг: 65-68 рақамли фойдаланилган адабиётлар).

2. Доска ёнида ўйнатилувчи қўғирчоқлар.

3. Қўлқопли қўғирчоқ томошалари.

“XVI асрда яшаган Миланлик машҳур врач ва математик Кардани ёзган: “мен иккита Сицилияликни иккита ёғоч фигурани ўйнатишларини кўриб ҳайрон қолганман”. Давомида у тушунтиради: улар биргина ип билан бошқариларди. Ип уларни орасидан ўтиб юқорига тортилган эди. Ипнинг бир учи ёғоч устунга, иккинчиси қўғирчоқбознинг оёғига боғланган. Қўғирчоқбознинг оёқ ҳаракатлари қўғирчоқнинг бошини қимирлатишга, қўлини силташга, оёғи билан юришга мажбур қиласарди. Шу нарсага амин бўлиш керакки, қўғирчоқнинг ҳар бир ҳаракати мусиқа билан мос тушиши керак эди”<sup>12</sup>. Карданининг эшитишича ўйинга тушувчи қўғирчоқларни халқ “магателли” деб атаган. Ҳозирги кунда бу сўз ишлатилмайди. Бугунги кундаги қўғирчоқбозлар бу қўғирчоқларни “доска қўғирчоқлари” деб атайдилар. Бу сўз французча “ля-пляншет” – доска сўзидан олинган. Доска қўғирчоқ театри анъаналари худди Италиядаги кабидир. Пульчинелланинг ташки кўриниши: қўпол, қориндор, бурни узун, орқасида иккита букриси бор. Яна у ўғри, ёлғончи, қўрқоқ, маҳнаткаш, жанжалкаш.

Қўғирчоқ театри тўрт бурчак ҳамма томони мато билан ўралган яшикни эслатади. Қўғирчоқбознинг ёнида ёрдамчиси бўлади, у воқеани тушунтириб турган. Иккинчи ёрдамчи мусиқачиси бўлган. Пулчинелло ўзининг яшиги билан бутун Европани айланиб чиққан.

**Хиндистон қўғирчоқ театри.** Хиндистонда ҳозирги кунда марионет қўғирчоқ театри машхурдир. Катталар ҳам, болалар ҳам ушбу театрнинг мухлиси. Ушбу театр ўзининг қадимги усувларини ҳозиргacha сақлаб қолган. Шунингдек, бизнинг эрамизгача бўлган кўп йиллар мобайнида халқ қўғирчоқ театрларида ҳам ҳозирги асбоб-ускуналардан фойдаланишган. Ҳатточи, асбоб-ускуналар ҳам узоқ тарихга тегишлидир. Бу асбоб-ускуналар бамбухдан ясалган. Қўғирчоқ театри сахнасида шуларни ҳаракатлантиришган. Ҳозиргacha

<sup>12</sup> Интернет материалларида келтирилган маълумотларни ўз таржимамизда берамиз. (Каранг: 65-68 рақамли фойдаланилган адабиётлар).

ҳам ана шу қўғирчоқлар сақланиб қолган. Бу қўғирчоқлар афсонавий қаҳрамонлар ва уларни ҳаётий, реал кўриниш холатларини тасвиirlайди. Яна қўғирчоқ театри саҳналарида қадимги жонзотлар, ҳайвонларнинг тасвири ҳам сақланиб қолган: арслон, фил, от, буйвола ва бошқалар. Ҳозирги Хинди斯顿да ва шарқнинг деярли барча мамлакатларида, айниқса, сояли қўғирчоқ театри кенг тарқалган. Бу театр узоқ ўтмишга эга. “Денгиз савдо йўли хинд қўғирчоқ театрини Явада тарқалишига ҳам сабаб бўлган. Ҳозиргача ушбу театр бу ерда мавжуд бўлиб, (Wajang-Golek) номи билан номланади. Соялар театри Wajang-Kulek “Kulek” малайзиячада – тери. Бу қўғирчоқ соялар театри узун бўлиб, буйвола терисидан тайёрланган”<sup>13</sup>.

**Греция ва Рим.** Шарқдаги маданиятнинг Ғарбга кириб бориш натижасида қўғирчоқ театри ҳам кириб борди. Йиллар давомида қўғирчоқ театрлари кўпайиб, уларнинг бошқарувчилари бутун дунёга ёйилди. Бу театр халқларни ўзига жалб этди ва ниҳоят Грецияда қўғирчоқ театри ташкил топди. Улар кўчаларда, ҳар хил майдонларда томоша кўрсата бошладилар. Қўғирчоқ театри ҳар турли эди. Улар икки кишининг сухбатидан тортиб, бутун куннинг ғамгин воқеа-ходисалариини кўрсата бошлашди. У бора-бора халқнинг паст қатламидаги одамларнинг муҳаббатини қозонди. Римда бундай томошалар одатий ҳол эди. “Римдаги халқ қўғирчоқ театри қадимги Рим камедияси Ателлони қўя бошлади. Бунда асосий қаҳрамон оддийгина ва кичкинагина шаҳарда яшовчи Ателло. “Ателлан” камедиясининг марказидаги комик фигура Маккус – бадбашара, ҳазилкаш персанаж эди. Унинг бўйи кичкина, бели букри, қорни эса чиққан, қорни ҳам букрига ўхшар эди. Бошининг кўриниши ҳам хунук эди. Бадбашара юзи, узун бурни тумшуққа ўхшар эди. У ҳазили билан томошибинларни кулдирад эди”<sup>14</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қўғирчоқ театрининг муҳим хусусиятларидан бири, у Осиё ва Европада то XX асргача асосан анъанавий

<sup>13</sup> Интернет материалларида келтирилган маълумотларни ўз таржимамиизда берамиз. (Каранг: 65-68 ракамли фойдаланилган адабиётлар).

<sup>14</sup> Интернет материалларида келтирилган маълумотларни ўз таржимамиизда берамиз. (Каранг: 65-68 ракамли фойдаланилган адабиётлар).

шаклларда яшаб келган. Дунё қўғирчоқ театрлари орасида жуда кўп ўхшашлик бўлиши мумкин. Уларнинг умумий жиҳатлари, ажойиб саргузаштлари, қувноқлиги, ҳазил-мутойибага мойиллиги, ўрни келганда айёрглиги билан ажралиб туради. Мутахассисларнинг фикрича, қўғирчоқ театрининг санъат сифатида келиб чиқиши тўғрисида ҳам икки назария ҳукмрон. Бири-болалар ўйини қўғирчоқ театрининг дастлабки қўринишидир, деб хисоблайди. Иккинчи назария қўғирчоқ театрининг келиб чиқишини ниқобдорлар театрига боғлаб тушунтиради. Хусусан, қўғирчоқ театри ер юзида дастлаб қачон ва қаерда пайдо бўлганлиги ҳақида ҳозиргacha бир нима дейиш қийин.

Тадқиқот давомида Андижон вилояти “Лола” қўғирчоқ театри раҳбари Н.Ашуров билан суҳбат олиб борилди. Жумладан, Н.Ашуров ўз сўзида шундай деди: “Ўзбекистонда театр қачон ташкил топган? Ҳакли савол! Театр хусусида сўз кетар экан, у аввало, Тошкентда, сўнг, Қўқон, Фарғона, Андижон, Хива, Урганч ва бошқа шаҳарларда пайдо бўла бошлаган эди. Улар нафақат миллий мавзуда, балки жаҳон классик асарлари билан ҳам бойитилган. 1939 йили А.Навоий номидаги Давлат опера ва балет театри, 1943 йили Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театри ва бошқа театр санъати марказлари пайдо бўлди. Уларнинг саҳналарида ниҳоятда кенг репертуардаги жаҳон, айниқса, Европа ва Шарқ классиклари яратган ажойиб асарлар қўйилиб, ўзбек театр санъати юксак даражага қўтарилган эди. Андижон вилояти “Лола” қўғирчоқ театри эса 1968 йил апрел ойида республика Давлат қўғирчоқ театри қошидаги студия битирувчилари томонидан ташкил топган. 1968 йил Санъат олийгоҳини тамомлаган бир гурӯҳ ёшлар Владимир Сергеевич Иогельсин раҳбарлигида иш олиб борган. Ҳозирда бунга ҳам 41 йил бўлди. Н.Маматов раҳбарлиги даврида биринчи бўлиб Ҳ.Шварснинг “Қизил қалпоқча” эртаги билан иш жараёнини бошлаган. Сўнг Т.Турсуновнинг “Алпомиш”, Н.Рўзимуҳамедовнинг “Қўзичоғим қора мунҷоғим”, Л.Бобоҳоновнинг “Момиқжон пахта уруғи”, Р.Сафаровнинг “Тошкент-66” спектаклари саҳналаштирилди. Бу спектаклларнинг асосан ғоявий мазмуни эзгуликни ёвузлик устидан тантанасидир.

Савол беришингиз табиий? Қўғирчоқ театри, спектакл персонажлари ва декорациялари қандай тайёрланади? Аввало, спектакл тайёрланиши мавжуд тузумнинг хусусиятлари, замоннинг ижтимоий имкониятларидан келиб чиқади. Сўнг рассом билан пъесанинг тематик жиҳати танланади. Рассом билан персанаж эскизи, декорациялар эскизи тайёрланаади ва театр бадиий кенгашига тақдим этилади. Бадиий кенгаш тасдиқлагандан кейин рассом ва режиссёrlар иш бошлайди. Агар пъеса ёки асар тасдиқланмаса иш бошидан ишланади.

Қўғирчоқларнинг турлари хусусида тўхталиб ўтар эканмиз, унинг бир қанча турлари мавжуд:

- бармоққа кийиб ўйналадиган тури энг содда бўлиб, бунда қўғирчоқларнинг ҳаракати чегараланган бўлади.
- трос (сим) билан бошқариладиган турининг имконияти бироз кенгрок;
- мимуруши, бундай қўғирчоқлар юмшоқ паралондан қилинади. Эгилувчан (пластик), ҳаракати кўпроқ, лекин саҳнада узоқ ҳаракат қилса томашабиннинг кўзини толдириши мумкин;
- марионетка, ип билан ўйнатилади. Бошқарилиши қийин бўлган турлардан. Маринетканинг ип билан бошқариладиган мосламасини Ўзбекистонда дастчўп дейилади;
- планшет, бу очиқ турда ширмасиз фойдаланадиган тури.
- тенавой, соя театри. Бундай қўғирчоқлар яполоқ, текис бўлади. Унда соя ва нурдан фойдаланилади. Бу усулда бизда театримиз камроқ фойдаланилади. Туркияда “Қорагёз” театри ушбу усулдан кенг фойдаланилади.

Қўғирчоқ театрининг саҳнадаги хатти-ҳаракати ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш лозимки, драма театрида артист ўзи ижро этаётган ролнинг ички кечинмаларини очиш учун қўғирчоққа хос ва мос бўлган ҳаракатлар қилса мақсадга мувофиқ бўлади. “Лола” қўғирчоқ театрида “менинг қўғирчоғим қандай ҳаракат қиласи” деган қонун бор. Саҳнада З та қўғирчоқ бўлса биринчиси гапиради, қолган иккита қўғирчоқ ҳаракатланмайди. Гапираётган қўғирчоқ ҳам ҳар бир сўзнинг оҳирида битта ҳаракат қилиши керак. Мусиқа билан қўғирчоқ мусиқа қўйилаётган асарнинг ғоявий мазмунига мос ҳолда

танланиши керак. Бунда актёр ҳаракати ва ғоянинг ёритилиши осон кечади. Мусиқа тўғри танланса актёрга ёрдам бўлади.

Хозирда театримизда 34 та ишчи-ходим фаолият кўрсатмоқда. Бош режисёр Баҳодир Акбаралиевич Жабборов – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Кўғирчоқ театрида биринчи навбатда режисёр ва рассом яхши бўлиши керак. 80 фоиз иш шулардан бўлади, қолган 20 фоизи актёр ва техник сабаблар бўлиши мумкин. Саҳнани ушлаб турувчи ёғоч “грядка” баландлиги дунё бўйича 1,70 стандартли ўлчовдадир. Сўзим якунида шуни қўшимча қилмоқчиманки, 27 март халқаро театр куни деб эълон қилинган. 20 март эса қўғирчоқ ва ёш томошабинлар театри куни сифатида нишонланиб келинади”.

Ўзбек анъанавий қўғирчоқ театри қаҳрамонларидан бири “Полвон Качал” ҳисобланади. Полвон Качал қўғирчоғи, асосан, қўлга кийиб ўйнатилган. Унинг бош қисми ёғочдан ясалган бўлиб, эгнида кўйлак, чопон, бошида дўппи бўлган. Ташқи кўриниши қирра бурун, қошли. У оддий халқ вакили сифатида “чодир жамол” тури тамошаларида қатнашган. Ушбу томошалар XIV асрдан бошлаб халқнинг эътиборига тушган.

Манбаларда келтирилишча, “Бизгача турли варианtlарда полвон качал саргузаштлари, комедиялари етиб келган. Комедияларининг қўпчилиги 3 хил кўринишда бўлган: бирида полвон качалнинг бичахон исмли қизи севиб қолиши, учрашуви ва уйланиши; иккинчисида ўз ити томонидан таланиши, учинчисидаги тўқнашув акс эттирилган. Полвон Качал ҳам кулгили холатларга тушиб қолувчи, феъл-автори ҳам зиддиятли қаҳрамон. У бугун зиддияти, ижобий ва салбий белгилари билан ҳаётӣ, халқчилдир. У ҳамиша ҳушчақчақ ҳолда ҳаётида учраган тўсиқларни енгиб ўтган, ёмон амалдор ва судхўрларни фош этган,adolat ва ростгўйларни ҳимоя қилган”.<sup>15</sup>

Кўғирчоқ театри жамиятнинг ижтимоий тараққиётида муҳим ўрин тутади. Шу билан бир қаторда қўғирчоқ театри, унинг ўзига хос хусусиятлари,

<sup>15</sup> Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси. 7-жилд. Давлат илмий нашриёти, 2004, 117-бет.

ривожланиш тарихи хусусида олимларимиз бир қатор изланишлар олиб борганлар.

М.Қодиров, С.Қодироваларнинг “Қўғирчоқ театри тарихи” номли ўкув қўлланмасида Р.А.Комаровнинг ўзбек саҳнавий қўғирчоқларни йифиб, музейга жўнатишга мұяссар бўлган қўйидаги тўрт коллекцияси келтирилиб ўтилади:

**1. Чимкент кичик қўғирчоқ театри.** Чимкентда Катта мачит маҳалласида яшовчи қўғирчоқбоз Сайдазимхўжа Исломхўжаевдан сотиб олинган. Коллекция 18 қўғирчоқдан иборат.

**2. Сайрам кичик қўғирчоқ театри.** Сайрамда яшовчи Турсунмуҳаммад Маткаримовдан сотиб олинган. Коллекция 6 қўғирчоқдан иборат.

**3. Тошкент кичик қўғирчоқ театри.** Тошкентда Себзор даҳа, Хўжа Парошкон маҳалласида яшовчи қўғирчоқбоз Орифжон Отажоновдан сотиб олинган. Коллекция 10 қўғирчоқдан ташкил топган.

**4. Тошкент катта қўғирчоқ театри.** Бу коллекция ҳам Орифжон Отажоновдан сотиб олиган бўлиб, 47 қўғирчоқдан иборат.<sup>16</sup>

Тадқиқотчи Д.Юсупов “Қўғирчоқ театри: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги сухбатда муҳбирнинг “–Театр фақат томошагоҳми? Ёки...” деган саволига шундай жавоб беради: “Ўзбек маърифатпарвари Мунавар Қори Абдурашидхонов 1914 йилда Тошкентдаги Ўзбек миллий театрининг биринчи мавсуми очилишидаги нутқидан парча келтириб ўтади: “...баъзи кишиларимиз театрга, эҳтимолки ўйинбозлик ёки масҳарабозлик кўзлари или боқурлар. Ҳолбуки, театрнинг асл маъноси “ибратхона” ёки “улуғлар мактаби” деган сўздир. Театр саҳнаси ҳар тарафи ойнабанд қилинган бир уйга ўхшайдурки, унга ҳар ким кирса, ўзининг хусн ва қабиҳлигини, айб ва нуқсонини қўриб ибрат олур” деган эди”.<sup>17</sup> Фикримизча, театр ҳақидаги ушбу ибратли сўзлар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Юқоридаги фикрнинг исботи сифатида Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асари асосида ишланган ўзбек фильмни барчамизга маълум. Фильмни

<sup>16</sup> Қодиров М., Қодирова С. Қўғирчоқ театри тарихи. –Т.: Талқин. 2006. 8-бет.

<sup>17</sup> Юсупов. Д. Қўғирчоқ театри: муаммолар ва ечимлар. Театр ж., 2-сон. 2007. 46-бет.

такрор, қарийб бир неча йиллардан буён томоша қилиб келар эканмиз, бу борада қўғирчоқ томошаси акс этган кичик эпизодни эслатиб ўтмоқчимиз. Ҳа, ўша эпизод кўз олдингизда гавдаланди. Айтмоқчимизки, қўғирчоқбозлар томоша баҳона қўғирчоқ воситасида элу-юртга озор берган, ғам-кулфат келтирган замон зўравонларини танқид қилиш, турмушдаги айrim қолоқликлар, нопокликлар, зиддият ва эгриликлар устидан кулишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Бу эса ўз навбатида оддий халқ учун зарур бўлган катта ижтимоий вазифани ўтайди. Қўғирчоқ ўйнатувчиларнинг мақсади қанчалик холис, самимий ва юксак бўлмасин, жамиятда қўғирчоқбозлар паст табақа ҳисобланган. Айrim ҳолларда, ҳатто, таҳқирланган. М.Қодировнинг фикрича, “Уламолар қўғирчоқ театрини “шайтон иши”, қўғирчоқбозни оллоҳ ишига қўл урган шаккок ва диёнатсиз, деган уйдирма гапларни тарқатиб келишган. Ўтмишда қўғирчоқ театрига олимларимизнинг етарли эътибор бермаганликларининг боиси ҳам шунда”.<sup>18</sup>

XI-XII асрлар давомида Марказий Осиёда театр санъати жадал ривожланган. Мазкур давр мобайнида ал-Хоразмий, Фаробий, ал-Фарғоний, Ибн Сино сингари қомусий олимлар дунёга келди. XV-XVI асрларга келиб қадимиј Туркистон жаҳонга Қозизода Румий, Улугбек, Навоий, Хусайн Воиз Кошифий, Умар Хайём сингари алломаларни вояга етказди. Улар ўз асаларида театр, унинг турлари, тарбиявий аҳамияти хусусида фикр юритганлар.

Хусусан, М.Қодировнинг изоҳлашича, “Камолиддин Хусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи Султоний” номли сўфий рисоласининг “Дар шарҳи луъбатбозон” деган олтинчи боб иккинчи фасли батамом қўғирчоқ ўйинга бағишланган. Фаслда луъбатбозлик тўғрисида қуйидаги тартибда фикр юритилади: “лаҳвдан ва суратлардан илоҳий асрорларни кашф этиш учун фойдаланиш керак деган мазмундаги киришдан кейин қўғирчоқ томошаси таърифланади. Шу асосда қилинган сўфиёна хulosада пардаланган ҳолда қўғирчоқбоз маҳорати хусусида сўз боради”<sup>19</sup>. Бундан ташқари, қўғирчоқ

<sup>18</sup> Қодиров М., Қодирова С. Қўғирчоқ театрни тарихи. –Т.: Талкин. 2006. 6-бет.

<sup>19</sup> Қодиров М., Қодирова С. Қўғирчоқ театрни тарихи. –Т.: Талкин. 2006. 25-бет.

театрининг турлари бўйича Ҳусайн Воиз Кошифий қуидагиларни ёзди; “Агар луъбатбозликнинг хусусияти нима деб сўрасалар, хайма (чодир) ва пешбанд деб жавоб бер. Хайма билан кундузи, пешбанд билан кечаси томоша бериш мумкин. Пешбанд бир сандиқки, унинг олдида ҳаёл ўйини кўрсатилади. Кундузги ўйинда қўғирчоқлар қўл билан ҳаракатга келтирилади, кечкуунги ўйинда эса бирқатор иплар билан мутаҳарриқ бўлади. (ҳаракатланади)”.<sup>20</sup> Бундан кўриниб турибдики, муаллиф ўзи яшаган даврда қўғирчоқ театри икки турдан яъни қўл билан ҳаракатга келтириладиган ва чодир-саҳнада кундузи ўйнатиладиган қўғирчоқ томошаларидан иборат эканини қайд қилмоқда.

Умар Ҳайём эса ўз рубоийларида илм-маърифат, ақлу-заковатни улуғлайди. Қабоҳат, разолатни қаттиқ қоралайди. Бундан ташқари Умар Ҳайёмнинг луъбатбозлик хусусидаги рубоийсида “дастлаб диний руҳдаги маснавий берилади, шундан сўнг қўғирчоқ театрининг икки тури, уларнинг мазмуни қурилиши баён қилинади ва худо ҳам қўғирчоқбоз каби дил илларини ҳаракатга келтирмас экан, инсон ҳаракатга келмайди деб, яна шу манодаги бир байт билан якун ясалади”.<sup>21</sup>

Хуллас, буюк қомусий олимлар ижодида қўғирчоқ театрининг турлари, тузилиши, кўриниши акс эттирилган воқеалар бўйича қимматлт маълумотлар атрофлича талқин қилинган.

Қўғирчоқ театрининг ривожланиш тарихидан маълумки, қадим замонларда одамлар ёғочдан ва унинг пўстлоқларидан, сополдан турли ҳайвонлар, қушлар, шунингдек, маъбудларнинг қўғирчоқларини ясад, уларга синганлар, ҳаракатга келтирганлар, ўйнатганлар. Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон сарҳадларида ҳам VIII асргача оташпарамастлик, Будда динларига синган кишилар ўзлари ёқтирган маъбудаларнинг ҳайкалчаларини эъзозлаб, улар билан жонли мавжудот сифатида мулокотда бўлиб келишган. Яъни ўзига хос қўғирчоқ театри ҳосил бўлган. Мусулмонлик давридан бошлаб қадимги диний маросимлар, урф-одатлар, томошалар ва байрамлар қўғирчоқ театри

<sup>20</sup> Қодиров М., Қодирова С. Қўғирчоқ театри тарихи. –Т.: Талқин. 2006. 26-бет.

<sup>21</sup> Қодиров М., Қодирова С. Қўғирчоқ театри тарихи. –Т.: Талқин. 2006. 26-бет.

саҳналарига кўчган ҳамда ўйин шаклида болалар дунёсига кириб келган.

Дастлабки қўғирчоқлар қўлга кийилиб, бармоқлар ёрдамида ҳаракатга келтирилган ёки бўлмаса дастасидан ушлаб ўйнатилган. Ўзбекистонда бундай қўғирчоқ тури чодир жамол деб, унинг қаҳрамони Полвон Качал деб аталган. Полвон Качалга ўхшаш қаҳрамонлар дунёнинг кўп мамлакатларида учрайди: Эронда уни Пахлавон Качал, Хитойда Сун У Кун, Россияда Петрушка, Англияда Панч, Иъалияда Пулчинелла, Францияда Полишинел ва ҳоказо. Улар хулқ-авторлари билан ҳам бир-бирига ўхшаш.

Замонлар ўтиб, жамиятлар тараққий этган сайин қўғирчоқ театрининг шакли, қўғирчоқларни ясаш ва ҳаракатга келтириш усуслари ҳам ўзгариб, мураккаблашиб бораверган. Айниқса, шарқ мамлакатларида, жумладан, Бенгалияда (ҳиндистон) “Путул неч”деган дастали қўғирчоқлар расм бўлган. Хусусан бу тур Хитойда ҳам кенг тарқалган. Ява оролида (индонезия) сим билан бошқариладиган қўғирчоқ театри расм бўлган. XX-аср бошларида мазкур шакл Россияда қабул қилинган, сўнгра бошқа мамлакатларга ёйилган.

Манбаларда келтирилишича, мутахассислар қўғирчоқларни турли хилларга ажратадилар: воқеабанд ўйин иштирокчилари (ўғил бола, қиз бола, чақалоқ, шифокор, милиционер ва ҳоказо); эртак қаҳрамонлари (Уч оғайни ботирлар, Кенжа ботир, Муқбил-тошотар, Қизил шапкача, Дюмовочка (митти қиз), Чипполино, Буратино ва бошқалар); қўл театри қўғирчоқлари (қўлга кийиб ўйнатиладиган қўғирчоқлар); марионетка қўғирчоқлари (маҳсус мослама ёрдамида ҳаракатга келтириледиган қўғирчоқлар); бармоқ қўғирчоқлари (бармоққа кийдириледиган митти қўғирчоқлар).

Ўзбек халқ театри ўтган асрда асосан икки хилда намоён бўлган: мазҳарабоз-қизиқчилар ҳамда қўғирчоқ театри. Биринчи хили асли бир неча жанрлардан: кичик сатирик мазмундаги саҳналарни бажарувчи масҳарабоз-қизиқчилардан, саҳналаштирилган чиқишлиар бажарувчи йирик вакиллардан, яъни аскиябоз, дорбоз, муаллақчи, найрангбоз (фокусчи), ёғочоёқ ва мусиқачилардан иборат бўлган. Иккинчи хили қўғирчоқ театри ёки қўғирчоқ ўйин ҳамда қўл қўғирчоги. Яъни қўл билан бошқарилган чиқишлиар ҳамда ип

билин башқариладиган қўғирчоқ ўйин (чодир ҳаёл ) дан ташкил топган. Барча халқ театри санъаткорлари – мазҳарабозлар, қизиқчилар, қўғирчоқ ўйинлари, созандалар бир уюшмага бирикканлар. Бир уюшма ”мехтарлик” ёки ”корхонаи созанда” деб номланган ва ўзининг рисоласига эга бўлган, унинг бошида маҳсус сайланган оқсоқол - меҳтарбоши турган. Уларнинг рисоласида айрим санъат турларининг келиб чиқиши тўғрисидаги айрим касб-хунар маслаҳатлари баён этилган. Халқ театри актёрларининг чиқишлиари хар ҳил вазиятда бўлиб ўтган. Баъзан оилавий маросимлар, тўй-томуша, байрам ва сайллар оғир шароитга тўғри келган. Одатда бу чиқишиларга кўп томашабинлар тўпланган.

Кейинги ярим асрдан ортиқ давр ичида халқ театрлари янгича мазмун ва шаклларда ривожланди ҳамда профессионал театрлар пайдо бўлди. Мазҳарабоз-қизиқчилар, дорбозлар циркнинг яратилишида, қўғирчоқ ўйинлари, ашулачи ва раққослар янги драматик театрлар пайдо бўлишига замин яратди.

Маълумки, болага мактабгача ёшида берилган билим унинг бутун ҳаёти давомида етакчи ўринни эгаллайди. Бу ҳаётий зарурият “Учинчи минг йилликнинг боласи” таянч дастурининг асосини ташкил этади. Жамиятимизда олиб борилаётган ислоҳотлар кўлами, ривожланиб бораётган фан-техника тараққиёти аслида ота-оналар фарзандларига бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг ёшига муносиб ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда керакли таълим-тарбияни бериб бориш, маънавияти юксак, ҳар томонлама етук инсон қилиб вояга етказиш лозимлигини тобора англаб етмоқдалар.

Келажагимиз пойдевори бўлган ёшларни эрганги куни қандай бўлиши, кўп жиҳатдан уларни бугун қандай таълим-тарбия олаётганига, у яшаётган, нафас олаётган ижтимоий муҳитга боғлиқ. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, бугун устоз, мураббий, ота-она, тарбиячи ва кенг жамоатчилик боланинг эртанги куни учун бирдек масъулдир. Шу ўринда хориж олимаси Ҳиллари Родэм Клинтоннинг қуийдаги фикрини келтириб ўтиш ғоят ўринлидир: “...аксарият болалар боғчага борадиган ёшга етганларида, улар миясининг архитектураси қурилиб бўлган бўлади. Шу вақтдан балоғатга етгунга қадар мия

иштиёқи суст ўрганувчига айланиб қолади, аммо баъзан кейинчалик ҳам “болалик ғайрати” нинг қайта тикланиш ҳоллари учрайди. Аммо у дунёни қайтиб ҳеч қачон ҳаётининг дастлабки бир-икки йилидаги каби шиддат билан ўргана олмайди”<sup>22</sup>.

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг онгida юксак ахлоқий-эстетик сифатларнинг шаклланишида оила аъзолари ва тарбиячиларнинг фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Зоро, оила аъзолари, тарбиячи ва бола ўртасида софдиллик, хушмуомалалик, камтарлик, ўзаро ҳурмат бир сўз билан айтганда самимий муносабат каби ҳислатлар мавжуд бўлса, бу ибратли ахлоқий-эстетик сифатлар болаларга ижобий таъсир этади. Бола ўз оиласида, атрофида қўрган хатти-ҳаракатлардан тўғри хулоса чиқариб, ўз яқинларини ҳурмат қилиш ва ўз бурчини вижданан бажаришга интила боради.

Ахлоқий-эстетик сифатлар кенг маъноли тушунча бўлиб, унинг замирига табиат, ижтимоий ҳаёт, турмуш ва санъатга муносабатни тарбиялаш ётади. Мактабгача ёшдаги болаларни ахлоқий тарбиялашнинг мазмуни Она ватанга муҳаббат, атрофдагиларга меҳрибонлик, раҳмдиллик, катталарга ҳурмат, меҳнатсеварлик, хулқ-автор сифатларини ўз ичига олади. Болаларни гўзалликни идрок этиш орқали тарбиялаб борилар экан, аста-секин уларда ўзгаларнинг хурсандчиликларига шерик бўлиш, ҳамдардлик билдириш, қайғуриш каби хусусиятлар таркиб топа бошлайди.

Ўзбек халқида “қуш уясида кўрганини қиласи”, деган нақл бор. Бундан кўринадики, фарзандларимизнинг хушмуомала, сахий ва ҳурматга лойиқ киши бўлиб етишишини истасак, биз уларга бераётган тарбия айнан шу ҳислатларни ўзида мужассам этиши лозим. Агар биз фарзандларимизнинг теварак-атроф ва борлиқ ҳақида кўп нарсани билишга қизиқувчи, мустақил фикрловчи инсон бўлиб етишишини истасак, уларга таълим-тарбия бера бошлаган илк кунларимизданоқ ўзимизнинг бундай хусусиятларимизни уларга кўрсата олиш

<sup>22</sup> Хиллари Родэм Клинтон. Бир болага етти маҳалла ота-она ва болалар бизга бераётган бошқа сабоклар. (Инг.тилидан таржима). –Т.: Ўзбекистон.1997. -67 б.

даражасида ибрат-намуна бўлишимиз лозим.

Ҳаётий тажрибалар шуни кўрсатадики, болалар ёшлигидан бошлаб тақлидчан бўладилар. Улар оиласидаги, кўча-кўйдаги ёши катта кишиларнинг юриш-туришлари, ўзини тута билиши, кийинишлари, ўзаро муносабатлари ва барча хатти-ҳаракатларини кузатиб, уни ўзиларига сингдириб борадилар. Зеро, катталар бу масалага бефарқ қарамай ўзларини тарбиячи эканликларини унутмай ҳамма вақт ибратли бўлишга ҳаракат қилишлари лозим. Шу билан бир қаторда боланинг ҳар бир хатти-ҳаракатлари, бажараётган ишлари ўз навбатида оила катталари, тарбиячилар томонидан рағбатлантирилиб борилса, кўзланган натижага эришиш мумкин. Зеро, Хиллари Родэм Клинтоннинг фикрича: “...рағбатлантириш болаларда маҳсус кўнилмаларни, қолаверса, кейинчалик ўқиб-ўрганишга аскотадиган ўз кучига ишонч, ҳар бир гапни далиллаш, саъи-ҳаракат, масъулият, ташаббус, тиришқоқлик, ғамхўрлик, жамоага қўшилиб ишлай олиш, соғлом фикр ва муаммоларни ечиш сингари шахсий хусусиятларни шакллантиришда ёрдам бериши билан ҳам аҳамиятга эга. Оила ва мактаб институтининг асосчиси Дороти Рич таъбири билан айтганда, бундай “мегамалака (megaskills – энг зўр малакалар) лар” шахсий қадр-қимматнинг асоси ва бизни ҳаёт бўйлаб бошлаб борадиган маънавий, ахлоқий ва рухий омиллардир”<sup>23</sup>.

Боланинг ахлоқий-эстетик сифатларини шакллантиришда бир қатор воситалар (теварак-атроф, табиат, муҳит, санъат, байрамлар, тадбирлар ва ҳоказо) муҳим ўрин тутса-да, аммо қўғирчоқ театри воситасида ахлоқий-эстетик тарбиялаш ҳам ўзига хослик касб этади.

Юртбошимиз И.Каримовнинг таъбири билан айтганда “...ҳар қайси гўдак илк бор оламни ўз атрофидаги ашё ва буюмлар, жумладан, ўйинчоқлар орқали англашини инобатга оладиган бўлсак, уларнинг инсон тарбиясидаги ўрни беқиёс экани аён бўлади. Ўйинчоқлар образи боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб, унинг

<sup>23</sup> Хиллари Родэм Клинтон. Бир болага етти маҳалла ота-она ва болалар бизга бераётган бошқа сабоклар. (Инг.тилидан таржима). –Т.: Ўзбекистон.1997.115-бет.

онгода бир умр сақланиб қолади. Гүдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг болаликда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади”<sup>24</sup>.

Мактабгача таълим муассаси тарбилианувчиларида ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришда ўтмиш алломаларининг ахлоқий-эстетик қарашларини, илғор фикрларини ўрганиш мухим аҳамият касб этади. Уларнинг таълим-тарбия соҳасидаги беназир фикрлари, ахлоқий қарашлари бугунги тараққиёт учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Уларнинг қимматли ўгитлари мурғак бола қалбига инсонийлик уруғларининг ниш уришига маънавий куч-куват беради.

Ўтмиш алломалари, улуғ мутафаккирлар ижодида боланинг ахлоқий-эстетик камолоти учун зарур бўлган сифатлар атрофлича талқин қилинади. Уларнинг илмий меросидан мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари фаолиятида фойдаланиш мухим ўрин тутади. Хусусан, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг бой илмий мероси, ахлоқий-таълимий қарашлари Ўрта Осиё халқлари тарихида мухим ўрин тутади. Унинг асарларида чин инсоний фазилатлар: ватанпарварлик, мардлик ва жасорат, саҳоват, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, камтарлик, меҳр-оқибат каби ғоялар мухим ўрин тутади.

Жалолиддин Румий ижодида эса ғирромлик, тухмат, такаббурлик, баднафслик сингари салбий хатти-ҳаракатлар қораланган. Аксинча, ақлу-фаросат, ростгўйлик, камтарлик каби эзгу амаллар тарғиб этилади. ...“Уч ўғри ва боғбон”, “Лўли бола”, “Туя ва ҳаммом”, “Муаллим ва шогирдлари” сингари бир туркум ҳикояларда Румий ҳаётий иллатлар, инсонларда учрайдиган салбий хислатлар устидан лутф билан кулади, ҳажвий ҳолат яратади”<sup>25</sup>.

Соҳибқирон Амир Темур тузукларида ахлоқий-эстетик сифатлардан дўстни душмандан фарқлашни, камтарликни кузатишимииз мумкин: “...ўз

<sup>24</sup>Каримов. И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. 157-бет.

<sup>25</sup> Ҳамидjon Ҳомидий. Кўхна шарқ дарғалари. –Т.: Шарқ. 1999. 108-бет.

тажрибамдан билдимки, содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимайди, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса дўсти учун жонини ҳам аямайди”<sup>26</sup>.

Исмоил Ал-Бухорийнинг фикрича: “Ахлоқнинг яхши бўлиши, таомнинг покизалиги, ростлик ва омонатга хиёнат қиласлиш шарт, дунёвий ишлардан четда қолган бўлсанг ҳам зарари йўқдир”<sup>27</sup>.

Маълумки, буюк алломаларнинг ахлоқ ва одоб ҳақидаги теран фикрлари шундай кучга эгаки, у инсонларга маънавий озуқа беради. Ахлоқий-эстетик сифатлар боланинг маънавий етуклигининг асоси ҳисобланади. Хусусан, Абдулла Авлоний шундай дейди: “инсонларни яхшиликка чақиравчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдир. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллари билан баён қиласургон китобни ахлоқ дейилур”<sup>28</sup>.

Абдулла Авлоний яна айтадики, “...тарбия қилувчилар табиб кабидирки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилғони каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига яхши хулқ деган давони ичидан, поклик деган давони устидан беруб, катта қилмак лозимдир”<sup>29</sup>.

Шеърият мулкининг султони, буюк ўзбек мутаффакир, олим Алишер Навоийнинг одоб-ахлоқ, таълим-тарбияга оид илғор қарашлари бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. Унинг ижодидаги фалсафий-ахлоқий ажойиб фикрлар, ҳикматлар ва ўгитлар ўзининг муҳимлиги ва долзарблиги жиҳатидан умуминсоний аҳамиятга эга. Навоий барча инсонларни эзгуликка, ўзаро ҳамжихат бўлишга, насл-насабидан қатъий назар меҳр-оқибатли бўлишга, миллий урф-одатларга садоқатли бўлишга даъват этган. Зоро,

“Ақл ила олам юзин обод қил,

Хулқ ила олам элини шод қил”- дейди Навоий.<sup>30</sup>

<sup>26</sup> Темур тузуклари / Форсчадан А.Софуний ва Х.Кароматов таржимаси/ – Т.: F.Фулом, 1991. 90-бет.

<sup>27</sup> Мавлонова Р., ва бошқалар. Тўраева О., Холиқбердиев К. Педагогика. Дарслик. –Т.: Ўқитувчи. 2001. 403-бет.

<sup>28</sup> Мавлонова Р., ва бошқалар. Тўраева О., Холиқбердиев К. Педагогика. Дарслик. –Т.: Ўқитувчи. 2001. 409-бет.

<sup>29</sup> Ҳасанбоева О. У. ва бошқалар. Мактабгача таълим педагогикаси. Касб-хунар коллажлари учун ўкув кўлланма.–Т.: Илм зиё. 2006. 30-бет.

<sup>30</sup> Комиллик ўгитлари. Тузувчилар: М.Х.Саидов, З.Т.Тохиров. –Т.: Молия. 2003 й. 72-бет.

Абу Райхон Беруний саҳоватпешаликни муҳим ахлоқий мезон деб ҳисоблаган. Муруват инсоннинг чинакам ахлоқий сифатларидан бири бўлиб, Берунийнинг фикрича бундай одамлар хайриҳоҳ бўлади. ...Беруний зиқналиқ, ёлғончилик, мунофиқлик, хушомадгўйликни, айниқса, кишиларнинг ўз билимларига, қобилиятларига ва ахлоқий хислатларига мувофик бўлмаган юксак мавқени эгаллашга интилишларини қаттиқ қоралади”.<sup>31</sup>

Ахлоқ етуклиқ кишиларда ҳаётнинг мазмун-моҳияти ва мақсади тўғрисида ҳақ тушунчаларни ҳосил қиласди. Ахлоқ кишиларнинг ўз-ўзини идора қилиш, ўзгалар билан онгли муносабатда бўлиш мезонларини, меъёрларини, белгилайди.

Бинобарин, Хуррамий фикрларидан ҳам кўринадики, у инсонларни тубанликка етакловчи қусурлар ва нуқсонлар, ёмон хулқлардан 42 таси ҳақида фикр юритади.<sup>32</sup> Улардан айримлари яъни мактабгача ёшдаги болаларда учрайдиган мақтанчоғлик, ёлғон (кизб), айёрик, ялқовлик, лақмалик, мазаҳ қилиш, айирмачилик, зиқналиқ каби олаларнинг ахлоқий тарбияланганлик даражасига зид ёмон нуқсонлардир.

Т.Ҳидоятхўжаевнинг фикрича, болалар ахлоқий тарбияни муҳитдан оладилар, муҳитнинг одат-ахлоқини қабул қиласдилар. Яъни уйда ота-оналаридан, мактабда синфдош муаллимларидан, кўчада ўртоқларидан кўрган одат ва ахлоқларини тезда ўзлаштириб, шу ахлоқ билан юрадилар.<sup>33</sup>

Шу ўринда Юсуф Хос Хожибнинг қуидаги фикрлари ғоят ўринлидир:

Хулқ гўзал бўлса, барча халқ севади,

Хулқи тўғри бўлган киши тўрга чиқади.<sup>34</sup>

Болаларда ахлоқий – эстетик сифатларни шакллантириш турли йўллар, шакллар ва воситалар ёрдамида амалга оширилади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, қўғирчоқ театри – эстетик туйғуларни, болаларнинг қизиқувчанилиги ва тасаввурини ривожлантириш учун жуда қулай восита

<sup>31</sup> Қодиров Б. Комил инсон тарбиясининг педагогик асослари. –Т. Мехнат. 2001. 121-бет.

<sup>32</sup> Ҳасанбоева О. У. ва бошқалар. Мактабгача таълим педагогикаси. Касб-хунар коллажлари учун ўқув қўлланма.–Т.: Илм зиё. 2006. 22-бет.

<sup>33</sup> Ҳидоятхўжаев Т. Фарзандлар жаннат райхонларидир. –Т.: Янги аср авлоди. 2002. 29-бет.

<sup>34</sup> Комиллик ўйтлари. Тузувчилар: М.Х.Саидов, З.Т.Тохиров. –Т.: Молия. 2003 й. 71-бет.

хисобланади. Ахлоқий-эстетик сифатлар болаларда гўзаллик хақидаги билимлар, ҳаёт воқелиги, буюмлар, уларнинг ранг-баранглиги, турларини, ўзини тута билишни, мулоқотга киришувчанлик, яхши-ёмонни фарқлаш, ўз-ўзига бахо бериш кабиларни тарбиялаш масаласини ўз ичига олади.

Кўғирчок, кўғирчок театри ва унинг тарбиявий хусусиятлари тўғрисида тадқиқотчиларнинг бир қатор қарашлари мавжуд. Жумладан:

– “Театр санъати миллий ўз-ўзини англаш, миллий ғурур, миллатпарварлик, ватанпарварлик, миллат тақдирига нисбатан масъулиятни, миллий манфаат устуворлигини ҳис этиш, миллий тил, миллий тарих, адабиёт, санъат, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар, давлат тизимига ҳурмат, қонунларига ҳурмат ва ижодкорлик, вазминлик, ўз касбининг моҳир устаси бўлиши, мамлакат ички ва ташқи фаолиятидан хабардор бўлиб ва уни қўллаб-қувватлаш, мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий ҳаётидаги фаолиятини тарғиб қиласи”<sup>35</sup>;

– “...театр санъати ҳар хил ёшдаги, характердаги болаларнинг феълига таъсир этадиган, уларнинг қизиқишини ўстирадиган тарбия мактабидир. Бунинг учун болалар театри ҳар хил спектаклни саҳналаштиришда уларнинг психологиясини билишдан ташқари педагогика, руҳшунослиқ, болалар адабиёти ва адабиётшунослигидан маълумотга эга бўлиши лозим”<sup>36</sup>;

– “...театр санъатининг моҳияти шундаки, театр жамиятда амалга ошириладиган барча вазифаларнинг тақдири, унда яшайдиган одамларнинг тафаккури, онгини оширишда, жамият ҳаётини ўзгартиришнинг муҳим механизм ҳисобланади”<sup>37</sup>;

– “болалар янгидан-янги ахборотлар олишга қизиқадилар, тез эслаб ҳам қоладилар. Шунинг учун эртак қаҳрамонларининг қўғирчоқлар қиёфасида болалар дунёсига оммавий равишда кириб бориши ҳам уларнинг маънан

<sup>35</sup> Минаваров Ш. Театр маънавият маскани. Халқ таълими ж. 2009. 3-сон. 87-бет.

<sup>36</sup> Минаваров Ш. Театр маънавият маскани. Халқ таълими ж. 2009. 3-сон. 86-бет.

<sup>37</sup> Минаваров Ш. Театр маънавият маскани. Халқ таълими ж. 2009. 3-сон. 87-бет.

бойишига ёрдам беради”<sup>38</sup>;

– “қўғирчоқлар... Уларнинг жони йўғу юзи, харакатлари, хис-туйғуларга бой. Уларнинг тили йўғу, лекин келажак авлодга айтар сўзи бор. Зеро, улар маънавий меросимизнинг узвий бир қисми. Уларни асраб-авайлаш, адоклаш, болаларга шу ҳикматларнинг ҳаммасини тушунтириш бурчимиздир”<sup>39</sup>;

– “театр инсоният тараққиётининг маданий феномени сифатида, аввало, омманинг тарбияси ғоясини асосий масалалардан бири сифатида талқин этиб келган. Шу боис тарбия масаласи қанчалик ибтидоий негизга эга бўлса, театр ҳам шунга монанд тарзда шаклланиб, ривожланиб келган”<sup>40</sup>;

– “театр бу-жуда қизиқ, жуда содда ва мураккаб организм. Азалдан театрнинг заҳматини тортиб, ўзини унга баҳшида қилган кишилар бу даргоҳни катта оиласа ўхшатганлар. Бунда ҳамма бир-бирини яхши билади. Ҳамма-ҳамма тўғрисида ҳамма нарсани билади. Лекин ҳамма ўзини хеч нарса билмайдигандек тутади”<sup>41</sup>;

– “театр – сехрли ёғдуларга ғарқ бўлган томошагоҳ. Саҳнада ҳаётнинг рангин пардалари туширилган. Парданинг ортида сир-синоат яширган. Парда юрақдан учайтган қушлардай аста қўтарилади... Ҳаяжонли лаҳзалар ...Театр – инсон тақдирини оқ ва қора кўчаларга етаклайди. Сен театрга айланайтганингни хис қиласан. Ўзингни беихтиёр кўзгудан томоша қила бошлайсан”<sup>42</sup>;

– “театр санъатининг мазмун-моҳияти шундаки, у жамиятда амалга ошириладиган барча вазифаларнинг – ўтмиши, бугуни, келажаги ва тақдири, унда яшайдиган одамларнинг онг ва тафаккурини оширишда муҳим механизм ҳисобланади”<sup>43</sup>.

Мактабгача ёшдаги болалар хулқ ва муомаланинг кўпгина усулларини қиска муддат ичида ўзлаштиради. У ён-атрофидагиларнинг хатти-

<sup>38</sup> Абдуллаева С. Қўғирчоқларнинг айтар сўзи бор. Мактабгача таълим ж., 2008. 4-сон. -16 бет.

<sup>39</sup> Абдуллаева С. Қўғирчоқларнинг айтар сўзи бор. Мактабгача таълим ж., 2008. 4-сон. -16 бет.

<sup>40</sup> Ibragimov B. Dunyo teatrlarining ibtidosi. Xalq ta'limi j. 2009 3-son. 117-бет.

<sup>41</sup> Ризо Шухрат. Кулги ва йиги орасида. Тафаккур ж. 2008 й.3-сон. 50-бет.

<sup>42</sup> Умирова А. Миллий театрда асарлар талқини. Гулистон ж., 2004. 5-сон. 34-бет.

<sup>43</sup> Минаваров Ш. Театр маънавият маскани. Халқ таълими ж. 2009. 3-сон. 87-бет.

ҳаракатларини синчковлик билан кузатади. Уларнинг юриш-туриши, муносабати, ўзини тута билиш, нутқи ва хатти-ҳаракатига тақлид қиласди. Натижада ўз тенгқурлари билан мулоқотда бўлишга эҳтиёж сеза бошлайди. Бу жараёнда катталарнинг, хусусан, ота-оналар ва тарбиячиларнинг кўрсатмалари, ибрат-намунаси мухим ўрин тутади.

Бу борада мактабгача таълим муассасаларининг қўғирчоқ театри билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилиши болаларнинг қўғирчоқларга нисбатан ўзгача муносабатда бўлишига олиб келади. Айниқса, миллий қадриятларимиз ва аъналаримизга ҳурмат, уларнинг қадимиий қўғирчоқбозлик санъатига бўлган қизиқишлигини кучайтириш, халқаро ва республика миқёсида ўтказилган қўғирчоқбозлик кўрик-танловлар ғолибларини билан танишиш имкониятини беради.

Боладан ўзгалар томонидан ёрдам берилганда миннатдорчилик билдириш, “раҳмат” сўзини кўп ишлатиш, илтимос ва хушмуомалалик билан мурожат қилиш талаб этилиши лозим.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқсан ҳолда тадқиқотчи-олимларнинг ахлоқий-эстетик қарашлари ва уларнинг тарбиявий аҳамияти хусусидаги фикрлари ҳақида фикр юритмоқчимиз:

– “ахлоқ – кишиларнинг бир-бирларига, оиласа, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган хатти-ҳаракатлари, хулқ-авторлари, одоблари мажмуи”<sup>44</sup>;

– “эстетик ва ахлоқий тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги шундаки, кишининг гўзаликни идрок этишдан қувониши унинг бошқа кишиларга яхшилик қилганидан хурсанд бўлишига ўхшаб кетади. Аксинча, гўзалликни қўра билмаслик, ундан завқлана олмаслик ёмон ишларни қилишга олиб келади”<sup>45</sup>;

– “адаб хулқни чиройли қилиш, сўз ва феълни соз қилишдир”, “Адаб сақлаш – муҳаббат самараси, яна муҳаббат дарахтининг уруғи ҳамдир. Агар адабдан озгина нуқсонга йўл қўйсанг ҳам нимаики қилсанг беадаблик

<sup>44</sup> Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х., Ҳайдаров М., О.Ҳасанбоева. Педагогика фанидан изоҳли лугат. Т.2008 . 41-бет.

<sup>45</sup> Ҳасанбоева О. У. ва бошқалар. Мактабгача таълим педагогикаси. Касб-хунар коллежлари учун ўкув кўлланма.–Т.: Илм зиё. 2006. 111-бет.

кўринади”, “Сабр ва чидамда ноғора каби бўлмоқ лозимки, у қанчалик шапалоқ емасин, бироқ ўз адабига хилоф овоз чиқармайди”<sup>46</sup>;

– “ахлоқ - ижтимоий онг шакли бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида инсоннинг хулқ-авторини қўлга солиб турадиган тамойиллар, талаблар, меъёрлар ва қоидалар йигнидиси. Ахлоқий тушунчалар: яхшилик, шараф, виждон, эътиқод, садоқат ва бошқалар баҳоланувчи характерга эга”<sup>47</sup>;

– “ёшларда баъзан учрайдиган ахлоқ бузилишлари – уларда ўзбўларчилик, манманлик, бузғунчилик, ичиш-чекишиларга интилиш, ёлғончилик ва бошқа иллатларнинг келиб чиқишига олиб келади”<sup>48</sup>;

– “маънавий- ахлоқий тарбия – бу миллат ва жамият томонидан яратилган барча руҳий ва ақлий нематларнинг шахс томонидан ўзлаштирилиб, ундан фойдаланган холда ўз ахлоқини баркамоллаштиришга эриша олганлик даражасини кўрсатувчи меъзондир”<sup>49</sup>;

– “маънавий – ахлоқий меъёрлар саҳийлик, оққўнгиллик, яхшилик, ҳурмат, ҳайрихохлик, масъулиятилик, меҳнатсеварлик, каби атамаларнинг мазмунини билиб олиш, ўз фаолиятида унга амал қилишни англатади”<sup>50</sup>;

– “эстетик тарбия – шахсда табиат, меҳнат, ижтимоий муносабатлардаги гўзалликни эстетик идиал нуқтаи назаридан идрок этиш ва баҳолаш, шунингдек воқеликни гўзаллик қонунларига кўра ўзгартириш эҳтиёжини хис этиш қобилятини шакллантиришга йўналтирилган мунтазам таъсир жараёнидир”<sup>51</sup>;

– “ўзбек оиласарида ахлоқий-этетик қадрятлар билан боғлиқ анъаналар мавжуд. Ота-оналар ёшларга “ҳалол-харом”, “увол”, “гуноҳ-савоб” каби панд насиҳатлар асосида дастлабки ахлоқий ва эстетик тушунчаларни бериб

<sup>46</sup> Ахмад Яссавий ижодиётида маънавий тарбия. Тузувчи О.Ҳасанбоева. -Т. 1999. -29 бет.

<sup>47</sup> Ҳайдаров М.Э. Меҳнат тарбияси воситасида ҳалқ миллий анъаналаридан фойдаланишнинг назарий ва амалий асослари (кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари мисолида): Пед.фан.докт. ... дисс. автореф. – Т.: 2001. – 29-бет.

<sup>48</sup> Алиқориев. Н.Ёшларнинг ҳозирги замон социал муаммолари. Ёшлар муаммолари ва уларнинг очими: ҳолат ва истиқбол. II-Республика илмий-амалий анжуман материаллари. –Т.: Янги аср авлоди.2002. 3-бет.

<sup>49</sup> Исмоилова. М.Э. Ҳалқ кўшиқлари воситасида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш. Пед.фан.ном. ... дисс. автореф. – Т.: 2006. 3-бет.

<sup>50</sup> Исмоилова. М.Э. Ҳалқ кўшиқлари воситасида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш. Пед.фан.ном. ... дисс. автореф. – Т.: 2006. 3-бет.

<sup>51</sup> Валихўжаева Ф.Б. Талабаларни мактабгача таълим муассасаларида болаларга эстетик тарбия беришга тайёрлаш. Пед.фан.ном. ...дис. авт. 2005. 7-бет.

борадилар. Бу тушунчалар тизимиға яхши ва ёмон, гўзал ва хунук (шакл ва мазмун нуқтаи назаридан) каби тасаввурларни шакллантиришни ҳам киритиш болаларни оиласда эстетик тарбиялашнинг самарали шаклларидан биридир. Шу тариқа болалар аста-секин қаҳрамонликни тушуниш, кураш ва меҳнатдаги жасорат романтикаси каби мураккаб эстетик тушунчаларни ўзлаштиришга тайёр бўлиб борадилар”<sup>52</sup>;

– “ҳаётдаги, санъатдаги гўзалликни қўра билиш ва сезиш, ундан эстетик завқ олиш кўнирма ва малакалари барчада бир ҳил шаклланган бўлмайди. Бир киши муайян объектдан завқланса, иккинчиси бунга бефарқ бўлиши мумкин. Эстетик сезигирлиқ, идрок, диққат-эътибор, ижодий жараёнга интилиш эстетик тарбия асосини ташкил этади. Болаларда бу сифатлар бевосита борлиқдаги ва санъатдаги гўзалликларни сезиш жараёнида шакллантирилади. ...Бола гўзалликни фақат сезишгина эмас, балки уни тушуниши, у хақда фикр юритиши зарур”<sup>53</sup>;

– ““хулқ”, “аҳлоқ” ва булардан чиққан бошқа сўзлар махлуқлардан фақат инсонгагина тегишли бўлиб, улар инсонларнинг фикри ва тутган йўлини ифодалайди. Чунки инсон идрок, тафаккур ва ирода эркинлиги ато қилинган ягона махлуқдир. Шунинг учун унинг тутган йўли фикрига, эътиқодига боғлиқ. Шунингдек, инсон ақлини таниши биланоқ, бу яхши, бу ёмон, бу фойдали ва бу зарарли, деб нарсаларга ахлоқий хукм бера бошлайди. Бу ҳолат унинг ахлоқий мавжудот эканлигини билдиради”<sup>54</sup>;

– “маълумки, ахлоқшунослиқда “идеал” деган ахлоқий категория мавжуд бўлиб, у шахс ҳаётида маёқ вазифасини ўтайди. Ахлоқий идеал шундан иборатки, у мукаммал ахлоқ ва гўзал хулқ эгаси бўлади”<sup>55</sup>;

– “ахлоқ ижтимоий онг шаклларидан бири бўлиб, муайян жамиятда яшовчи кишилар амал қилиши зарур бўлганмаълум хатти-ҳаракат қоидалари

<sup>52</sup> Сулаймонов А., Абдуллаева М. Оиласда болаларни эстетик рухда тарбиялаш. Халқ таълими ж., 2004. 2-сон. 100-бет.

<sup>53</sup> Валихўжаева Ф.Б. Талабаларни мактабгача таълим муассасаларида болаларга эстетик тарбия беришга тайёрлаш. Пед.фан.ном. ...дис. авт. 2005. 8-бет.

<sup>54</sup> Ҳидоятхўжаев Т. Фарзандлар жаннат райхонларидир. –Т.: Янги аср авлоди. 2002. 12-бет.

<sup>55</sup> Фарсанова Д. Замонавий ахлоқий тарбиянинг мухим жиҳатлари. Бошланғич таълим ж. 2009. 6 сон. 7-бет.

йиғиндисидир. Ахлоқ одамларнинг бир-бирларига, жамиятга, давлатга, халқ мулкига, оиласа, ишлабчиқариш воситаларига, меҳнат мағсулотлари ва шу кабиларга муносабатини муайян тартибга соладиган хатти-ҳаракат қоидалари тизимида намоён бўлади”<sup>56</sup>;

- “Ахлоқий ўз-ўзини англашга икки хил таъриф бериш мумкин:
- ўзини-ўзи ёки бу ахлоқий маънавий меъёрий ўлчам ва қоидаларга асосланган ҳолда англаш;
- ахлоқий ўз-ўзини англаш бу ўзини-ўзи инсон сифатида тасдиқлаш ва шу тариқа ўзлигидан инсонийликни шакллантиришга нисбатан интилишdir. Инсон ҳаёти ўз-ўзини англашдан бошлаб, жисмоний, ақлий ва ижтимоий камолотга эришув жараёни амалга ошиши тугалланади”<sup>57</sup>;
- “болалар боғчасида, ахлоқий тарбия беришда қўйдагиларга эътибор қаратиш лозим:

- ✓ кичик, ўрта, катта гурух болалари учун содда элементлар ахлоқий тушунчалар хақида маълумот бериш;
- ✓ хар бир ўргатиладиган у ёки бу фазилатлар расмлар, мультик тасмалар, диопазитивлар ва болаларни жонли харакатлариорқали тушунтириш;
- ✓ бола доимий равишда “ нима яхши”, “ нима ёмон ” маъносини англаб ўз фикрини содда баён этиш”<sup>58</sup> ;

Маънавияти юксак шахс ўзининг ахлоқий-эстетик фазилатлари билан ўзгалардан ажralиб туради. У ўзига лойиқ кўрмаган номаъқул хатти-ҳаракатни бошқаларга ҳам раво кўрмайди. Ахлоқ илми ёвузлик ва эзгулик ўртасидаги мураккаб зиддиятлар, муаммолар хақида баҳс юритади. Ахлоқий-эстетик туйгулар фаолият ва муомала жараёнида бошдан кечирилади. У боланинг ҳаётида юз берадиган турли хилдаги нарсаларга нисбатан аллақандай ажойиб ёки бемаъни, фожиавий ёки кулгили, олижаноб ёки жирканчли, нафосатли ёки хунук нарса сифатида муносабатини акс эттиради ва ифодалайди. Бола

<sup>56</sup> Мавлонова Р., ва бошқалар. Тўраева О., Холиқбердиев К. Педагогика. Дарслик. –Т.: Ўқитувчи. 2001. 395-бет.

<sup>57</sup> Холназарова М. Комил инсон тарбияси: муаммо ва мулоҳаза. Мактаб ва ҳаёт ж. 2009 №4 26-бет.

<sup>58</sup> Ҳасанбоева О. Боғча болаларининг ахлоқий тарбиясида оммамвий ахборотлардан фойдаланиш педагогик муаммо сифатида. Педагогик таълимни такомиллаштириш муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: 2006. 13-бет.

ахлоқий-эстетик жиҳатдан тўла тарбияланмай туриб гоявий-сиёсий ривожланган баркамол шахс бўла олмайди. Унинг замирида дунё гўзаллиги тўғрисида хис-туйғулар, тасаввур ва фикрларни тарбиялаш ҳамда такомиллаштириш орқали инсон шахсинининг ҳар тамонлама уйғун ривожлантириш масаласи ётади.

Олиб борилган изланишлар, мавжуд адабиётларнинг таҳлилидан келиб чиқсан ҳолда мактабгача катта ёшдаги болаларда қўғирчоқ театри воситасида ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш андозаси ишлаб чиқилди (2-расм).



ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш андозаси.

**МАКТАБГАЧА КАТТА ЁШДАГИ  
БОЛАЛАРНИНГ АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК  
СИФАТЛАРИНИ ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ  
ВОСИТАСИДА ШАКЛЛАНТИРИШ МАЗМУНИ**

**II**

“Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари” да болаларни юксак “маънавий”, “ахлоқий”, “маданий”, “эстетик” тушунчаларни мазмун ва моҳиятини уларнинг қалбига, онгига сингдириш давлат сиёсатидаги муҳим долзарб муаммолардан биридир. Шу жиҳатдан олиб қаралганда Ўзбекистон Республикасида кечаётган кенг кўламли ижтимоий-маънавий ислоҳотлар, фан-техника ва ишлаб чиқариш кескин ривожланиб бораётганлиги - жамият талабларига жавоб берга олувчи шахсни тарбиялаш масаласини кун тартибига кўндаланг қўймоқда.

Дарҳақиқат, бугун келажак пойdevori бўлган, ҳар жиҳатдан масъулиятли, жамият тараққиёти учун шахсан ташаббус кўрсата оладиган ёшларни мақсад сари тўғри йўналтириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларининг ёши ва ўзига хос психологик, физиологик ҳамда жисмоний имкониятлари, қизиқиши, иқтидори ҳамда эҳтиёjlари ҳисобга олинади.

Тажриба-синов ишлари даврида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида қўғирчоқ театри воситасида ахлоқий-эстетик сифатларини шакллантиришга хизмат қилувчи таълимий машғулотлар, эртак тамошалари, қўғирчоқ ўйинлардан фойдаланилди. Синов ишларига жалб қилинган тарбиячиларга қўғирчоқ ясаш, қўғирчоқ театрини ташкил қилиш технологиялари, қўғирчоқ турларининг тасвири тушурилган буклетлар тавсия қилинганлиги жараённинг самарали кечишини таъминлабгина қолмай, белгиланган вақтдан унумли фойдаланиш имкониятини юзага келтиради.

Мактабгача ёшдаги болаларни театр томошаларига ошно килиш,

уларнинг қўғирчоқ ўйинларини ташкил қилишдан мақсад:

- болалар учун ижодкорлик, фаолликни таъминловчи шарт-шароит яратиш;
- театр кўриш одобига ўргатиш;
- театр томошалри жараёнида болаларнинг нутқи ва жисмоний ривожланишидаги узвийликни таъминлаш;
- халқ яратиган бой меросимизга бўлган муҳаббат ҳиссини уйғотиш;
- қўғирчоқ театрини ота-оналар билан ҳамкорликда ташкил қилиш имкониятини яратишдан иборатdir.

Ҳар бир қўғирчоқ театри боланинг **руҳиятига** қуидагича таъсир кўрсатади:

- қўғирчоқ театри учун танланган эртак боланинг ёш ва билим савиясига мос бўлса болада бутун вужуди билан уни кўриш ва унга нисбатан қизиқиш пайдо бўлади;
- кузатишларимиздан маълумки, айрим болаларда эртак қаҳрамонига нисбатан руҳи тетиклик ёки қўрқиши, нафрат, қўзига ёш олиш ёки кулиб юбориш каби эмоционал холатлар намоён бўлади;
- қўғирчоқ театри якунида ўтказилган сухбатда болалар қўғирчоқ театрида кўрганлари ҳақида қизиқиш ва хурсандчилик билан қўғирчоқ театрини доимо кўришга хоҳиш билдирадилар.

Мактабгача таълим муассасаларида қўғирчоқ театрларини тайёрлаш ва томошалар кўрсатиш мазмунини босқичма-босқич амалга ошириш ижобий имконият беради:

### **Биринчи босқич.**

Мактабгача таълим муассасасида қўғирчоқ театрини тайёрлашда жиҳозлар яъни моддий таъминотни амалга оширишда:

- манба танлаш (эртак танлаш). Танланган эртак боланинг ёшига мос келиши;
- мусиқа танлаш;
- қўғирчоқ театрини қўрсатиш режасини тузиш.

### **Иккинчи босқич:**

- кўзлаган мақсадга эришишда эртак мазмунига кўра қаҳрамонларни танлаш ва сўзларини ёд олдириш;
- кўғирчоқларни ясаш ва кийинтириш;
- тарбиячи билан ҳамкорликда шъерларни ёд олиш.

### **Учинчи босқич:**

- тарбиячи ва болалар билан ҳамкорликда театр турига кўра эртакни саҳналаштириш;
- кўғирчоқ театрини намойиш, болаларни қизиқишилари ва уларга ёқкан қаҳрамонлар ҳақидаги фикрларини аниқлаш.

Мактабгача таълим муассасалрида кўғирчоқ театридан самарали фойдаланиш болаларда катта завқ бағишлийди ҳамда уларнинг ҳаётини янада қувноқ бўлишини таъминлайди.

Биз тадқиқот доирасида ҳар бир гурухнинг ёши, савияси, қизиқишига кўра қуидагиларга амал қилдик.

### **Кичик ёшдаги болалар гурӯҳида:**

- ✓ театр ҳақидаги дастлабки тасаввурларни ривожлантириш;
- ✓ эртак қаҳрамонларининг номларини билиш;
- ✓ театр кўриш одоби, тартиб-қоидалари ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- ✓ театр қаҳрамонларининг сўзларини тарбиячи ҳамкорлигида ёд олиш;
- ✓ соя театрларига тайёрланган андозаларни бўяш, тартибли равишда жойлаштириш.

### **Ўрта ёшдаги болалар гурӯҳида:**

- ✓ болаларнинг кўғирчоқ театри ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш;
- ✓ саҳнада ҳайвонлар ва эртак қаҳрамонларини кўрсатиб, уларни ҳаракатга келтириш;
- ✓ актёр сифатида ўзларини эркин тутишларига имкон яратиш;
- ✓ театр кўриш одобига ўргатиш;
- ✓ тарбиячи ёрдамида декорациялар тайёрлашда мустақиллик каби

сифатларга эга бўлиш.

**Катта ёшдаги болалар гуруҳида:**

- ✓ театрда актёрларнинг сўзлаши, қўшиқлар куйлаши ҳақида тушунча ҳосил қилиш;
- ✓ эртакдан ихтиёрий рол танлаш;
- ✓ томошага танланган эртакларни мазмунан кенглиги ҳамда ролларни бажаришда ҳамкор танлашнинг ихтиёрийлигига эътибор қаратиш;
- ✓ болаларга қўғирчоқларни мустақил ясами, кийим танлашига имкон бериш.

**Тайёрлов ёшидаги болалар гуруҳида:**

- ✓ болаларнинг театр ҳақидаги дастлабки билимларини мустаҳкамлаш;
- ✓ қўғирчоқ театри-санъат турларидан бири эканлигини болаларга тушунтириш;
- ✓ театр санъатига қизиқиши уйғотиши.

Бу даврда болаларда қўғирчоқ театри воситасида моддий ва маънавий ҳаёт ҳақида қўйидаги тасаввурларни шакллантириш муҳим:

- ✓ театрда гўзал табиатнинг тасвири ва ундан завқланиш;
- ✓ қадим замонлардаги воқеа ва ходисаларнинг абадий тасвирига муносабат билдириш;
- ✓ қаҳрамонларнинг хатти-харакатлари кўра “яхши” ва “ёмон” фазилатларини кўра билиш.

Қўғирчоқ театрларини саҳналаштиришда тарбиячи дастлаб ҳар бир гуруҳ болаларни ёши, қизиқишига алоҳида эътибор берган ҳолда эртак танлаши муҳим аҳамият касб этади.

Кузатишлиар шуни қўрсатадики, биз ўрганган ва тажриба-синов учун танлаган мактабгача таълим муассасаларида доимий бир хил эртакларнинг қўрсатилиши натижасида болаларда қандайдир қизиқмай қолишилик холатлари тадқиқот давомида аниқланди. Булар: “Қизил қалпоқча”, “Бўғирсоқ”, “Ажойиб қўшиқча”, “Зумрад ва Қиммат”, “бўри ва эчки болалари” кабилар.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқсан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки,

тажриба ишлари давомида мактабгача ёшдаги болаларнинг ахлоқий-эстетик сифатларини шакллантиришга имкон яратувчи эртакларни танлашни маъкул топдик. Булар: “Ипак йўли эртаклари” яъни унда 32 давлат эртаклари жамланган. “Ўзбек халқ эртаклари”, “Рус халқ эртаклари” ҳамда “Учинчи минг йилликнинг боласи” дастуридан ҳам кенг фойдаланилди.

### **1. Кичик ёшдаги (3-4) болалар учун:**

- “Фил билан хўroz” (халқ эртаги).
- “Бўри билан эчки” (халқ эртаги).
- “Насибанинг олмаси” (Ш.Саъдулла).

### **2. Ўрта ёшдаги (4-5) болалар учун:**

- “Куёнжон ва лайлаквой” (халқ эртаги).
- “Ақлли қарға” (халқ эртаги).

### **3. Катта ёшдаги (5-6) болалар учун:**


- “Қарғабой” (халқ эртаги).
- “Ур тўқмоқ” (халқ эртаги)

### **4. Мактабга тайёрлов ёшидаги (6-7) ёшдаги болалар учун:**

- “Эгри ва Тўғри” (халқ эртаги).
- “Ёлғон дўст” (А.Авлоний).

Маълумки, мактабгача катта ёшдаги болаларда қўғирчоқ театри воситасида ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришда ҳамкорлик алоқалари муҳим ўрин тутади (3-расм). Масалан, давлат қўғирчоқ театрларига ташриф буюриш орқали болада қўғирчоқ ва унинг хатти-харакатлари, қўғирчоқ театрини ташкил этиш жараёни тўғрисида ёрқин тушунчалар ҳосил бўлса, оиласалар билан ҳамкорлик натижасида боланинг ички кечинмалари, орзуистаклари, қизиқишлари хусусида бир қатор маълумотларга эга бўлиш мумкин.

**Мактабгача катта ёшдаги болаларда  
қўғирчоқ театри воситасида ахлоҳий-  
эстетик сифатларни шакллантиришда  
ҳамкорлик алоқалари**



3-расм. Мактабгача катта ёшдаги болаларда қўғирчоқ театри воситасида ахлоҳий-эстетик сифатларни шакллантиришда ҳамкорлик алоқалари.

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг ахлоҳий-эстетик сифатларини қўғирчоқ театри воситасида шакллантиришда тарбиячилар учун семинар курси ташкил этилди. (1-илова). Семинар машғулоти 10 соат маъруза ва 6 соат амалий машғулотга мўлжалланган бўлиб, унинг мавзулар бўйича тақсимланиши қўйидагича:

1-жадвал

**Мавзулари учун ажратилган соатлар**

№	Машғулот мазмуни	Машғулот шакли	
		Маъруза	Амалий машғулот
1	Қўғирчоқ театри ва унинг ривожланиш тарихи	2	-
2	Қўғирчоқ театри турлари ва қўғирчоқларнинг ясалиш технологиялари	2	2
3	Болаларни қўғирчоқ театрларига жалб этиш	2	2
4	Қўғирчоқ театрларини тайёрлашда мактабгача таълим муассасалари томонидан қўрсатиладиган методик ёрдам	2	2
5	Болаларда қўғирчоқ театри воситасида шаклланадиган ахлоҳий-эстетик сифатлар	2	-
	Жами:	10	6

Семинар машғулотлари Фарғона шаҳри ҳамда Андижон шаҳар ва туманларидаги мактабгача таълим муассасаларида ўтказилди. Қуйида биз ана шундай ўтказилган семинар машғулотларидан айримлари хусусида фикр юритамиз:

**I.** Андижон вилояти Хўжаобод тумани 20-сонли мактабгача таълим муассасасида “**Қўғирчоқ театри ва унинг ривожланиш тарихи**” мавзусида семинар машғулоти ўтказилди. Семинар машғулоти “Лола” қўғирчоқ театри директори Н.Ашурев билан ҳамкорликда олиб борилди. Семинарда Н.Ашурев таниқли қўғирчоқбоз усталар хусусида ҳам атрофлича маълумотлар берди. Улар орасидан андижонлик қўғирчоқбоз М.Юсупова ҳамда бугунги кунда нафақат республикамиизда, балки хориж давлатларида ҳам қўпчиликнинг эътиборини тортиб келаётган хоразмлик қўғирчоқбоз М.Қурёзов (М.Қурёзов тўғрисидаги батафсил маълумот иловада келтирилади) тўғрисида ҳам батафсил тўхталиб ўтди. Семинарда тажриба обьекти сифатида танланган мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларнинг 20 нафардан ортифи иштирок этдилар.

Ушбу семинар жараёнида “қўғирчоқ”, “қўғирчоқ театри” нинг моҳияти, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг бугунги кунда қўғирчоқ театрининг замонавий қиёфаси, моддий техника базасини янада мустаҳкамлашга оид қарашлари хусусида фикр юритилди. Шунингдек, семинар мактабгача таълим муассасаси мудираси М.Қурбонова бошчилигига мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларнинг ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялаш, бугунги кундв улар шахсини ривожланишига қўйилаётган талабларига оид долзарб масалалар очиб берилди.

Назарий тушунчалар сифатида мустақиллик йилларида қўғирчоқ театрларини ривожлантиришга нисбатан эҳтиёжнинг юзага келиши ва уни самарали ривожлантириш имкониятлари, Юрбошимиз И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги бола шахсининг ривожланиши, қўғирчоқ ва ўйинчоқларга ясалишига қўйилаётган талаблар, унинг тарбиявий аҳамияти борасидаги билимларнинг берилганлиги семинар иштирокчиларидан қўғирчоқ театри ва жамият ҳаётида тутган ўрнини англашга имконият яратди.

Маърузада, шунингдек, “Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари (Вазирлар Маҳкамасининг 6.12.99 йилдаги 07/40-57-сонли хужжатига асосан маъқулланган)”, “Давлат мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш бўйича қабул комиссиясининг фаолият

кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом (Халқ таълими вазирлигининг 2007 йил 28 ноябрдаги 297-сонли Буйруғи)”, “Мактабгача таълим муассасасининг Кенгаши тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2008 йил 20 июндаги 147-сонли Буйруғи)”, “Мактабгача таълим муассасасининг намунавий Устави” лари атрофлича муҳокама қилинди. Ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди. Респондент тарбиячилар юқоридаги давлат ҳужжатларининг моҳияти ва ўз олдиларида турган вазифалар билан танишдилар.

**II. Фарғона шаҳрининг 58-мактабгача таълим муассасаси ўтказилган “Қўғирчоқ театри турлари ва қўғирчоқларнинг ясалиш технологиялари” мавзусидаги семинар ҳам анча мазмунли ўтди. Семинар Фарғона қўғирчоқ театри директори Т.Султонов ва қўғирчоқлар устаси В.Сагадеева, Фарғона шаҳар 7-сонли мактабгача таълим муассасининг илгор тажрибали психологи Ф.Таджибаева билан ҳамкорликда ўтказилди.**

Семинарда тажриба обьекти сифатида танланган мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларидан жами 15 нафари иштирок этдилар.

Ушбу семинар жараёнида қўғирчоқ театрларининг турлари ва қўғирчоқ ясаш технологиялари, ўзбек миллий қўғирчоқларининг хориж қўғирчоқларидан фарқи, миллийлиги, бола рухиятига таъсири, қўғирчоқларга қўйиладиган педагогик, гигиеник ва эстетик талаблар хусусида фикр юритилди. Шунингдек, семинар мактабгача таълим муассасаси мудираси Ортиқова Нодирахон бошчилигига мактабгача таълим муассасасида табиий шароитда қўғирчоқларни ясаш, бу борада болаларнинг мустақил ижодини йўлга қўйиш масалалари муҳокама этилди.

Назарий тушунчалар сифатида қўғирчоқ театрининг турлари, қўғирчоқ ясашда кўлланиладиган методлар, қўғирчоқнинг бола рухиятига таъсири масалаларини англаб этилди.

**III. “Болаларни қўғирчоқ театрларига жалб этиш” мавзусида Андижон вилояти Марҳамат тумани 24-сонли мактабгача таълим муассасасида семинар машғулоти ташкил этилди. Семинар мудира Н.Назирова бошчилигига**

олиб борилди. Семинарда Андижон давлат университети Педагогика кафедраси доценти п.ф.н., К.Турғунбоев ва психология кафедраси катта ўқитувчиси, тажрибали психолог Ё.Юсуповалар иштирок этди.

Семинарда тажриба объекти сифатида танланган мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларнинг 15 нафардан ортиғи иштирок этдилар.

Семинарни ўтказиш давомида мактабгача таълим муассасаларининг таълим – тарбия ишларини муваффақиятли амалга ошириш мақсадида болаларни қўғирчоқ театрларига жалб этиш, йиллик иш режалари мазмунидаги қўғирчоқ театри, болалар мустақил ижоди (қўғирчоқ ясаш) ни янада оширишга кенг ўрин ажратиш, мактабгача таълим муассасаси фаолиятида мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда қўғирчоқ ўйинлари ва унда болалар иштирокини мунтазам таъминлаш масалаларига атрофлича ургу берилди.

Назарий тушунчалар сифатида қўғирчоқ театрига болаларни жалб этиш – уларда театр ҳақида тушунча ҳосил бўлиши, театрни томоша қилиш маданияти, атрофга кенг назар ташлаш, теварак-атроф тўғрисидаги билимларнинг, таассуротларнинг ортиши, умуман олганда бола ҳаётини ташкил этишининг муҳим шаклларидан бири эканлиги англаб етилди.

**IV.** Андижон шахри 13-сонли мактабгача таълим муассасасида “**Қўғирчоқ театрларини тайёрлашда мактабгача таълим муассасалари томонидан кўрсатиладиган методик ёрдам**” ҳамда “**Болаларда қўғирчоқ театри воситасида шаклланадиган аҳлоқий-эстетик сифатлар**” мавзуларида ўтказилган қўшма-семинар ҳам сермазмун бўлиб ўтди.

Семинарда тажриба объекти сифатида танланган мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларнинг 25 нафари иштирок этдилар.

Куннинг биринчи ярмида биринчи масала юзасидан 13-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси П.Қорабоева, куннинг иккинчи ярмида иккинчи масала юзасидан 9-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси Мамлакат Юсупова бошчилик қилди. Қўшма семинар П.Қорабоева томонидан олиб борилди. Семинарда Андижон вилоят “Хунарманд” уюшмаси бошлиғи қўғирчоқбоз уста М.Юсупова иштирок этди. Семинарда мактабгача таълим

муассасаларида қўғирчоқ театрни ташкил этишнинг бугунги холати, мавжуд имкониятларига таяниш, “Лола” қўғирчоқ театри билан ҳамкорликни қарор топтириш, бошқа мактабгача таълим муассасаларининг илгор тажрибаларидан фойдаланиш, қўғирчоқбоз усталар иштирокида учрашувлар ташкил этиш, ўзаро фикр алмашиш, болаларда қўғирчоқ театри воситасида шакллантириш лозим бўлган ахлоқий-эстетик сифатлар хусусида фикр юритилди.

Назарий тушунчалар сифатида мактабгача таълим муассасаларида қўғирчоқ театри ташкил этиш йўл-йўриқлари, моддий техника, мавжуд шартшароитларга таяниш, болаларда шаклландиган ахлоқий-эстетик сифатларни англашга имконият яратилди.

Шундай қилиб, ўтказилган семинар машғулотларидан қуйидагича натижаларга эришилди:

- қўғирчоқ театри ва унинг ривожланиши хусусида назарий билимларга эга бўлиш;
- қўғирчоқ турларини ажрата билиш ва болалар иштирокидаги қўғирчоқ ўйинларида мақсадли фойдалана билиш;
- болалар устахонасида уларнинг мустақил фаолиятларини ташкил этиш ва бу жараёнда болалар фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш;
- ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, илгор иш-тажрибалардан фойдаланиш;
- педагогик-психологик билимлар ва болаларда қғирчоқ театрига нисбатан онгли ижодий ёндашувни қарор топтириш имкониятлари ва ҳоказо.

Тажриба-синов ишларини олиб бориши даврида тарбиячи ва тарбияланувчилар иштирокида қўғирчоқ театрни ташкил этиш, қўғирчоқ ва уларнинг тарбиявий аҳамияти ҳамда унинг болаларни ахлоқий-эстетик сифатларини шакллантиришга хизмат қиилиши хусусида туркум тадбирлар ташкил этилди. Қуйидаги уларнинг айримлари тўхталиб ўтилади.

**I. “Театр – маънавият маскани”** мавзусида Фарғона шаҳри 7-сонли мактабгача таълим муассасасида учрашув ўтказилди. Учрашув меҳмони Андижон вилоят “Лола” қўғирчоқ театри рассоми Альфия Жабборова бўлди.

Учрашув мактабгача таълим муассасаси мудираси Нишонова Зульфия Исламовна бошчилигига ўтказилди. Учрашувда тажриба обьекти сифатида танланган мактабгача таълим муассасаларидан жами 25 нафар тарбиячилар иштирок этдилар.

**Учрашувнинг мақсади:** қўғирчоқ театри ҳақида маълумот бериш, унинг ўзига хос хусусиятлари, қўғирчоқ ясаш технологияси ҳақида тушунча бериш орқали мактабгача катта ёшдаги болаларнинг ахлокий-эстетик сифатларини шакллантириш.

Учрашув қўйидаги режа асосида ташкил этилди:

1. А.Жабборованинг рассомчилик фаолияти.
2. Болаларга қўғирчоқ ясаш технологиясини ўргатиш усуллари.
3. Кўғирчоқ театри маънавият маскани эканлиги.

Учрашувни З.Нишонова бошқариб, рассом А.Жабборованинг фаолияти ҳақида қисқача маълумот берди. Рассом А.Жабборова ўз сўзида қўйидагиларни айтиб ўтди: “Эсимда, жажжи қизалоқ кезларим бўш қолдим дегунча тинмай хоҳ асфальтга бўр орқали, хоҳ тупроқли ерларга чўп орқали, қолаверса расм дафтарларига турли шаклларни чизиб кетаверадим. Рассомчиликка бўлган қизиқишим боғчада юрган давримданоқ ортган. Кейинчалик онам бу иқтидоримни кўриб, дастлаб мусиқа мактабига, сўнгра Андижондаги санъат билим юртининг бадиий безаш курсига ўқишига киришимга бош-қош бўлди. Билим юртини тугатганимдан сўнг Андижон “Лола” қўғирчоқ театрига саҳналаштирувчи рассом сифатида ишга қабул қилиндим. Театрдаги фаолиятим давомида қўғирчоқ ясаш усуллари, эскизлар чизиш ва ниқоб тайёрлаш сирларини чуқур ўргана бошладим. Рассом сифатида биринчи саҳналаштирган асарим Ғайратийнинг “Дангасанинг холи вой” асари бўлди. Кейинчалик “Тилла тарвуз”, “Зўравон филча”, “Шумтака мушукча”, “Бухорои шариф хангомалари” каби томошалар учун қўғирчоқлар тайёрладим.

2005 йил Бухорода ўтказилган анъанавий республика қўғирчоқ театрлари V фестивалида “Довюрак Манук” асари билан қатнашдим. Фаолиятим давомида “Энгяхши рассом ” номинацияси соҳибаси бўлдим. Имкон қадар ҳар

бир томоша қўғирчоқ ва декорацияларини бир-биридан тубдан фарқ қилишига ҳаракат қиласман. Ясаган Шох ва вазир қўғирчоқларим республикамизнинг кўплаб актёр ва рассомлари орасида қизиқиши уйғотганига аминман. Бундан кейинги фаолиятимда ҳам жажжи кичкинтолар учун янгича услубдаги, қўринишдаги қўғирчоқларни ясаб қолишга ҳаракат қиласман”.

Учрашувнинг кейинги босқичида А.Жабборова қўғирчоқ ясаш технологияси ҳақида фикр юритди. Бу жараён амалий тарзда қўғирчоқ турларидан намуна кўрсатиш асосида олиб борилди: “Қўғирчоқ ясашда биринчи навбатда асар (эртак) билан танишиб чиқилади. Асар (эртак)нинг воқеа бўлган жойлари, саҳна кўринишлари эскиз қилинади. Бу эскиз қўғирчоқ театри “тили”да декорация эскизи дейилади. Қаҳрамонлар эса битта-битта ўрганилиб, характерлари ва уларга хос образлар яратилади. Асар мазмунидан келиб чиқиб кийимлар мосланади. Сўнг бадиий кенгаш йигилади ва шу эскизларни кўриб чиқиб, маслаҳатлашиб, кенгаш уни тасдиқлади ҳамда қўғирчоқ ясашга рухсат берилади.

Қўғирчоқлар бош қисмидан бошлаб яратилади. Улар бир неча турли бўлади: тростевой, петрушкали, марионетка, планшетный ва маскали. Тростевойнинг кўпларига сим ўрнатилади, петрушкали – қўлни ўзига кийдирилади, марионетка – қўл, бош, оёқларига сим бойланади ва крест ёғочга ўрнатилиб бошқарилади, планшет қўғирчоқ бутун бўйича бўлиб, қўл, оёқларни актёр ўз қўли билан ушлаб ўйнатади.

Бошни ясаш учун биринчи навбатда қизил лойдан, пластилиннинг юмшоқлик ҳолатидан образ бўйича калла ясалади. Сўнг каллага бўйин қўшилиб, teng ярмидан яъни қулоқдан қулоқгача бўлинади. Калла қулоқсиз ясалади, текис тахтага икки томони қўйилиб, текисланади ва суюлтирилган албастр билан қуйиб чиқилади. Қотишига бир кун муҳлат берилади, сўнг албастр қолип ичидан лойни чиқариб, яна қолиб қуришига вақт берилади. Кейин эса унга сув қўшиб, аталага ўхшаган клейстер пиширилади. Бир неча турли хил қофоз ҳам тайёрланади, қолипга биринчи қатор ёпиштирилади. Биринчи қатор совунли сувга уйитилган қофоздан бўлади, қолган 10-12

қаватлари эса клейстерга ёпиштирилади ва ҳар бир қават ҳар хил қофоздан бўлади (адашмаслик, қаватларни ҳисоблаш учун). Қолип ичида қофоз 2 кун қуриши керак. Кейин чиқариб, жилвир қофоз билан текислаб чиқилади. Қўғирчоқнинг юзи текис бўлиши учун шу икки бўлакни бир-бирини маҳкамлаб кўйилади. У оёқ-кийим елимида ёпиштирилади. Қулоклари эса образ бўйича ясалади. Пенопластдан кесиб, З қават қофоз ўраб чиқилади. Клейстер билан қулок қуригандан кейин оёқ-кийим елимида каллага ёпиштирилади. Сўнг елкасига ўтилади. Эмульсия ва пва елим билан аралаштирилиб, сув билан озмоз суюлтирилиб, каллага З қатор бўяқ бериб чиқилади, кейин шу оқ левкаста тана ранг чиқариш учун бўёқ қўшилади. Яна 3-4 қатор бўяб чиқилиб, сўнг қуриган каллага юзнинг ҳам образи чизилади. Соч, қош, киприк, мўйлов, соқолларини қора ёки бошқа рангдаги тўқиладиган пряжа ип билан оёқ-кийим елимида ёпиштирилади. Қўғирчоқларнинг кийимини тикишдан олдин унга механизация қилинади. Унда қўғирчоқнинг ичидаги мосламалар ўртага, актёр ўйнайдиган ва қўғирчоқни бошқарадиган нарсалардан механизация қилинади. Улар ёғоч ва симлардан ясалади. Қорин, қўл, бел қисмлари паралон билан иширилади. Кийимларни эскизлар бўйича тикувчи ижод қилиб қўғирчоқларни кийинтиради. Юқорида айтиб ўтганларим умумий қўғирчоқни ясаш технологияси. Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда қўғирчоқлар тайёрлаш мумкин: юмшоқ паралонлардан, картон қофозлардан, табиат материалларидан ва ҳоказо. Бу борада кўп жиҳатдан тарбиячининг маҳорати, ижодкоркорлиги таянилади”.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, учрашув ўтказилган ушбу муассаса кўплаб ютуқларни қўлга киритган, намунали ва тажрибали мактабгача таълим муассасаси сифатида республикамизга танилган. Муассасада 10 та гурухда 14 нафар педагог ходимлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Муассаса мудираси Зульфия Нишанова Ўзбекистон республикаси Халқ таълими аълочиси. Муассасада методик-психологик хизмат ташкил этилган бўлиб, қўғирчоқ театри таълим-тарбия воситаси сифатида кенг қўлланилиб келинмоқда. Йиллик режада қўғирчоқ театри томошалари асосан таътил кунларига мўлжалланган

бўлиб, қишки таътилда “Кўлқопча”, “Доктор войжоним”, “Теремок”, “Шолғом”, “Бўғирсоқ” каби эртаклар намойиш қилинади.

Бундан ташқари иқтидорли болалар билан ишлаш йўналишида ҳам қўғирчоқ театри алоҳида ўрин тутади. Бунда катта ва тайёрлов гуруҳи болалари психолог иштироқида ўз тенгдошлари ва кичик гуруҳларга меҳмонга кириб, қўғирчоқ театри томошаларини кўрсатадилар. Бу томошаларда “Олтин тарвуз”, “Зумрад ва Қиммат”, “Ур тўқмоқ” каби ўзбек халқ эртакларидан фойдаланилади.

Муассаса психологи Ф.Таджибаева ўз фаолиятида “**қўғирчоқ терапия**” усулини кенг қўллайди ва коррекцион машғулотларда:

- ✓ вазиятларни моделлаштириш;
- ✓ эмоционал машқлар;
- ✓ тарангликни ечиш мақсадларида болалар руҳиятини, ёш кризисларини ҳисобга олган ҳолда олиб боради.

Кузатишлар давомида шунга амин бўлдикки, муассасанинг тарбиячи ва тарбияланувчилари томонидан ясалган қўғирчоқлар талайгина. Хаттоқи, болалар учун алоҳида, тарбиячилар иштироқи учун алоҳида кўчма кичик қўғирчоқ театрлари ташкил этилган. Муассасада қўғирчоқ театри учун жиҳозлар мавжуд: кулай ширма, 30 тадан ортиқ қўғирчоқлар, тарбиячилар томонидан матодан ясалган ўйинчоқлар, макет ва атрибуслар ва ҳоказо. Кўғирчоқ театри репертуари учун адабиёт заҳиралари етарли.

Муассаса ходимларининг барчаси актёрик маҳоратига, иқтидорига эга. Тарбиячилар Наталья Прохорова, Маъмурा Абдулазизова, Манзура Шарафутдинова, Малика Тўйчиева ва Гуллола Пахриддиновалар шулар жумласидандир.

Муассасанинг 2005-2008 йиллар даврида ютуқлари қуйидагича:

### **2005-2006 ўқув йили.**

- “Йил тарбиячиси” 2-ўрин, тарбиячи М.Т.Шарафутдинова;
- “Менинг севимли ўйинчоғим” 1-ўрин;
- “Йилнинг энг яхши мактабгача таълим муассасаси”.

## **2006-2007 ўқув йили.**

- “Йил тарбиячиси” 1-ўрин, тарбиячи М.Т.Шарафутдинова;
- “Менинг севимли ўйинчоғим” 2-ўрин.

## **2007-2008 ўқув йили.**

- “Йил тарбиячиси” 2-ўрин, тарбиячи Г.Т.Пахриддина;
- “Йилнинг энг яхши мактабгача таълим муассасаси психологи” 1-ўрин, психолог Ф.Г.Таджибаева (шаҳар босқичи).

Учрашув давомида респондентлар муассасанинг ана шундай тарғиб қиласа арзигулик ютуқлари билан яқиндан танишдилар, ўзаро тажриба алмашдилар. Муассасаса фаолияти уларда катта таассурот қолдирди.

Учрашувда З.Нишонова респондентларга туркум саволлар билан мурожаат этди:

1. Кўғирчоқ ясаш жараёнида нималарга аҳамият бериш зарур деб ҳисоблайсиз?
2. Болаларда қандай ахлоқий-эстетик сифатлар шакллантирилиши лозим?
3. Кўғирчоқ ясашда қандай хом ашёлар ва асбоб-ускуналардан фойдаланилади?

Мазкур саволлар бўйича респондентларнинг жавоблари аниқланди, савол-жавоблар баҳс-мунозара тарзида олиб борилди.

Маълумки, мамлакатимизнинг тарихи – мустақилликнинг тараққиёт даври билан боғлиқ. Порлоқ келажак сари жамиятни барпо этишда, энг аввало, ёшларга, уларнинг маънавий дунёсига, касб-корни мукаммал эгаллашига боғлиқ бўлган масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиш зарурлиги сезилмоқда. Ёш авлодда юксак ахлоқий сифатларни шакллантириш, уларда Ватанинни севиш, юрнинг тақдиди учун фаол курашиш туйғуларини тарбиялашда театр ниҳоятда катта ўринни эгаллайди. Санъат асосан жамиятда яратилган илфор тажриба ва миллий анъаналардан озуқаланади. Театр фаолияти эса, ёшларимиз онгива шуурида миллий илдизларнинг томир отишига самарали кўрсатиш хусусиятига эга.

Учрашув якунида сўз яна А.Жабборовага берилди: “Азал-азалдан ўзбек халқи кўнгилочар томошаларга бой бўлган. Турли маросимлар, миллий урфодатлар билан боғлик кўнгилочар томошалар кенг оммага етказилган. Уларнинг ҳар бири даврнинг ижтимоий аҳволи, мавжуд шарт-шароитилари, турмуш тарзи билан чамбарча боғлик бўлган. Яна бир характерли жиҳати шундаки, ўша давр томошаларининг ранг-баранг бўлиши кишининг руҳиятига катта таъсир кўрсатган.

Айниқса, кўча томошаларида масхарабозлар, қўлига қўғирчоқлар ушлаган қўғирчоқчилар аста-секин ўзбек қўғирчоқ театрига асос солинишида муҳим ўрин тутган. Қўғирчоқ театри вақтлар ўтиши билан ҳозирги ижтимоий ва майший турмуш билан чамбарчас боғланиб кетди, болаларнинг севган масканига айланиб қолди.

Яна шуни айтиб ўтишим жоизки, мустақиллик йиллари ўзбек қўғирчоқ театри тараққиётда муҳим давр бўлди. Қўғирчоқ театри бошқа турдаги санъатлар орасида ўз ўрнини эгаллай бошлади. Қўғирчоқ тамошаларида маданий-маърифий масалалар кескин муаммо сифатида қўйилди. Унда нафақат болалар, балки катталар ҳаётига алоқадор муаммолар кун тартибиға олиб чиқилди.

Ўзбекистонда профессионал театрларининг вужудга келишида жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан Беҳбудий, Фитрат, Авлоний кабиларнинг номларини тилга олишимиз ғоят ўринлидир. Улар ўзбек адабиётида драма жанрини вужудга келишига катта хисса қўшдилар.

Ўзбек театри миллий маънавият тарғиботчиси, ёшларнинг ахлоқий-эстетик тарбиясида театр етакчи восита эканлигини тобора кенг омма тушуниб, англаб етмоқдалар. Айниқса, мустақиллик йиллари ўзбек санъатининг, хусусан, театр санъатининг миллийлик ва умуминсоний хусусиятлари янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда.

Барча театр репертуарларида самарали силжишлар кўзга ташланаётганидек, бизнинг “Лола” қўғирчоқ театрида ҳам миллий ўзлигимиз, халқимиз ўтмишига чуқурроқ назар солишга эътибор кучайди. Ватан равнақи,

юрт озодлиги, эртаси йўлида жонини фидо айлаган буюк Тўмарис, Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур кабиларнинг буюк ишлари ҳамда жасоратларини мурғак бола онги ва қалбига саҳна ортидан сингдирилиб борилаётганлиги ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Юқорида номлари келтирилган буюк сиймоларни саҳнада талқин этиш орқали бола кўпроқ ахборот олишга эришади, яратилган образ унинг қалбига чуқурроқ кириб боради. Энг асосийси ёшларда ўз ҳалқига муҳаббат, ватанпарварлик, юртнинг эртаси учун қайғуриш туйғулари юзага келади. Жамоамиз олдида турган энг асосий вазифалардан бири қўғирчоқ театрининг бой тарихий мероси ва анъаналаридан келиб чиқкан ҳолда, бугунги кун талабларига жавоб бера оловчи замонавий ва долзарб мавзулардаги асарларининг яратилишида, театрнинг чин маънодаги тарбия масканига айлантириш йўлида сидқидилдан меҳнат қилишдир”.

Учрашув якунида барча фикр-мулоҳазалар умумлаштирилди. Келгусида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар келишиб олинди. Тажриба-синов ишларини ташкил этишда амалий фаолиятнинг технологик ёндашувга асосланишига алоҳида эътибор қаратилди. Шу сабабли иш жараёнида илгор тажрибаларни ўрганиш мақсадида ташкил этилувчи тадбирларнинг технологик лойиҳалари ишлаб чиқилди. Жумладан, рассом А.Жабборова фаолиятини ўрганиш, унинг иш тажрибаси билан таништириш мақсадида ташкил этилган учрашув қуидаги технологик лойиҳага асосланди.

2-жадвал

### Учрашувнинг технологик харитаси

Тадбир мавзуси: “Театр – маънавият маскани”
Тадбир шакли: учрашув
Кўзланган мақсад: Андижон шаҳридаги “Лола” қўғирчоқ театрининг рассоми А.Жабборованинг иш тажрибасини ўрганиш орқали мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларида қўғирчоқ театрига нисбатан қизиқиш уйғотиш, тарбиячи ва тарбияланувчиларда назарий билимларни шакллантириш.
Вақти: 2 соат
Тадбир ўтказилган жой: Фаргона шаҳри 7-мактабгача таълим муассасаси
Респондентлар сони: 25 нафар
Педагогик вазифалар:

<ul style="list-style-type: none"> <li>- Қўғирчоқ театри, унинг ривожланиши ва тарбиявий аҳамияти ҳақида ўзаро фикр алмашиш.</li> <li>- Қўғирчоқ театри – маънавият маскани эканлиги, унинг тарбиявий кучи орқали болаларда театр санъатига меҳр уйғотиши.</li> <li>- Қўғирчоқ театри ва унинг болада ахлоқий-эстетик сифатларини шакллантиришдаги аҳамияти ҳақидаги назарий билимларни бериш.</li> <li>- Респондентларни қўғирчоқ ясаш технологияси, асбоб-ускуналари ва хом ашёлари билан таништириш.</li> </ul>	<p>Кутилган натижа: тарбияланувчиларда қўғирчоқ театри ҳақида тушунча ва билимларнинг шаклланиши, қўғирчоқ ясаш, қўғирчоқ ўйинларида рол ижро этишга қизиқиш ва иштиёқнинг уйғониши.</p> <p>Кўлланилган методлари: оғзаки баён қилиш (ҳикоя қилиш, тушунтириш), кўрсатмалилик, намойиш, назорат.</p> <p>Фойдаланилган воситалар: қўғирчоқ турларидан намуна, қўғирчоқ ясаш асбоб-ускуналари, жонли нутқ, таркатма буклетлар.</p>
--	--

Маълумки, бола тарбиясига атрофлича ёндашиш ўқув ва тарбиявий вазифаларнинг бирлигига, турли ёш гуруҳларида ўқув, ўйин ва меҳнат фаолиятларининг алоқадорлигига амалга оширилади. Бу борада қўғирчоқ ўйини муҳим аҳамият касб этиб, бола ўзига шериклар, зарур қўғирчоқларни танлайди, роллар тақсимланади, муайян хатти-ҳаракатларни амалга оширади, мулоқотга киришади ҳамда шахсий ташабbusлари вужудга келади. Ушбу жараёнда энг муҳими боланинг қизиқиши ва хиссиётларига мос келувчи қўғирчоқларнинг мавжудлигидир.

Тажриба-синов ишларини олиб бориши даврида мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларининг ёш ва психологик хусусиятлари, физиологик ва жисмоний имкониятлари инобатга олинди. Болаларнинг қизиқиши ва иқтидорига таянган ҳолда тажриба-синов ишлари жараёнида фойдаланилган машғулотлардан айримлари хусусида сўз юритилади.

Мактабгача катта ёшдаги болалар учун “Қўғирчоқ театрига саёҳат” мавзусидаги машғулот қўйидаги кўринишда ўтказилди:

### **Машғулот мавзуси: “Қўғирчоқ театрига саёҳат”**

#### **Машғулотнинг мақсади:**

 **таълимий:** қўғирчоқ театри, унинг ташкил этилиши, актёрлар ҳақида

атрофлича тушунча бериш, олган билимларини янада мустаҳкамлаш;

 **тарбиявий:** болаларда қўғирчоқ театри ва унинг воситасида таркиб топадиган аҳлоқий-эстетик сифатларни тарбиялаш.

 **ривожлантирувчи:** қўғирчоқ театри воситасида ёш авлодни маънавий баркамол ва аҳлоқан етук инсон бўлиб етишишини таъминлаш, ижодкорлик қобилияtlарини риволантириш.

### **Кутилаётган натижалар:**

- болаларнинг қўғирчоқ театри ҳамда қўғирчоқларга бўлган қизиқишини янада ўстириш;
- саҳнада роль ижро этиш қўнималарини шакллантириш.

**Машғулот жиҳози:** мавзуга оид турли расмлар, тарқатма материаллар.

**Машғулот тури:** янги билимларни берувчи ноанъанавий машғулот.

**Машғулот услуби:** савол-жавоб, саҳна ва кўргазмали тарздаги ўйинлар.

### **Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** Ассалому алайкум азиз болажонлар! Бугун сизлар билан ажойибот ва ғаройиботлар олами яъни қўғирчоқ театри ҳақида сұхбатлашамиз. Биласизларми, қўғирчоқ театри ўзи нима? Актёрлар кимлар? Қўғирчоқларнинг қандай турлари бор? Келинг, бу ҳақда бир бошдан тушунириб берсам. Диққат билан эшитинглар!

Қўғирчоқ театри бизга қадимдан маълум. Унда қўғирчоқ томошалари ўтказилади. Қўғирчоқ театрида пардозчилар, ёзувчи (драматурглар), рассомлар, актёрлар ва бошқалар ишлайдилар. Театр – бу сеҳрли дунё. Театрдаги бош сеҳргарлар – актёрлар ҳисобланади. Улар ёрдамида биз эртаклар оламига саёҳат қиласиз. Эртак қаҳрамонларининг яхши-ёмон томонларини, саргузаштларини, хуллас, бошидан кечирганларини актёрлар саҳнада кўрсатиб беради. Актёрларнинг энг катта ёрдамчилари бу – қўғирчоқлардир. Улар қўғирчоқнинг хурсанд ёки хафалигини кўрсатиб беради, унга овоз беради ҳамда ҳаракатлантиради.

Келинг қўғирчоқ театри ҳақида янада яқинроқ тасаввурга эга бўлайлик. Бу шаҳримиздаги “Лола” қўғирчоқ театри (ихтиёрий қўғирчоқ театрининг

ташқи қўринишини кўрсатиш мумкин). Мана бу жой эса “чиптахона”, у ерда театр томошаси учун чипта сотилади. (Тарбиячи театр биноси ҳамда “касса” тасвири туширилган расмни болаларга кўрсатади).

Театрга кириш учун аввал чипта олинади. Чипта қандай қўринишда бўлиши ҳақида тасаввурга га бўлмоқчимисиз?

**Болалар:** Ҳа.

**Тарбиячи:** Мана бу чипта. (Катталаштирилган ҳолда тасвири туширилган чипта кўрсатилади). Ушбу чипта пул тўлаб сотиб олинади. Унда театр томошасининг номи, қатор ва ўрин рақами ёзилган бўлади. Шунга кўра белгиланган ўриндиқقا ўтирасиз.

(Тарбиячи ушбу жараённи болаларга янада тушунарлироқ бўлиши учун бевосита уларнинг иштирокида, кичик саҳна қўринишини ташкил этади. Белгиланган столга “чиптахона” сўзи ёзилган ёрлик қўйилади. У ерда турли ўриндиқ ва қаторлар рақами кўрсатилган билетлар қўйилади. Болалар орасидан чипта сотувчи ва харидорлар танлаб олинади. Уларнинг чипта сотиб олиш учун сотувчига мурожаати ва чипта ҳақида тушунчага эга бўлишлари тарбиячи томонидан тушунтирилади).

**Тарбиячи:** Азиз болажонлар! Бугун биз сизлар билан қўғирчоқ театрига саёҳат қилдик. (Машғулот сўнгидаги барча маълумотлар умумлаштирилди ва савол-авоб орқали умумлаштирилди. Бу жараёнда болаларнинг фаол иштирокига, ижодкорлик қобилияти катта эътибор берилади). Келгуси машғулотимизда қўғирчоқлар ва уларнинг турлари ҳақида сұхбатлашамиз. (Фаол иштирок этган болалар рағбатлантирилди)

Тажриба-синов ишларини олиб бориш жараёнида юқоридаги машғулотдан фойдаланиш болаларда қизиқиши уйғотди. Машғулотнинг саҳна қўриниши тарзида ташкил этилиши болаларнинг эркин ҳаракатланишларига имкон бериш билан бирга тенгдошлари билан ҳамкорликка интилиш истагини ҳосил қилди.

Тажриба-синов ишлари даврида болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришга хизмат хизмат қилувчи таълимий машғулотлардан самарали

фойдаланилди. Машғулотни ўтказишдан аввал синов ишларига жалб қилинган тарбиячиларнинг болаларни психологик, физиологик ва жисмоний хусусиятлардан хабардор бўлишлари, хар бир боланинг индивидуал хусусиятлари ҳамда жисмоний имкониятларини инобатга олишларига аҳамият берилди.

Мактабгача катта ёшдаги болалар учун “Қўғирчоқ турлари ва театр кўриш маданияти” мавзусидаги машғулот қўйидаги кўринишда ўтказилди:

### **Мавзу: Қўғирчоқ турлари ва театр кўриш маданияти**

#### **Машғулотнинг мақсади:**

- **таълимий:** қўғирчоқ турлари ҳақида атрофлича тушунча бериш, олган билимларини янада мустаҳкамлаш;
- **тарбиявий:** болаларда қўғирчоқ театри ва унинг воситасида таркиб топадиган аҳлоқий-эстетик сифатларни тарбиялаш, театр кўриш маданиятини шакллантириш.
- **ривожлантирувчи:** қўғирчоқ театри воситасида ёш авлодни маънавий баркамол ва аҳлоқан етук инсон бўлиб етишишини таъминлаш, ижодкорлик қобилиятларини риволантириш.

**Машғулот жиҳози:** мавзуга оид турли расмлар, тарқатма материаллар, қўғирчоқлар.

**Машғулот тури:** янги билимларни берувчи ноанъанавий машғулот.

**Машғулот услуги:** савол-жавоб, кўргазмали тарздаги ўйин.

#### **Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** Ассалому алайкум азиз болажонлар! Бугун сизлар билан қўғирчоқ ва унинг турлари, театр кўриш маданияти ҳақида сухбатлашамиз.

**Тарбиячи:** Қўғирчоқларни яхши кўрасизларми?

**Болалар:** Ҳа!

**Тарбиячи:** Қандай қўғирчоқларни ёқтирасизлар?

(Болалар бирин-кетин жавоб берадилар)

**Тарбиячи:** Жуда яхши. Келинг мен сизларга қўғирчоқнинг турлари

ҳақида айтиб бераман.

Қўғирчоқ театрининг қўйидаги тўрт турини алоҳида ажратиб қўрсатиш мумкин. Булар:

- кўлга кийиб ўйнатиладиган қўғирчоқлар;
- ип билан бошқариладиган қўғирчоқлар;
- сояли қўғирчоқлар;
- актёри кўринадиган қўғирчоқлардир.

(Тарбиячи қўғирчоқларнинг ушбу тўрт кўринишлари тасвирланган расмларни ҳамда қўғирчоқлардан намуналарни болаларга қўрсатади. Уларнинг алоҳида хусусиятлари, уларни бошқариш ҳақида тушунча беради).

**Тарбиячи:** Азиз болажонлар! Театр томоша қилганда қўйидаги тартиб-коидаларга риоя қилишимиз керак бўлади. Бу эса маданиятли, ахлоқ-одобли эканлигимиздан далолат беради. Улар қўйидагилардан иборат:

- театр томошасига ўз вақтида келиш зарур. Кеч қолиб кирилса ўзгаларга халақит берган бўлади;
- томоша вақтида баланд овозда гапирмасликлік, шовқин солмаслик керак;
- тозаликка риоя қилиниши ва фаррошлар меҳнати қадрлиниши лозим. Яъни томоша залига ҳар хил егулик ва ичимлик олиб кирмаслик, унинг қолдиқларини ташламаслик талаб этилади;
- томоша залида югуриш, бир-бирини қувлаш, томоша пайтида ўрнидан туриб олишга йўл қўйилмайди;
- томоша вақтида ҳар хил луқма ташлаб, гап қўшиб, беўрин қулмаслик керак. Акс ҳолда актёрлар ва ўзгаларга халақит беради;
- томоша тугагандан сўнг тарбиячининг рухсати билан навбатма-навбат ҳаракатланиш, бир-бирини туртмаслик, ўзидан катталарга йўл бериш лозим.

(Машғулот сўнгида барча маълумотлар умумлаштирилади ва савол-жавоб орқали умумлаштирилади. Бу жараёнда болаларнинг фаол иштирокига, ижодкорлик қобилияти катта эътибор берилади. Фаол иштирок этган болалар рағбатлантирилади).

Шундай қилиб, тажриба-синов ишларини олиб борища болалар учун эртак томошаларнинг қўйилиши уларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришнинг таъсирчан омилларидан бири эканлигини тасдиқлади.

Эртак томошаларнинг тарбиявий имкониятлари мазкур ёш даври болаларида дўстлик, ўртоқлик хисси, ўзаро ёрдам бериш, самимийлик, каттага ҳурмат, кичикларга иззат, ўз-ўзини муносиб баҳолаш, ўз кучига ишониш каби сифатларни самарали шакллантирилишини таъминлади. Мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришда қўйидаги “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар!” ёки “Ўрмондаги можаро”, “Мақтанмағоз, хунаринг оз!”, “Ишонмагин-дўстинга, сомон тиқар пўстинга!” ёки “Тулкивой ва Лайлаквой ҳангомаси” номли эртак томошаларнинг қўйилиши болаларда катта таассурот қолдирди ва ушбу жараёнда ягона мақсадга йўналтирилган болалар фаолиятни изчили ташкил этиш зарурлигини тасдиқлади.

## **1. “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар!” ёки “Ўрмондаги можаро” (Эртак томоша)**

**Қатнашувчилар:** эртакчи (тарбиячи), сичқон, мушук, ит, қўй, бўри, тулки, қуён, шер, чумоли.

Қўғирчоқ ўйиннинг бошланиши. Саҳнага эртакчи чиқиб келади.

Эртакчи – Ассалому алайкум, азиз болажонлар! Мени танияпсизларми? Келинглар яқиндан танишиб олайлик, мени одатда Хизр бобо деб ҳам атайдилар. Мен халқ орасида юриб, қўлимдан келганича ёрдамга муҳтожларга қўмак бериб юраман. Эртаксевар болажонларга эса энг қизиқарли эртакларимдан айтиб бераман. Эртак эшитиб китоб ўқиган, илм излаган болалардан хеч қачон ёмон инсонлар етишиб чиқмайди. Болажонлар бекорга “бешикдан қабргача илм изланг” деб айтишмаган, тўғрими?

Хўш, эртак эшитишга таёrmисизлар! Жуда яхши, мен сизларга мақтончоқлик ёмон иллат эканлиги ҳақида эртак айтиб бераман.

Бир бор экан, бир йўқ экан. Бўри баковул экан, тулки ясовул экан.

Тошбақа тарозибон-у, қурбақа ундан қарздор экан. Кун чиқар томонда катта ўрмон бўлган экан. Кунлардан бир куни, бутун ўрмонда яшовчи ҳайвонлар йигилишиб, ўрмонни бошқара оладиган доно хукмдорни танлаб, уни шоҳ қилиб сайлашмоқчи бўлишибди. Биринчи бўлиб кичкина сичқонча сўз бошлабди.

**Сичқон** – Азиз биродарлар, хабарингиз бор шу пайтгача ўрмонимизни бошқарувчи шоҳимиз йўқ. Ўзимизни ўзимиз ҳимоя қилмасак, ким ҳам бизни ҳимоя қила оларди. Агарда мени шоҳ этиб сайласанглар жон-жон деб сизларни ҳимоя қила оламан, чунки яхши биласизлар ўрмонда энг улкан ҳайвон фил ҳам мендан қўрқади! Ахир бекорга айтишмаган-ку “кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни”деб.

**Эртакчи** – Бу гапларни эшитиб турган мушукча сичқонни олдига сакраб чиқибди. Уни кўрган сичқон олди-ортига қарамай қочиб қолибди. “Сичқонни ини минг танга” мақоли шундан қолган бўлса керак.

**Мушук** – Э, ўргилдим сенга ўхшаган довюрак ҳимоячидан. Келиб-келиб кунимиз мана шу сичқончага қоладими? Яхшиси мени шоҳ қилиб сайланглар? Кўриб турибсизлар, хаттоки, зўравон филни қўрқитган сичқонча ҳам мени кўриб қочиб қолди-ку! Агарда мен шоҳ бўлсан, ҳаммангизни эркин яшашингизга рухсат бераман!

**Эртакчи** – Шу пайт жаҳли чиққанидан юнглари хурпайиб, аккиллаганча баҳайбат ит даврага чиқиб келибди. Буни кўрган мушукнинг капалаги учиди-ю, секин бурилиб ҳайвонлар ичига кириб кетибди.

**Ит** – Мен мушуквойнинг гапларига умуман ишонмайман. Ўзингиз ўйлаб кўринг, меҳнат қилмай текин овқат излаб юрувчи текин тамоқقا қандай қилиб ишона оламиз, бекорга “ўғри мушук” номини олмагандир-ов. Ўзларингизга маълум, итлар билан мушуклар хеч қачон келиша олмайдилар. Мободо менинг номзодимни қўллаб-куватласанглар, ўрмонда бирорта ҳам ўғирлик бўлмаслигига, текин даромад ҳисобига яшовчиларни йўқ қилишга вайда бераман.

**Эртакчи** – Юнглари олтиндек товланиб, хурсанд кайфиятда дадил қадамлар билан даврага қўй чиқибди.

**Кўй** – Ўртоқлар! Мен жон-жон деб бўрибосар акамни қўллаб-куватлашга чақираман. Ахир ҳар доим ҳаммамизни муштумзўрлардан ким ҳимоя қилган? Албатта, бўрибосар акамиз. Бахтимизга доимо омон бўлинг, яшасин доимиий ҳимоячимиз бўрибосар акамиз!

**Эртакчи** – Кўзлари қонга тўлган бўри секин-аста даврага чиқиби.

**Бўри** – Мен умуман гапирмоқчи эмасдим, лекин бу ердаги ноҳақликни кўриб туриб чидай олмадим. Мана бунағанги ҳушомадгўйларга қачон қарши курашамиз, ахир. Бу ҳонимча муштумзўр деганларида, албатта, мени назарда тутмоқдалар. Мен соғлом ҳайвонларга ҳеч қачон тажовуз қилган эмасман, касалларни ов қиласман. Бекорга мени “ўрмон табиби” дейишмайди, мен ўрмон аҳлини ҳар-хил юқумли касалликлардан сақлайман.

**Эртакчи** – Даврага паҳмоққина думини кўз-кўз қилиб тулкихон чиқиб келиби.

**Тулки** – Мен сизларга айтсам, бўри оғамни қўллаб-куваттлагим келади, аммо ўрмон бошқарувини унга ишониб бўлмайди. Чунки бўривойимиз, яхши биласизлар, сал лақмароқ. Мен ўзим неча бор уни лақиллатиб кетганман. Тўғри мени айёр тулки дейишади, буни ўзим ҳам тан оламан. Ахир, бу ҳаётда сал-пал айёргик ҳам қилиб ҳам туриш керак-да! Гапни қисқаси, бирирта бақувват шоҳ топилса мен жон-жон деб маслаҳатчи вазир бўлишга доим тайёрман.

**Эртакчи** – Тулкийни гапини эшитиб, барча ўрмон ҳайвонларни чукур ўйга толишибди. Кимни ўрмон шоҳи деб эълон қилишга бошлари қотиби, шунда қўрқа-писа қуёнвой даврага чиқиб гап бошлабди.

**Қуён** – Кечирасизлар биродарлар! Мен ўрмон шоҳлигига даъвогарлик қилмоқчи эмасман. Лекин ўйлаганимни ҳозир айтмасам, кейин ўзимни айбордек ҳис қиласман. Мен ўрмонимиз шоҳи нафақат кучли, чаққон ва уддабирон, балки виждонли ҳам бўлишини ҳоҳлайман. Тўғри мени бекорга “қўрқоқ қуён юрак” деб аташмайди, мен қўрқоқ бўлганим билан виждон амрига бўйсуниб яшайман. Сизларга ҳам шундай яшашни тавсия қиласман. Машойихлар бекорга айтишмаган “мехнатсиз турмуш ўғирлиқдир”.

**Эртакчи** – Қуёнвойни сўзларини эшитган ўрмон аҳли бироз сукут

сақлашибди-ю, сўнгра бирдан шовқин-сурон бошланиб кетибди. Ҳаммалари бақириб-чақирган, ҳаттоқи, бир-бирларига қўл кўтаришга бориб етишибди. Шу пайт бир четда офтобда тобланиб ётган шер нара тортган экан, ўрмон сув қўйгандек жим бўлиб қолибди.

**Шер** – Ҳой ўрмон аҳли! Мени дикқат билан эшитиб, сўзларимга қулок солинглар! Бунақа бир-биримиз билан тортишиб ўтираверсак, ҳеч қачон бир қарорга кела олмаймиз. Мен ўрмон шоҳлигига ўз номзодимни қўяман, чунки ичингизда энг бақуввати ҳам мен бўлсам керак ёки мен билан куч синамоқчи бўлғанлар борми ораларингизда?

**Эртакчи** – Шернинг қўрқинчли важоҳатини кўриб, ҳеч ким унга қарши гапиришга журъат этолмабди. Шу пайт бир дона буғдой донини судраб бораётган чумоли шернинг гапини эшитиб тўхтабди, пешонасидаги сизиб чиқаётган пешона терини артибди.

**Чумоли** – Эй, замонанинг рустаму-достони. Юртни бошқариш учун бақувват бўлишгина эмас,adolatпарвар, халқпарвар бўлмоқ керак. Ахир “куч адолатдадир” деб бекорга айтишмаган-ку! Қолаверса, аҳилликда гап кўп, аҳил-иноқ бўлиб яшасак ҳар қандай тўсиқ, ҳар қандай душман бизни енга олмайди. Яна энг асосийси ҳалол меҳнат қилиш керак. Мана биз чумолилар аҳил яшаймиз. Меҳнатни ҳам биргалашиб қиласиз, роҳатини ҳам бирга баҳам кўрамиз.

**Эртакчи** – Шундан сўнг ўрмон аҳли бир овоздан шерни ўрмон шоҳи, доно ва меҳнаткаш чумолини унинг маслаҳатчи вазири этиб сайлашибди. Ана кўрдингларми болажонларим, аҳилликда, иноқликда гап кўп экан. Халқимизда “бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар”, “якка отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас” деган нақллар бор. Ҳамжиҳатликда меҳнат қилган ҳалқ бу қудратли кучдир. Шунинг билан эртагим ҳам ўз ниҳоясига етди, яна кўришгунча омон бўлинглар!

## 2. “Мақтанма ғоз, хунаринг оз!”

(Эртак томоша)

**Қатнашувчилар:** Али құғирчоқбоз, Аҳмад, Абдусалом, Ҳизр бобо.

**Али құғирчоқбоз –** Одамлару одамлар,

Боғда битган бодомлар,  
Эшитмадим деманглар,  
Эшитганлар жилманглар!  
Бошланмоқда тамоша,  
Келинг тоғу қир оша!

Ассалому алайкум азиз болажонлар! Зерикмай ўтирибсизларми? Хүш тамоша күришга тайёрмисизлар? Ундей бўлса бошладик. Ҳа айтмоқчи, тамошани бошлашдан аввал мен ўзимни сизларга таништирсам. Мени Али құғирчоқбоз дейишади, мана бу хуржунимда хилма-хил құғирчоқларим бор. Мен шу құғирчоқларим билан мактабларда, болалар боғчаларида, қолаверса, маҳаллаларда юриб, сиздай жажжи болажонларга құғирчоқ тамоша кўрсатаман. Бугун мен сизларга мақтанчоқлик, кибрга берилишилик қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида эртак айтиб бермоқчиман, эртак эшитишга тайёрмисизлар, жуда яхши ундей бўлса бошладик.

**Али құғирчоқбоз –** Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим ўтган замонда эмас, худди мана шу баҳтиёр замонимизда, каттакон бир шаҳри азимда Аҳмад исмли бола яшаркан (хуржунидан құғирчоқ олади, болаларга кўрсатиб). Мана у – Аҳмад ялқов.

(Аҳмад ялқов мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси. Гуруҳидаги энг мақтанчоқ, уришқоқ, ялқов бола. Тарбиячиларнинг сўзига хеч қулоқ солмайди. Мободо танбех эшитса дарров аразлайди. Шунинг учун хеч ким у билан дўст бўлишни истамайди, доим ёлғиз юради. Қолаверса, Аҳмад ялқов деб бекорга чақирмайдилар, чунки дунёда иккита дангаса бўлса биттаси шу).

**Али құғирчоқбоз –** Ҳа Аҳмадбой, нега бақрайиб туриб қолдилар, салом қани?

**Аҳмад –** Салом уйида.

**Али құғирчоқбоз –** Э, пандавақи мен сендан Абдусаломни эмас,

ассалому алайкумни сўраяпман. Болажонлар билан саломлашмайсанми?

**Аҳмад** – Энди бир ками, ўзимдан кичикларга салом беришим қолувди (пичинг билан).

**Али қўғирчоқбоз** – Ҳай-ҳай, Аҳмаджон унчалик кибрли бўлиш ярамайди, боболаримиз айтишган-ку, “ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил” деб. Қолаверса бу ерда нафақат болажонлар, балки устозларинг, тарбиячи опалар ўтиришибди.

**Аҳмад** – Уф-ф, жуда жонга тегди-да бу насиҳатлар! Мен сизга айтсам ҳозиргина дадам билан ойим бир соат насиҳат қилдилар.

**Али қўғирчоқбоз** – Ҳа, “яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи” деб бекорга айтилмаган экан. Ҳа майли мен сени бекорга олиб келмадим, эшитишимга қараганда сен кўча ҳаракати қоидаларини жуда яхши билар эмишсан?

**Аҳмад** – Ана ўзингиз ҳам биларкансиз-ку, мен-чи боғчамиздаги энг кучли, енг ақлли боламан.

**Али қўғирчоқбоз** – Шуларни мана бу дўстларингга ўргатарсан, деб сени бу ерга олиб келдим-да.

**Аҳмад** – Бекордан-бекорга-я?

**Али қўғирчоқбоз** – Ахир булар болалар, қолаверса дўстларинг-ку!

**Аҳмад** – Э, Алижон aka эшигнамисиз, “қуруқ гап қулоққа ёқмас, ҳом ёғ димоққа ёқмас”! дейдилар, омон бўлинг амаки! (Аҳмад кулганича чиқиб кетади).

**Али қўғирчоқбоз** – (Ҳафсаласи пир бўлиб) ҳа, кўрдингларми болажонлар, лекин сизлар хеч қачон Аҳмад ялқовдан ўрнак олманглар.

Келинглар яхшиси мен сизларни яна бир қаҳрамоним билан танишираман.

**(Абдусалом** – Аҳмаднинг тенгдоши ва гуруҳдоши. У билан бир боғчага беришади. Доим ёрдамга муҳтожларга кўмак беради. Жамоат ишларида жуда фаол қатнашади, доимо тарбиячиларнинг айтганларига қулоқ солади. Гуруҳдаги энг ақлли болалардан, ҳали мактабга бормай туриб “Алифбе”

китобини ўқиб ўрганиб олган. Уй ишларида ойижонисига доимо ёрдамчи...)

**Абдусалом** – Ассалому алайкум, Алижон ака!

**Али қўғирчоқбоз** – Во алайкум ассалом.

**Абдусалом** – Мени чақиртирдингизми, амаки?

**Али қўғирчоқбоз** – Биласанми, мен бу болажонларга кўча ҳаракати қоидаларини ўргатмоқчи эдим.

**Абдусалом** – Тушунарли, демак биргалашиб болажонларнинг билимини синаб кўрамиз, шундайми?

**Али қўғирчоқбоз** – Худди шундай. Мен ҳозир болаларга баъзи бир нарсаларни кўрсатаман, маъбодо улар қийналиб қолгудек бўлса, ёрдам бериб юборасан, хўпми?

**Абдусалом** – Бажонидил ёрдам бераман.

**Абдусалом** – Бу кўрсатувчи белги бўлиб, пиёдаларнинг йўлни кесиб ўтиш жойига қўйилади. Мана бунисичи?

**Абдусалом** – Огоҳлантирувчи белгилар туркумiga кириб, болаларни катта йўлга чиқиб қолишидан огоҳлантиради.

**Али қўғирчоқбоз** – Мана буниси қандай белги?

**Абдусалом** – Таъқиқловчи белгилар туркумидан. Катта йўлни кесиб ўтиш мумкин эмас-деб таъқиқлади.

**Али қўғирчоқбоз** – Жуда яхши, энди мана белгини ҳам топа олсанг , сени аълочи эканлигинга ишонаман.

(Хуржунидан белгини олиб кўрсатади.)

**Абдусалом** – Алижон Ака, ахир бу белгини ҳар бир катта-ю кичик билиши шарт-ку. Бу светафор, шаҳарнинг энг гавжум чорраҳаларида, ўтиш жойларига қўйилади. Унинг учта ёниб турувчи кўзлари бор. Агар қизил қўзи ёнса ҳаракат тугатилади, сарик қўзи ёнганда ҳаракат учун огоҳлантирилади, яшил қўзи ёнса ҳаракатланиш мумкин дегани.

**Али қўғирчоқбоз** – Баракалло, хўш болажонлар сизлар ҳам эслаб қолдингларми? Жуда яхши.

**Абдусалом** – Али ака, чамамда дўстларим ҳам зерикишиб қолди-ёв, боя

бир эртакни бошладингиз.

**Али қўғирчоқбоз** – Эҳ, эсим қурсин, эртак айтмоқчи эдим-а?  
Боболаримизда бир гап бор, ўн марта эшитгандан бир марта кўрган яхши дейишади.

Қани бошладик бўлмаса.

**Абдусалом** – Қани бошладик.

(**Али қўғирчоқбоз** доира чалади, чодир жомоллар ҳаракатга келиб тўхташади)

**Али қўғирчоқбоз** – Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим ўтган замондамас, ҳудди мана шу бахтиёр замонамизда, каттагина мана бу шахримизда, Аҳмад билан Абдусалом исмли дўстлар яшашар экан. Аҳмад уришқоқ ва ялқовлиги сабабли доим дўсти Абдусаломни хафа қилиб юаркан. Лекин Абдусалом бунга эътибор бермас экан. Доимо дўсти Аҳмадга ёрдам беришга ошиқаркан. Кунлардан бир кун улар тарбиячилари билан боғ айлангани шаҳарга чиқишибди. Ҳар галгидек Аҳмад боғча опаларининг гапига кирмасдан адашиб қолибди, шаҳарнинг энг гавжум ойида йиғлаб турганида Абдусалом уни қидириб келибди.

**Абдусалом** – Ҳа дўстим, нега йиғлаб турибсан?

**Аҳмад** – Адашиб қолдим деб қўрқиб кетдим.

**Абдусалом** – Нега қўрқасан, аҳир ёнингда мен борман-ку.

**Али қўғирчоқбоз** – Шу пайт уларнинг ёнида бир қария пайдо бўлибди.  
Бу киши Ҳизр бобо экан.

(Ўтмишда ва ҳозирги замонларда инсонлар орасида бир афсона юради, у болалар ва катталарни синаб имтиҳон қилиб юарар эмиш. У бир зумда пайдо бўлиб ёрдам сўрар эмишда, ёрдам берганларни ҳохлаган орзусини амалга ошишига кўмаклар экан ва бир зумда кўздан ғойиб бўларкан)

**Ҳизр бобо** – Болажонларим яхшимисизлар?

**Абдусалом** – Ассалому алайкум бобожон хўш бизга қандай хизмат бор!

**Ҳизр бобо** – Ва алайкум ассалом! Мени мана бу йўлнинг нариги томонига ўтказиб қўйинглар.

**Аҳмад** – Э, энди мункиллаган чол билан етаклашиб юришим қолувди. Отахон йўлдан ўтишни билмаймиз.

**Абдусалом** – Нега ёлғон гапирасан дўстим. Ахир тарбиячи опамиз ўргатган-ку, катта йўлни кесиб ўтаётганда аввал чап тамонга, сўнгра йўлни ўртасига боргач эса ўнг тамонга қаранглар деб. Қолаверса, қарияларга ёрдам бериш бизнинг бурчимиз-ку.

**Али қўғирчоқбоз** – Абдусалом бобони етаклаб йўлнинг у томонига ўтиб олишига ёрдам берибди.

**Ҳизр бобо** – Раҳмат ўғлим! Сенга тарбиялаётган ота-онангга, тарбиячи опаларингга минг раҳмат. Бу дунёда бировга яхшилик қилсанг, қўлдан келганча ёрдам қилсанг албатта яхшилик жавобсиз қолмайди. Хўш, қани менга айтчи ўғлим қандай орзуйинг нима?!

**Абдусалом** – Бобожон, мен тезроқ билим олишни истайман. Кўпроқ ўқиб, ўрганиб ватанимга, ота-онамга ёрдам бермоқчиман.

**Ҳизр бобо** – Болажоним, албатта ниятинга етасан. Мана бу “Алифбе” китоби. Сен кўпроқ билим олишга ҳаракат қил, бекорга айтишмаган “ўқиб ўрганган олим, орланиб ўқимаган, ўзига золим” деб.

(Ҳизр бобо қўздан ғойиб бўлибди)

**Аҳмад** – Вой намунча чиройли китобча экан-а? Расмларини-чи. Менга хам ўқишга бериб турасанми- а?

**Абдусалом** – Бўлмасамчи. Ахир ўз дўстига ёрдам бермай бўладими? Энди бирга мактабга борамиз, бундан буён доимо бирга бўламиз.

**Аҳмад** – Дўстим, энди қўзим очилди, сен ҳақиқий дўст экансан. Мени кечира оласанми?

**Абдусалом** – Дўстим сен кечиримни мендан эмас (Али қўғирчоқбозни кўрсатиб), ўзингдан катталардан сўрагин.

**Аҳмад** – Амаки, қўполлигим учун сиз ҳам мени кечиринг?

**Али қўғирчоқбоз** – Жуда яхши, энди мана бу дўстларингдан кечирим сўра.

**Аҳмад** – (Болажонларга) ҳаммангиз менинг дўстларимсиз, энди хеч қачон

мақтанчоғлик, дангасалик қилмайман, сизлар ҳам мени кечира қолинглар?

**Али қўғирчоқбоз** – Хўш болажонлар Аҳмаджонни кечирамизми? Жуда яхши! Ана кўрдингларми мақтанчоғлик, дангасалик қилсангиз ва ёлғон гапирсангиз охир-оқибат дўстларингиз олдида уятга қоласиз. Қолаверса, дўстларингизни хеч қачон хафа қилманглар, уларни эҳтиёт қилинглар, бекорга шоирларимиз айтишмаган:

Дўст билан обод уйинг,

Гар бўлса у вайрона ҳам.

Дўст қадам қўймас экан,

Вайронадир кошона ҳам!

Шунинг билан эртагим бўлди тамом,

Кўришгунча бўлинг соғ-омон! (**Али қўғирчоқбоз** хуржуналарини йифиштириб, доирасини чалиб чиқиб кетади).

### 3. “Ишонмагин-дўстинга, сомон тиқар пўстинга!” ёки “Тулковой ва Лайлаквой ҳангомаси”

(Эртак томоша)

**Қатнашувчилар:** эртакчи (тарбиячи), тулки, лайлак.

Эртак томошанинг бошланиши. Сахнага эртакчи чиқиб келади.

**Эртакчи** – Ассалому алайкум, азиз болажонлар)! Сизлар билан яна дийдор кўришганимиздан бағоят миннатдорман. Хўш, аввалги эртагим сизларга ёқдими, жуда яхши мен бугун яна ҳам қизиқарли эртак айтиб бермоқчиман. Бу эртагим билмаган, танимаган одамларнинг гапига киришлик охир-оқибат қандай балоларга гирифтор бўлишлик ҳақида. Болажонлар, халқимизда доим ёлғон гапириб, бирорларни лақиллатиб юрувчиларни айёр тулкига қиёслашади, тўғрими?

Бир катта чакалакзорда айёр тулки яшаркан. У бирга яшайдиган ҳайвонларни лақиллатиб устидан кулиб юаркан. Чакалакзордаги барча ҳайвонлар бора-бора тулкихоннинг гапига ишонмай, ҳаттоқи, уни яккалашиб ҳам қўйишибди. Тулки ҳар куни ўзи юриб зерика бошлабди ва тўқайзорга

бориб у ердаги ҳайвонларни ҳам бир лақиллатиб қўрайчи деб йўлга отланиди. Тулки тўқайзорда биринчи бўлиб лайлаквойни учратиби.

**Тулки** – Бугун мен туғилган кунимни нишонламоқчиман, шунга сени зиёфатга таклиф қилиб келдим.

**Эртакчи** - Лайлаквой тулкининг гапига лакқа ишониб, кечга яқин унинг уйига зиёфатга келибди.

**Тулки** – Қани лайлаквой, сен менинг энг азиз меҳмонимсан, биз тулкиларнинг мазали таомидан олчи, марҳамат!

**Эртакчи** – Лайлаквой ёғли кулчадан жуда егиси келибди ва тумшугини тахтага урибди, шунча уринса ҳам хеч нарса ея олмабди.

**Лайлак** – Кечирасан тулкихон! Менинг қорним жуда тўқ эди, ўзинг бемалол олавер.

**Эртакчи** – Айёр тулки астагина жилмайибди-ю, ёғли кулчаларни ўзи бир зумда еб қўйибди. Қорни оч, изза бўлган лайлаквой ичида сени ҳам бир бопласамми деб ният қилиб қўйибди.

**Лайлаквой** – Энди зиёфат навбати менга, эртага меҳмонга борсанг роса хурсанд бўлардим.

**Тулки** – Хўп бўлади, бажони дил бораман.

**Эртакчи** – Эртаси куни тулкихон бутун тўқайзорга лайлаквойни қандай қилиб лақиллатганини овоза қилиб чиқибди ва кечга томон лайлаквойниги равона бўлибди. Лайлаквой ҳам тулкихонни яхшилаб кутиб олибди ва пиширган суюқ ошини қўзачага қуиб тулкининг олдига қўйибди.

**Лайлак** – Қани тулкихон, суюқ таомдан ол!

**Эртакчи** – Тулкихон қўзачадан ича олмаслигини билибди, аммо сир бой бермабди.

**Тулки** – Бемалол лайлаквой, ўзларидан бўлсин, мен бу ерга келишимдан олдин яхшилаб овқатланиб олган эдим!

**Эртакчи** – Тулки шундай дебди-ю, агарда лайлаквой бугунги воқеани бошқаларга эълон қиласа шарманда бўлишини билиб, ундан ўч олмоқчи бўлибди ва қандай қилиб унинг тазирини берсам деб ўйлаб қолибди.

Ниҳоят қабих режа тузибди.

**Тулки** – Дўстим лайлаквой! Мана анча яқин, таниш дўст бўлиб қолдик. Малол келмаса эртага меникига келсанг, ажойиб ўйинни биламан, биргалашиб ўйнардик.

**Эртакчи** – Тулкихоннинг ёмон ниятидан бехабар лайлаквой эртаси куни унинг уйига келибди.

**Лайлак** – Мана мен келдим, қани ажойиб ўйинингни кўрсатчи!

**Тулки** – Марҳамат дўстим! Менинг устимга чиқ. Сен кўрмаган жойларни кўрсатаман. Фақат қанотингни ёзиб икки учини менга тишлатиб қўйсанг йиқилиб тушмайсан.

**Эртакчи** – Тулкининг гапига лақقا ишонган лайлаквой унинг устига чиқибди ва қанотини ёйиб, икки учини унга тишлатиб қўйибди. Қанотларни тишлаб олган Тулкихон чакалакзор ичидаги югура бошлабди. Лайлакнинг патлари тўкилиб, қип-қизил гўшт бўлиб қолибди. “Ал-қасос-у минал хақ!” хаёлидан ўтказибди лайлак. Дарё-ю ботқоқликда қирқ кечага-ю қирқ кундуз қурбақалар билан ўзини боқибди ва даволанибди, янги патлар ҳам пайдо бўлиб, угадиган бўлибди. Сўнг қасдини олгани тулкининг олдига учиб келибди.

**Лайлак** – Дўстим омон-эсон юрибсанми? Сен топган ўйин жуда ҳам қизиқ экан, мен ҳам сенга ғаройиб ўйин кўрсатаман. Эртага менинг олдимга боргин.

**Эртакчи** – Эртаси куни тулки лайлаквойни олдига борибди. Лайлак эса тулкини устига миндириб олиб осмони фалакка олиб чиқибди.

**Лайлак** – Хўш, дўстим тулкихон, ер кўриняптими?

**Тулки** – Ҳа кўриняпти!

**Эртакчи** – Лайлак тулкининг жавобини эшитиб, яна ҳам баландроққа кўтарилибди ва яна сўрабди.

**Лайлак** – Энди, ер кўриняптими?

**Тулки** – Йўқ энди ер кўринмаяпти!

**Лайлак** – Ҳозир кўринади!

**Эртакчи** – Шундай қилиб лайлаквой бир ағдарилган экан, бехос ўтирган

тулкихон ер томон туша бошлабди. Яхшиямки тулкихоннинг бахти бор экан, пичан ғармининг устига тушибди ва қилган ишларидан пушаймон бўлиб, энди ҳеч қачон бирорларнинг устидан кулмасликка аҳд қилибди.

Ана кўрдингизми болажонлар! Бу дунёда ҳар бир нарсанинг ўз ҳисобкитоби бор. Қолаверса, яхши билмаган, танимаган одамларнинг гапига ҳеч қачон ишонманглар! Сизлар билан эса хайрлашиб қоламан. Кўришгунча хайр!

Эртак томоша жараёнида болалар фаолиятини бошқараётган тарбиячи боланинг хатти-ҳаракатлари муносиб баҳолаши, ўзи шахсан намуна қўрсатиши, болаларни йўл қўйган хатолари учун танқид қилмаслиги, аксинча, томоша пайтида хушёр бўлиши кераклигини айтиб ўтиши зарур. Шунингдек, тарбиячи томошани қўйиш давомида болаларга ҳар қандай хатти-ҳаракат маълум қоидаларга мувофиқ ўйналишини, иштирокчилар ана шу қоидаларга қатъий амал қилишлари кераклигини, ролларни ижро этишда масъулиятли ёндашиш талаб этилишини тушунтириб бориши мақсадга мувофиқдир. Тажриба-синов ишлари даврида мазкур шартларга амал қилиниши таъминланди.

Тажриба-синов ишлари даврида юқоридаги таълимий машғулотлар ва эртак томошалардан фойдаланиш натижасида болаларда турли вазиятларда ўзини тутиш, атрофдагилар билан самарали мулоқот қилиш ҳамда мақсадга эришишга интилиш каби сифатларни шакллантиришга ёрдам берди. Шу билан бирга уларда ўзига бўлган ишонч ҳам юзага келди. Тортинчоқ, уятчан болалар эса жамоа аъзолари, атрофдагилар билан мулоқотга киришишдан тортиниш ўз кечинмалари, интилишларидан уларни хабардор қилиш йўлидаги тўсиқ эканлиги тўғрисидаги тушунчалар ҳосил қилинди.

Тажриба-синов ишларини олиб боришда таълимий машғулотлар, қўғирчоқ ўйин томошалари мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларида ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришнинг таъсирчан омилларидан бири эканлигини тасдиқлади. Таълимий машғулотлар, қўғирчоқ ўйин, эртак томошаларининг тарбиявий имкониятлари мазкур ёш даври болаларида жамоа билан бирга бўлишга интилиш, катталар ва болалар ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, катталарга хурмат, хушмуомалалик,

жасурлик, “нима яхши-ю, нима ёмон” эканини англаб этиш, меҳнатсеварлик каби сифатларни самарали шакллантирилиш билан бир қаторда уларда қўйдаги хулосаларни чиқариш имконини берди:

- ҳар бир инсоннинг инсонийлик белгиси унинг одоби ва ахлоқи билан ўлчаниши, одоб барча инсонларни яхши хулқли бўлишга чақириши;
- ҳар бир хатти-ҳаракатда тўғрилик ва сўзида ростгўй бўлиш;
- бир-бирларини ҳар қандай вазиятда қўллай олишлари;
- оила, мактабгача таълим муассасаси, кўча-кўйда она табиат қўйнидаги барча яшил ўсимликларга эътиборли бўлиш, уни топташ, синдириш, пайхон қилиш каби ҳолатларга беэътибор қарамаслик, уларни севиб парвариш қилиш ва қўпайтириш;
- миллий ва умуминсоний қадриятлар сирасидаги қадимий ёдгорликлардаги нафислик, буюклиқ, салобатлиликни хис этиш, меҳнат асосида яратилган гўзалликдан завқланиш хиссини шакллантириш, уларни эъзозлаш туйғусини вужудга келтириш;
- эртаклар, ривоятлар, ҳикоялар, матал ва мақолларнинг маъносини англаб этиш, улардаги миллий ва умуминсоний қадриятларни ажрата олиш, ижобий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларидан ўrnak олиш, тақлид қилиш, салбий ишларни ўз фаолиятида такрорламаслик.

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ  
МУАССАСАЛАРИДА ҚЎҒИРЧОҚ  
ТЕАТРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ҚЎҒИРЧОҚ ЯСАШ  
УСУЛЛАРИ**

**III**

Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари фаолиятларида ахлоций-эстетик сифатларни шакллантиришга қаратилган педагогик фаолиятни самарали йўлга қўйишида тарбияланувчиларнинг ижодий фаолиятларини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Мактабгача таълимнинг ҳозирги босқичида тарбияланувчиларни ижодий меҳнатга тайёрлаш – келажак авлоднинг таълим-тарбиясига қўйиладиган муҳим вазифалардан биридир.

Тарбияланувчиларни ижодий меҳнатга тайёрлаш уларнинг қизиқишлари, мойилликлари ва имкониятларига асосланган қўл меҳнати ҳисобланади. Қўл меҳнати жараёнида болалар асосан ташландик (кераксиз, чиқинди) материаллардан, сунъий хом-ашёлар билан ишлаш кўникмалари ҳосил қилинади.

Тарбияланувчиларни қўғирчоқ ясашга ўргатишида қўйидагилар муҳим ўрин тутади:

- ясалаётган қўғирчоқ тури ва унинг ўзига хослиги ҳақида дастлаб оғзаки тушунча бериш;
- керакли жиҳозлар, улардан тўғри ва эҳтиёткорона фойдаланиш ҳақида тарбиячи эслатмаси;
- асосий ишни бошлаш, ҳар бир ҳаракатлар кетма-кетлиги олдидан тарбиячининг амалда кўрсатмаси;
- ҳар бир тарбияланувчиларнинг хатти-ҳаракатини кузатиш;
- ўз вақтида рағбатлантириб бориш.

Тажриба-синов ишларини олиб бориш давомида тарбиячи ва тарбияланувчилар учун турли қўғирчоқлар ясаш технологиялари ишлаб чиқилиб, бевосита мактабгача таълим муассасалари фаолиятида қўлланилди.

Ушбу жараённи амалга оширишда қўйидаги талабларга риоя қилиниши қатъий белгилаб олинди:

- қўғирчоқнинг тури, номи, шакли, ҳажми ва ишлатилиши тўғрисида дастлабки тушунчаларнинг берилиши;
- боланинг бемалол ҳаракат қилиши ва ясами учун қулай шарт-шароит яратилиши;
- болаларнинг ўйинчоқ ясашлари учун керакли материалларнинг ҳозир бўлиши;
- тарбиячи ҳар бир ҳаракатни тушунтирган ҳолда ясад бўрсатиши;
- тайёр қўғирчоқлар намуна сифатида бўрсатилиши;
- қўғирчоқ миллийликка йўғрилган, анъаналарни сақлаб қолган, ўзбекона турмуш тарзини ўзида акс эттирган бўлиши лозим;
- қўғирчоқ болага жароҳат етказмайдиган, ўйнаш учун қулай, бола соғлиғига заарсиз, бежирим тайёрланиши керак;
- қўғирчоқ боланинг қизиқишлирага мос келиши, ҳар хил ўйинларда фойдалана оладиган, ижодкорликка ундайдиган бўлиши лозим;
- қўғирчоқнинг ташқи кўриниши самимий, хушчақчақ бўлиши мақсадга мувофиқдир.
- иш жараёнида эстетик дидга эътибор қаратиш;
- болаларнинг жисмоний ривожланганлигини эътиборга олиш;
- болада ясаган қўғирчоғига нисбатан муҳаббат ҳиссини уйғотиш, меҳнатнинг натижасидан қувониш, масъулиятли бўлишга ўргатиш;
- ўртоқлари билан ҳамкорлик қилиш, ўзаро ёрдамлашишни қарор топтириш;
- ясалаётган қўғирчоқ боланинг ёш ва билим савиясига мос бўлиши, унинг ташқи қиёфаси тасвиридан бола завқланиши лозим;
- қўғирчоққа берилган рангларнинг турли-туманлиги, кийимининг бежиримлиги, ясалишининг соддалиги бола руҳиятига катта таъсир кўрсатади.

Тажриба-синов ишлари даврида мактабгача катта ёшдаги болаларда қўғирчоқ театри воситасида ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришга

хизмат қилувчи – **болалар ижодий меҳнатидан** унумли фойдаланилди.

Ушбу жараёнда болалар япалоқ (текис) қўғирчоқлар, қўлқопли қўғирчоқлар, қутили қўғирчоқлар, қўлга кийиб ўйнатиладиган қўғирчоқларни ясашда фаол иштирок этдилар ва бу борада тарбиячи кўрсатмалари асосида муайян билим, кўникмаларга эга бўлдилар. Шунингдек, тарбиячилар учун сим (тросьтовые) билан бошқариладиган қўғирчоқлар, ип (марионетка) билан бошқариладиган қўғирчоқлар, актёри кўринадиган (планшетный) қўғирчоқлар, сояли (теневой) қўғирчоқлар, никобли (маска-шоу) қўғирчоқларни ясаш бўйича муайян кўрсатмалар берилди ва уларнинг ўз фаолиятларида фойдаланишлари учун имконият яратилди.

Ушбу қўғирчоқларни ясалиш технологиялари синов ишларига жалб қилинган тарбиячиларга олдиндан тайёр буклет шаклида тавсия қилинганлиги иш жараёнининг самарали кечишини таъминлабгина қолмай, белгиланган вақтдан унумли фойдаланиш имкониятини юзага келтирди.

Қуйида юқорида қайд этилган икки йўналиш яъни тарбияланувчилар ва тарбиячилар иш жараёнида фойдаланилган қўғирчоқларнинг ясалиш технологиялари ва уларнинг моҳияти тўғрисида сўз юритилади.

### **1. Япалоқ (текис) қўғирчоқлар ясаш.**

**Керакли жиҳозлар:** юпқа ва қалин картон қофозлар, қалам, қайчи, елим, рангли қофозлар (рангли қалам ёки рангли бўёқлар бўлиши ҳам мумкин).



### **1-босқич. Тасвир чизиш.**

Турли хил кўринишдаги тасвиirlар (ҳайвонлар, одамлар ва ҳоказо) юпқа картон қофозига чизилади.

### **2-босқич. Нусҳа кўчириш.**

Чизилган тасвир қайчидаги қийиб олиниб, қалин картон қофоз устига қўйиб, атрофлари қалам билан чизиб олинади. Худди шу ҳаракат иккинчи нусҳа учун ҳам такрорланади. Сўнгра ҳар иккала нусҳа қайчи билан қирқиб олинади.



### **3-босқич. Елимлаш.**

Тайёр қирқиб олинган тасвирлар бир-бирига елим орқали ёпиширилади. Ушбу жараёнда иккала нусханинг бир-бирига текис ва атрофлари тенг устмавуст тушишига эътибор қаратиш зарур.

### **4-босқич. Пардозлаш.**

Тайёрланган қўғирчоққа пардоз бериш жараёнида рангли қаламлардан ёки рангли қофоз ва турли бўёқлардан фойдаланиш мумкин. Ушбу жараёнда эстетик дид муҳим ўрин тутади. Безакни танлаш қўғирчоқнинг характер хусусиятларидан келиб чиқади.

### **5-босқич. Ўрнатиш.**

Япалоқ (текис) қўғирчоқ ясаш жараёнида ушбу босқич муҳим аҳамият касб этади. Негаки, бундай қўғирчоқларга тик турган ҳолатда баҳо берилади. Ўрнатишда қўғирчоқнинг пастки қисмидаги қоқ ёпишган еридан қисман очиб, остига мувозанат сақлаши учун муайян ўлчовда янада қалинроқ картон қофози ёпишириш мумкин. Ёки бўлмаса, пластилиндан ҳам фойдаланиш мумкин.

**2. Магнитли театр.** Мактабгача таълим муассасалари шароитида ушбу театрни кенг қўллаш мумкин. Бунинг учун хоҳ тайёр кичик қўғирчоқлар бўлсин, хоҳ болалар томонидан ясалган қўлқопли, қофозли, текис (япалоқ), поролонли қўғирчоқлар бўлсин уларнинг остига магнит кесими ўрнатилади. Сўнгра мослаштирилган стол устида металл (магнит тортадиган) ўрнатилади. Кўринмаслик учун устига мато тортилади. Ушбу театрда асосан қарама-қарши 2-3 та болага мўлжалланган бўлиши мақсадга мувофиқ. Қўғирчоқлар бир-бирига қараб ҳаракатланиши, бир-биридан қочиши (кувлаши) мумкин. Магнит театри учун қўғирчоқлар ясалганда, албатта, уларнинг пишиқроқ, чидамлироқ бўлишига аҳамият бериш мақсадга мувофиқ.

**3. Бармоқ театри.** Бунда болалар фақатгина томошабин эмас, балки бевосита ана шу жараёнда ўzlари ҳам иштирок этишлари мумкин. Театр қаҳрамонларини қофоз ва паралондан ҳам ясаш мумкин. Қофоздан одам ва ҳайвонларнинг кичик тасвирини бармоқларга кийиб олинадиган тарзда ясаш тавсия этилади. Қўғирчоқлар цилиндр, конус, кути шаклида тайёрланиши

мумкин. Безаш учун турли газламалардан фойдаланиш мумкин. Газламанинг ситилиб кетмайдиган хили танланади ва тескари томонидан тикилиб, сўнг ағдарилиб, керакли жойлари тикилади. Бармоқ театрининг бошқа театрлардан фарқи шундаки, унда эртак қаҳрамонлари болаларнинг бармоқларига мос кичик ва эртак кўрсатувчининг бармоғига тўғри келадиган холатда тайёрланишидир.

**4. Қўлқопли қўғирчоқлар.** Ушбу қўғирчоқларни болалар қўлга кийиб ушлаган ҳолда стол театрларида фойдаланишлари мумкин (тарбиячилар болаларда янада яққол тушунча ҳосил қилишда телеэкран орқали болалар учун намойиш этиладиган “оқшом эртаклари” даги қўғирчоқларнинг хатти-харакатларини кўз олдиларига келтиришлари мумкин). Қаҳрамонларни эски қўлқоплардан тайёрласа бўлади. Агар эски қўлқоп топилмаса уни тикиш мумкин. Болалар бундай қаҳрамонларни ўзлари ясай оладилар.

**Керакли жихозлар:** табиий (уй) шароитидаги ташландиқ (ишлатилмаётган) қўлқоплар, узун пайпоқлар, қайчи, нина, ип, пахта (паралон ёки материал қирқимлари бўлиши ҳам мумкин), безаш учун табиат материаллари, елим (ПВА).

**Тайёрлаш жараёни:** қўғирчоқни тайёрлаш жараёнида қўлқопнинг қисмлари (маълумки, қўлқоп бешта бармоққа мосланган) эртак учун танланган қаҳрамонларга қараб олиб ташланади. Аммо, олиб ташланган қисмлари ҳам кераксиз эмас, балки улардан дум, қўл-оёқ қисми учун фойдаланилади. Узун пайпоқлардан эса илонни ясаш мумкин.

**1-кўриниш.** Қўлқопнинг икки чекка қисми қолиб, ўртадаги уч қисми олиб ташланади. Ундан мушук, ит, бўри, чўчқа каби ҳайвонларни ясаш мумкин.

**2-кўриниш.** Қўлқопнинг икки чекка ва ўртасидаги қисмлари олиб ташланади. Қирқилган жойи тикиб қўйилади. Ундан қуённи ясаш мумкин.

**3-кўриниш.** Қўлқопнинг фақат ўртадаги қисми қирқиб ташланса, ундан эчкини ясаш мумкин.

Шунингдек, ҳар бир ҳар бир қирқиб ўрни тикилган қўлқопнинг ичи пахта (паралон ёки материал қирқимлари бўлиши ҳам мумкин) билан тўлдирилади. Ҳар бир ҳайвоннинг ташқи қўриниш хусусиятига қараб безак берилади. Бундан


ташқари болалар қўғирчоқларни қўлларига кийиб ҳаракатлантиришлари учун қўлқопга махсус мослама тикишҳам мумкин.

**4-кўриниш.** Узун пайпоқ ичи ҳам пахта (паралон ёки материал қирқимлари бўлиши ҳам мумкин) билан тўлдирилади. Илоннинг ташқи кўриниш хусусиятига қараб безак берилади. Илоннинг бош ва бел қисмига сим ўрнатиб, уни ўрнатиш мумкин.

**5. Қутили қўғирчоқлар.** Қутили қўғирчоқлар ҳам оддий шароитда ясаш мумин бўлган қўғирчоқлардир. Бу айниқса, болаларнинг ижодий фаолияти учун жуда қизиқарлидир.

**Керакли жихозлар:** табиий (уй) шароитидаги ташландиқ (ишлатилмаётган), лекин бутун қутилар (гугурт, чой ва бошқа нарса-буюм қутилари), қайчи, безаш учун рангли қоғозлар, елим.

**Тайёrlаш жараёни:** масалан, хўрозни ясаш учун катта-кичик ўлчамда уч хил қути олинади. Дастреб катта қути, ўрта ва яна сал каттароқ қутилар бирин-кетин жойлаштирилади. Сўнгра юпқа қоғоздан хўрознинг тожи, икки ён бошига қанотлари, кўзи, қоши дум қисми, оғзи ясалиб, ёпиштирилади:



4-расм. Қутили хўрозни тайёrlаш.

Мактабгача таълим муассасаларида қўғирчоқ театрини ташкил қилишда қуйидагиларга аҳамият бериш зарур:

биринчи навбатда эртак билан танишиб чиқилади. Эртакнинг воқеа

бўлган жойлари, саҳна кўринишлари эскиз қилинади. Бу эскиз қўғирчоқ театри “тили”да декорация эскизи дейилади. Масалан: уй, дараҳт, стол, стул ва ҳоказо нарсалар бунга мисол бўлиши мумкин.

қаҳрамонлар эса битта-битта ўрганилиб, характерлари ва уларга хос образлар яратилади.

## **6. Қўлга кийиб ўйнатиладиган қўғирчоқларни ясаш.**

**Керакли жиҳозлар:** қўғирчоқни кийинтириш учун мато, қайчи, ҳар хил қофозлар, юпқа дока, жилвир қофоз, кулоллар ишлатадиган лой ёки пластилин, гипс, алебастр, вазелин ёғи, ватман қофоз, картон қофоз ва ҳар хил рангли бўёклар.

### **1-босқич. Тасвир (эскиз) чизиши.**

Бундай қўғирчоқларни ясаш учун энг аввало, оддий ватман қофоз ёки расм дафтар вароғига ясаладиган қўғирчоқларнинг тасвири (эскизи) чизилади. Кўғирчоқнинг кўриниши, унинг характеристири ва қандай кийимда бўлиши ана шу рангли тасвирда акс этган бўлиши керак.

### **2-босқич. Қолип (форма) тайёрлаш.**

Чизилган тасвирга қараб лойдан ва пластилиндан ўша қўғирчоқнинг бош қисми ҳайкали ясалади. Бош қисми тайёр бўлгач, ингичка пўлат сим олиб қўлоқ ўрнатиладиган жойдан teng иккига бўлинади ва қаттиқ картон қофоз олиб унга ётқизиб қўйилади. Сўнгра қотишма ёпишиб қолмаслиги учун ҳайкалчанинг юза қисмини вазелин билан ёғлаб чиқилади ва албастр ёки гипсдан суюкроқ қотишма тайёрланиб ёғланган жойга қўйилади. Қотишма қотгандан сўнг уни қўлга олиб ичидаги лой ёки пластилинни ўйиб чиқариб олинади. Натижада қолип (форма) тайёр бўлади.

### **3-босқич. Нусҳа кўчириш.**

Ясалган қолидан нусҳа кўчириш учун энг аввало, оддий сувга бўқтирилган қофоз парчалари ёпишириб чиқилади. Сабаби нусҳа тайёр бўлгач уни қолидан чиқариб олиш осон бўлади. Оддий ундан атала қилиниб, то қўйиклашгунча қайнатилади. Шу тариқа елим (клейстр) тайёрланади.

Тайёр елимни қофоз парчаларига суртиб, уни қолип деворларига

ёпиштириб чиқилади. Ёпиштирилган қаватлар 6-8 қаватдан кам бўлмаслиги лозим. Қават қанчалик кўп бўлса қўғирчоқ шунчалик пишиқ бўлади. Яна ҳам пишиқ бўлиши учун ҳар 3 қават орасига дока мато ҳам ёпиштирилади. Қаватларни ёпиштираётганда шошилмай яхшилаб ёпиштириш зарур. Агарда оралиққа ҳаво кириб бўшлиқ пайдо бўлса, қўғирчоқ сифатсиз чиқади.

Қаватларни қолипга ёпиштириб бўлгач, уни қуритиш учун иссиқ жойга қўйилади ва қуриб бўлгач тайёр бўлган нусхани секин-асталик билан қолипнинг ичидан чиқариб олинади.

#### **4-босқич. Елимлаш.**

Икки бўлакдан иборат қўғирчоқнинг бош қисми қайтариб елимланади. Қўғирчоқнинг боши ҳаракатга келиши учун унга кичкина таёқча (габит) ни ҳам қўшиб елимланади. Ушбу жараёнда иккала нусханинг бир-бирига текис ва артофлари teng устма-уст тушишига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

#### **5-босқич. Пардозлаш.**

Тайёрланган қўғирчоққа пардоз бериш жараёнида ҳар хил мато ва рангли бўёқлардан фойдаланиш мумкин. Ушбу жараёнда эстетик дид муҳим ўрин тутади. безакни танлаш қўғирчоқнинг ҳарактер хусусиятларидан келиб чиқади. Энг аввало елимланган бош қисмини яхшилаб жилвир қофоз билан ишлов берилади. Сўнгра оқ рангли бўёқ берилади.

#### **6-босқич. Безаш.**

Пардоздан чиқсан қўғирчоқни безаш учун тасвирда кўрсатилгандек кийинтирилиб, қўл-оёқлар уланиб, киприк, соч-соқол, думлар, умаман, керакли нарсалар ёпиштирилади. Бў қғирчоқ қўлда кийиб ўйнатилгани боис икки бармоқ сиғадиган мослама (патрон) қўғирчоқнинг панжасига қўшиб тикилади. Қўғирчоқ ҳаракатланиши учун тайёр ҳолатга келтирилади.

### **7. Сим (тросьтовые) билан бошқариладиган қўғирчоқларни ясаш.**

**Керакли жиҳозлар:** пўлат сим, қўғирчоқни кийинтириш учун ҳар хил мато, қайчи, ҳар хил қофозлар, юпқа дока, жилвир қофоз, қулоллар ишлатадиган лой ёки пластилин, гипс, алебастр, вазелин ёғи, ватман қофоз, картон қофоз, ҳар хил рангли бўёқлар, ёғоч парчалари, ёғоч устасининг асбоб-анжомлари.

1-5 гача бўлган босқичлар қўлга кийиб ўйнатиладиган қўғирчоқлар каби бўлади.

### **6-босқич. Безаш ишлари.**

Пардоздан чиққан қўғирчоқнинг бош қисмини энди таёқча (габит)га эмас, балки, механизатор уста тайёрлаган мосламага қотирилади. Бу мосламада қўғирчоқнинг қўлларини қатириш елка қисмида бўлаи. Яъни қўғирчоқнинг панжалари симга ўрнатилган мосламага, мослама эса қўғирчоқнинг елкасига маҳкамланади.

Агарда зарурият туғилса қўғирчоқнинг оёқларига ҳам сим ўрнатиш мумкин. Сим билан бошқариладиган қўғирчоқларнинг бошқа қўғирчоқлардан фарқи – унинг оёқ ва қўллари сим билан бошқарилади.

### **8. Ип (марionетка) билан бошқариладиган қўғирчоқларни ясаш.**

**Керакли жиҳозлар:** косиблар ишлатадиган қора рангли ип, қўғирчоқни кийинтириш учун ҳар хил мато, қайчи, ҳар хил қофозлар, юпқа дока, жилвир қофоз, лой ёки пластилин, гипс, алебастр, вазелин ёғи, ватман қофоз, картон қофоз, ҳар хил рангли бўёқлар, ёғоч парчалари, ёғоч устасининг асбоб-анжомлари.

1-5 гача бўлган босқичлар қўлга кийиб ўйнатиладиган қўғирчоқлар каби бўлади.

### **6-босқич. Безаш ишлари.**

Пардоздан чиққан қўғирчоқнинг бош қисмини механизатор тайёрлаган қўғирчоқнинг гавда қисмига қатирилади. Қўғирчоқнинг қўл-оёғи, гавдаси ва бош қисмидан ип тортиб қўғирчоқни бошқариш учун тайёрланган мосламага қотирилади. Ип билан бошқариладиган қўғирчоқнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг ҳаракатлари бошқа қўғирчоқлар ҳаракатига нисбатан ҳаётйроқ ёки қизиқарлироқ бўлади. Бу эса томошабинни ўзига янада жалб қиласида.

### **9. Актёри қўринадиган (планшетный) қўғирчоқларни ясаш.**

**Керакли жиҳозлар:** қўғирчоқни кийинтириш учун ҳар хил мато, қайчи, ҳар хил қофозлар, юпқа дока, жилвир қофоз, лой ёки пластилин, гипс, алебастр,

вазелин ёғи, ватман қофоз, картон қофоз, ҳар хил рангли бүёклар, ёғоч парчалари, ёғоч устаси ишлатадиган асбоб-анжомлари.

1-5 гача бўлган босқичлар қўлга кийиб ўйнатиладиган қўғирчоқлар каби бўлади.

### **6-bosqich. Bezash ichlari.**

Пардоздан чиққан қўғирчоқнинг бош қисмини механизатор ёки бутафорлар тайёрлаган қўғирчоқнинг гавда қисмига қатирилади. Сўнgra икки дона ёғоч парчаси (габит) ни олиб қўғирчоқ гавдасининг орқа қисми ва гавдасининг орқа қисмига қатирилади. Эскизда кўрсатилгандек юз қисми безалади, ҳар хил мато (газлама)лардан эса либос тикилади.

Стол қўғирчоқлари асосан стол устида ўйнатилади. Қўғирчоқбозлар баъзан бундай томошаларни очиқ ширмали томоша (спектаклз) деб ҳам атайдилар.

### **10. Сояли (теневой) қўғирчоқларни ясаш.**

**Керакли жиҳозлар:** экран ясаш учун оқ мато, ҳархил ўлчамли ёғочлар, қайчи, жилвир қофоз, қаттиқ картон ёки ишлатиш учун тайёрланган ҳайвон териси (фанера ҳам бўлиши мумкин), ёғоч устаси ишлатадиган асбоб-анжомлар, ҳар хил ўлчамли мих, экранни ёритиш учун электр жиҳозлари.

### **1-bosqich. Ekran tayёrlash.**

Сояли томоша кўрсатиш учун энг аввало, экран тайёrlаш керак. Бунинг учун ёғочдан тўрт бурчак шакл ясаб, унга оқ рангли мато тортилади. Ёритиш учун эса экран четларига ёритгичлар ўрнатилади.

### **2-bosqich. Tasvir (eskiz) chiziш.**

Томошада керакли қўғирчоқлар ва декорациялар тасвирини оддиф ватман қофоз ёки расм дафтарига рангли ҳолатда чизилади.

### **3-bosqich. Nusxa kўchiриш.**

Қадимда қўғирчоқбозлар сояли томоша қўғирчоқларини ясашда ҳар хил ҳайвон териларидан фойдаланишган. Замонавий қўғирчоқбозлар фанера ёки қаттиқ картонлардан фойдаланишмоқда. Тасвир (эскиз)да чизилган қўғирчоқнинг ўлчамига қараб қаттиқ картон ёки фанерага нусҳаси қўчирилади.

#### **4-босқич. Елимлаш.**

Картон ёки фанерага күчирилган нусҳага жилвир қоғоз билан ишлов берилади. Құғирчоқни бошқариш учун тайёрланган дастакни унга яхшилаб қатирилади. Сүнгра оқ мато олиб құғирчоқ елимланади.

#### **5-босқич. Пардозлаш.**

Тайёр бўлган құғирчоқ ва декорацияга сўнгра безак ишлари берилади. Унда ҳар хил рангли бўёқлардан фойдаланилади. Бўёқлар куриши учун иссиқ жойга жойлаштирилади. Куриган құғирчоқлар bemalol томоша учун фойдаланилиши мумкин.

### **11. Ниқобли (маска-шоу) құғирчоқларни ясаш.**

**Керакли жиҳозлар:** актёрлар киядиган костюмлар учун ҳар хил матолар, дока мато, ҳар хил қоғозлар, ўниқобларни безаш учун қайиш ва ҳар хил ўлчамли тўқув иплари, қайчи, тасвир чизиш учун ватман қоғоз, ҳар хил рангдаги бўёқлар, ҳар хил ўлчамли резиналар, костюмлар учун тугмалар, оёқ пояфзали учун мих ва елим, юмшоқ материаллар (паралон), лой ёки пластилин, вазелин ёғи, албастр.

#### **1-босқич. Тасвир чизиш.**

Керакли ниқоб ва костюмларнинг тасвири (эскизи) чизилади.

#### **2-босқич. Нусха күчириш.**

Тасвирда чизилган ниқобнинг шаклини лойдан ясаб олинади ва қаттиқ фанера ёки картон қоғозга кўйиб уст томони ёғланади, сўнгра устидан алебастердан тайёрланган қоришка қуйилади. Қоришка қатиб бўлгач, уни ичидан лойни чиқариб ташланади ва натижада қолиб тайёр бўлади.

Қолип (форма) дан нусха күчириш учун энг аввало, қоғозни сувга бўктириб қолипга ёпиштириб чиқилади. Сабаби агар биринчи қаватни елимлаб ёпиштирсак қолипга ёпишиб қолади. Қаватларнинг сони 8-9 қаватдан кам бўлмаслиги зарур. Ниқоб пишиқроқ бўлиши учун ҳар уч қаватдан сўнг дока мато ёпиштирилади ва қуритиш учун иссиқ жойга қўйилади.

#### **3-босқич. Безаш ишлари.**

Ниқобга энг аввало жилвир қоғоз билан иғшлов берилади ва тайёр бўлгач

оқ рангли бўёқ билан бўяб чиқилади. Бўёқ қуригач ниқобга керакли безакларни ёпиштириб, керакли бўёқ билан чизиб чиқилади. Актёрларнинг киядиган костюмлари ҳам тайёрланади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, тарбиячилар томонидан машғулотлар жараёнида қўғирчоқ ясашнинг самарали усуслари ва илгор иш тажрибаларнинг қўлланилиши муҳимдир. Шу билан бир қаторда боланинг ҳар бир ижодий меҳнати нафақат тарбиячи томонидан, балки, ота-оналар ва оила катталари томонидан рағбатлантирилиб борилиши мақсадга мувофиқ. Қолаверса, ота-оналар томонидан бола ёшига мос ва эстетик жиҳатдан бола руҳиятига таъсир этадиган қўғирчоқларнинг харид қилиниши кўзланган натижани беради.

Тажриба-синов ишлари давомида мактабгача таълим муассасасининг ҳозирги босқичида болаларни ижодий меҳнатга тайёрлаш ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим ва тарбиясидаги энг зарур масалалардан бири эканлиги ўз исботини топди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қўғирчоқлар ясаш жараёнида қўйидагиларга амал қилиш лозимлигига эътибор қаратилди:

- ишлатилаётган жиҳозларга, керакли материалларга тежамкорона муносабатда бўлиш;
- ҳаракатларни тарбиячи раҳбарлигига босқичма-босқич амалга ошириш;
- вактдан унумли фойдаланиш;
- тарбиячи кўрсатмасига риоя қилиш;
- тарбиячининг турли хил вазиятларда болаларга ёрдам бериши;
- иш жойини озода сақлаш ва ҳоказо.

## **ХОТИМА**

Мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларини шакллантиришда болалар ижодий меҳнатини ташкил этиш, қўғирчоқ ўйинларида болаларнинг роль ижро этишларини таъминлаш бу соҳада кутилган самарадорликка эришиш имконини беради. Қўғирчоқ театрида бевосита ўзи иштирок этиши натижасида анча мустаҳкам одатлар ҳосил бўлади. У тенгқурлари билан мулокотда бўлишга интилишга, биргаликдаги фаолиятга эҳтиёж сезади ҳамда хатти-харакатнинг кўпгина қоидаларини ўзлаштиради. Тарбиячи келажак пойдевори бўлган ёш авлоднинг ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш, уларни ҳар томонлама маънавий етук инсон қилиб тарбиялашдек муҳим ва масъулиятли вазифани бажарап экан, аввало унинг ўзи тарбияланган бўлиши, юксак одоб-ахлоққа эга бўлиши, болаларни тарбиялаш сифати учун жамият олдидаги ўз масъулиятини чуқур англаши лозим.

Мактабгача ёшдаги болалар онгига ўзбек ҳалқ маданий мероси – ҳалқ оғзаки ижоди, ҳикоя ва эртаклардаги бош асосий ғояни сингдириш, уларнинг қўғирчоқ театрига, санъатга бўлган қизиқишлиарини ошириш ва шу орқали уларда Ватанга муҳаббат, ўтмиш тарихимизга хурмат, ҳалққа садоқат, дўстга вафо, ота-онага ғамхўрлик туйғуларини сингдириш муҳим вазифалардан биридир. Шунингдек, мактабгача таълим муассасалари шароитида маълум йўналишларда қўғирчоқ театрларининг кенг йўлга қўйилиши, қўғирчоқ ўйинлардан машғулотлар жараёнида самарали фойдаланиш, бу борада мавжуд қўғирчоқ театрлари билан ҳамкорлик ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади.

Болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш жараёнини янада такомиллаштириш, уларнинг миллий кадриятлар, анъаналаримиз ҳақида янада теран мушоҳада юритишлари мақсадида турли эртаклар, ҳикоялар ўқиб бериш, асар қаҳрамонлари орқали уларда инсоний фазилатларни шакллантириш самарали натижа беради. Ҳар бир театр олди суҳбатларда унинг тарбиявий аҳамияти, мазмун-моҳиятини болаларга чуқур англатиши,

унинг натижаларига жиддий эътибор бериш кутилган самарани бериши мумкин.

Мактабгача ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришда куйидаги ишчанлик муҳити ва шарт-шароит бўлиши лозимлиги аниқланди:

- мактабгача таълим муассасаларида қўғирчоқ томошаларнинг йўлга қўйилиши ва унга болаларни қизиқтира олиш;
- ахлоқий-эстетик сифатларини шакллантиришда театр томошаларининг ғоявий мазмуни боланинг ёш хусусиятларига мос келишини инобатга олиш мақсадга мувофиқ;
- ота-оналар томонидан бола ёшига мос ва эстетик жиҳатдан бола рухиятига таъсир этадиган қўғирчоқларнинг танланиши;
- мактабгача таълим муассасаларида қўғирчоқ театрининг иш услублари ва илфор тажрибалардан самарали фойдаланиш.

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини қўғирчоқ театри воситасида ахлоқий-эстетик сифатларини шакллантиришда театр томошаларининг ғоявий мазмуни боланинг ёш хусусиятларига мос келишини инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Ҳар бир театр олди сухбатларда унинг тарбиявий аҳамияти, мазмун-моҳиятини болаларга чуқур англатиши, унинг натижаларига жиддий эътибор бериш кутилган самарани беради.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 48 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни //Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997. – 20-29-б.
3. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёrlаш Миллий дастури” //Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997. – 31-61-б.
4. “Баркамол авлод иили” давлат дастури. –Т.: Ўзбекистон, 2010. -80 б.
5. Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари. Вазирлар Маҳкамасининг 6.12.99 йилдаги 07/40-57-сонли хужжатига асосан маъқулланган.
6. Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 225-сонли Қарори.
7. Мактабгача таълим муассасасининг Кенгаши тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2008 йил 20 июндаги 147-сонли Буйруғи.
8. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.
9. Каримов И.А. Ёшлармиз – халқимизининг ишончи ва таянчи. – Т.: Маънавият, 2006. – 150 б.
10. Каримов. И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. - 176 б.
11. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришdir. –Т.: Ўзбекистон, 2010. -77 б.
12. Абдуллаева С. Қўғирчоқларнинг айтар сўзи бор. Мактабгача таълим ж., 2008. 4-сон. -16 б.
13. Алиқориев. Н.Ёшларнинг ҳозирги замон социал муаммолари. Ёшлар муаммолари ва уларнинг ечими: ҳолат ва истиқбол. II-Республика илмий-амалий анжуман материаллари. –Т.: Янги аср авлоди.2002. 30-бет (ж 200 б).
14. Амир Темур ўғитлари / Тузувчилар: Б. Ахмедов, А. Аминов. – Т.: Наврўз, 1992. – 64 б.
15. Ахлоқ-одобга оид хадис намуналари. – Т.: Фан, 1990. – 172 б.
16. Аҳмад Яссавий ижодиётида маънавий тарбия. Тузувчи О.Ҳасанбоева. -Т. 1999. -27 б.
17. Болалар энциклопедияси. 2-нашр. –Т. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. 2002. -664 б.
18. Валихўжаева Ф.Б. Талабаларни мактабгача таълим муассасаларида

- болаларга эстетик тарбия беришга тайёрлаш. Пед.фан.ном. ...дис. авт. 2005. - 20 б.
19. Джураев Р., Торежанова Р., Мингбоева Б. Болаларнинг ахлоқий тарбиясида халқ удумлари ва анъаналаридан фойдаланиш. Халқ таълими ж., 2009. 2-сон. -99-103 б.
20. Дўстхўжаева. И.Н. Ўзбек сеҳрли эртакларининг структурал таҳлили. фил. ф. ном. авт.Т.1999 йил. -26 б.
21. Жалолова Г. Болаларни мактабга тайёрлашда ривожлантирувчи ўйинлар. Мактабгача таълим ж., 2007. 6-сон. -15-16 б.
22. Ibragimov B. Dunyo teatrlarining ibtidosi. Xalq ta'limi j. 2009 3-son. -117-119 б.
23. Ибрагимов Б. Дунё театрларининг ибтидоси. Гулистон ж. 2009 3-сон. -11-12 б.
24. Исмоилова. М.Э. Халқ қўшиқлари воситасида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш. Пед.фан.ном. ... дисс. автореф. – Т.: 2006. - 24 б.
25. Комиллик ўғитлари. Тузувчилар: М.Х.Сайдов, З.Т.Тохиров. –Т.: Молия. 2003 й. -96 б.
26. Куцакова Л.В., Мерзлякова С.И. Воспитание ребёнка-дошкольника. Программ. Методич. Пособие. –М. Гуманитарный издательский центр. Владос. Росинка. 2004. -386 ст.
27. Локуциевская .Т.Т. Образные игрушки в эстетическом воспитания детей 5-7 лет. Канд. пед. н. дисс. авт. –М. 1973. -21 ст.
28. Мавлонова Р., ва бошқалар. Тўраева О., Холикбердиев К. Педагогика. Дарслик. –Т.: Ўқитувчи. 2001. -512 б.
29. Мактабгача тарбия педагогикаси. Болалар боғчасида тарбиянинг мазмуни (Икки қисмли. Биринчи қисм. В.И.Логинова ва П.Г.Саморукова таҳрири остида. Тузатилган ва тўлдирилган нашридан таржима. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – 156 б.
30. Маҳкамов У. Аҳлоқ-одоб сабоқлари. – Т.: Фан, 1994. – 134 б.
31. Минаваров Ш. Театр маънавият маскани. Халқ таълими ж. 2009. 3-сон. 84-88.
32. Оиласда болаларни маънавий-ахлоқий ва хуқуқий тарбиялаш муаммолари ва ечими. Республика илмий – амалий анжуман материаллари. –Т.2004. - 144 б.
33. Ризо Шухрат. Кулги ва йиғи орасида. Тафаккур ж. 2008 й.3-сон. -50-63 б.
34. Соҳибов А. Шарқ алломалари маънавий-ахлоқий тарбия ҳақида. Халқ таълими ж., 2008. 3-сон. -16-21-б.
35. Сулаймонов А., Абдуллаева М. Оиласда болаларни эстетик рухда тарбиялаш. Халқ таълими ж., 2004. 2-сон. -100-103 б.
36. Сыч Д.В. Воспитания эстетического отношения к природе у старших дошкольников средствами телевидения. Кан.пед.наук. ...дисс.авт. - Киев 1979. -23 ст.
37. Темур тузуклари / Форсчадан А.Софуний ва Х.Кароматов таржимаси / – Т.:

- Ғ.Ғулом, 1991. – 110 б.
38. Тилов А. Олтин воҳа қўғирчоқлари. Театр ж., 2008. 3-сон. -46 б.
  39. Тилов А. Кичинтойлар театрининг ташвишлари. Театр ж., 2007. 2-сон. - 36-37 б.
  40. Трусова С.Л. Взаимоесвязь изобразительной и театрально игровой деятельности в эстетическом воспитании детей старшего дошкольного возраста. Кандидатская диссертация. –М.: 1986. -24 ст.
  41. Туленов Ж., Қодиров Б., Фофуров З. Маънавий юксалиш сари.-Т.: Мехнат. 2000. -192 б.
  42. Uluslararası geleneksel tiyatro festivali (international festival of traditional theatre) 8-11 ekim /oktober 1997. IZMIR (TURKIYA)
  43. Умирова А. Миллий театрда асарлар талқини. Гулистон ж., 2004. 5-сон. - 34-35 б.
  44. Фалсафа. Қисқача изоҳли луғат. – Т.: Шарқ НМАК Баш таҳририяти, 2004. – 308 б.
  45. Фарсанхонова Д. Замонавий ахлоқий тарбиянинг муҳим жиҳатлари. Бошланғич таълим ж. 2009. 6 сон. -6-7 б.
  46. Холназарова М. Комил инсон тарбияси: муаммо ва мулоҳаза. Мактаб ва ҳаёт ж. 2009 №4 -26-27 б.
  47. Чурилова Э.Г. Методика и организация театрализованной деятельности дошкольников и младших школьников. Программа и репертуар. –М. Владос. 2004. -160 ст.
  48. Юсупов. Д. Қўғирчоқ театри: муаммолар ва ечимлар. Театр ж., 2-сон. 2007.- 46 б.
  49. Яковлевна М.Н. Формирование сюжетно-ролевой игры в дошкольном детстве. Док. пед. наук. ...авт дисс. –М. 1987. -44 ст.
  50. Ўзбекистон Республикасининг мактабгача таълим Концепцияси. Тузувчилар: Қодирова Ф.Р., Қодирова З.Р., Вахобова Ф.Н. –Т. 2008.
  51. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. Давлат илмий нашриёти, 2004, – 704 б.
  52. Қодиров М., Қодирова С. Қўғирчоқ театри тарихи. –Т.: Талқин. 2006. -8 б.
  53. Қодиров Б. Комил инсон тарбиясининг педагогик асослари. –Т. Мехнат. 2001. -196 б.
  54. Қўғирчоқлар ўйинчоқ эмас. (Қўғирчоқбоз М.Курёзов билан сұхбат). Театр ж., 2007.5-сон. -38-40 б.
  55. Қўғирчоқбозлик санъати байрами. Туробоева М., Қозоқбоев М. Гулистон ж. 2009. 1-сон. -20-21 б.
  56. Ғанихонова Ш. Қўғирчоқ театри мусиқаси. Театр ж, 2006. 6-сон. -44 б.
  57. Ҳайдаров М.Э. Мехнат тарбияси воситасида халқ миллий анъаналаридан фойдаланишнинг назарий ва амалий асослари (кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари мисолида): Пед.факт. ... дисс. автореф. – Т.: 2001. - 47 б.
  58. Ҳамидjon Ҳомидий. Қўхна шарқ дарғалари. –Т.: Шарқ. 1999. -352 б.
  59. Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х., Ҳайдаров М., О.Ҳасанбоева. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Т.2008 . - 480 б.

60. Ҳасанбоев Ж., Туропова М., Ҳасанбоева О. Маънавий-аҳлоқий тарбия асослари. – Т.: Ф.Ғулом. 2000. – 110 б.
61. Ҳасанбоева О. Боғча болаларининг аҳлоқий тарбиясида оммамвий ахборотлардан фойдаланиш педагогик муаммо сифатида. Педагогик таълимни такомиллаштириш муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: 2006. -13-15 б.
62. Ҳасанбоева О. У. ва бошқалар. Мактабгача таълим педагогикаси. Касб-хунар коллажлари учун ўкув қўлланма.–Т.: Илм зиё. 2006. -182 б.
63. Ҳидоятхўжаев Т. Фарзандлар жаннат райҳонларидир. –Т.: Янги аср авлоди. 2002. 160 б.
64. Ҳиллари Родэм Клинтон. Бир болага етти маҳалла ота-она ва болалар бизга бераётган бошқа сабоқлар. (Инг.тилидан таржима). –Т.: Ўзбекистон.1997. - 67 б.
65. <http://www.ref.uz>.
66. <http://www.5 ballov. ru>.
67. <http://www.yandex. ru>.
68. <http://www.allbest. ru>.

## ХОРАЗМЛИК ҚЎҒИРЧОҚБОЗ МАНСУР ҚУРЁЗОВ

<b>ТУФИЛГАН ЖОЙИ</b>	Хоразм вилояти, Хонқа шаҳри
<b>ФАОЛИЯТИ:</b>	драматург, режиссёр, актёр, рассом, қўғирчоқбоз уста, “Жайхун” қўғирчоқ театрининг бадиий раҳбари
<b>САҲНАГА ОЛИБ ЧИҚҚАН БИРИНЧИ ҚЎҒИРЧОГИ</b>	1991йил биринчи марта театр саҳнасига ҳосилдорлик маъбуласи Ашшадароз қўғирчоғини олиб чиққан. Ушбу қўғирчоқнинг баландлиги 2,5 метр атрофида бўлиб, содда тайёrlанган ва бошқарилиши мураккаб эмас: калласи катта, кийими узун бўлиб, у тростлар ёрдамида бошқарилган ҳамда қўғирчоқни бошқараётган одамни ўз ичига яширган.
<b>КОЛЛЕКЦИЯСИ:</b>	Хозиги вақтда коллекциясида 500 га яқин қўғирчоқлар бўлиб, улардан кўплари Германия, Франция, Хитой, Япония, Бельгия ва бошқа давлатларда ўтказилган турли халқ Амалий санъати қўргазмаларида намойиш қилинган.
<b>МУВАФФАҚИЯТИ ВА ЙОТУҚЛАРИ:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✚ зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»нинг 2700 йиллигини нишонлашда у 500 га яқин яхшилик ва адолат худоси Ахурамазда ва у билан курашувчи ёвуз Ахримонга бағишлиланган ниқоблар тайёrlади;</li> <li>✚ 300 дан ортиқ образлардан тузилган қўғирчоқларнинг ката коллекцияси ўзларининг қўғирчоқ театр «Жайхун»ни ташкил топишга имкон берди;</li> <li>✚ 2000 йил Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида ўтказилган Қўғирчоқларнинг республика фестивалида «Жайхун» театр студияси «Гран при» га эга бўлди;</li> <li>✚ 2003 йили «Гули Боку» продюсерлик марказининг таклифи бўйича, Тайванда бўлиб ўтган сънат фестивалида, Парижда ва берлинда бўлиб ўтган «Ўзбектуризм» компанияси тадбирларида ўз қўғирчоқлари билан иштирок этди;</li> <li>✚ 2004 йилнинг октябр ойида Тошкент Амалий санъат музейида қўргазмаси бўлиб ўтди;</li> <li>✚ 2010 йилда Тошкентда “Тошкент эртаклар шаҳри” ноёб қўғирчоқлар қўргазмасида М.Қурязовнинг ишлари тақдим этилди. Ушбу қўргазмада у ўзининг 50 дан ортиқ қўғирчоқлари билан иштирок этди. Кўргазма доирасида қўғирчоқ томошалари ташкил этилган бўлиб, унга кўплаб мактабгача таълим муассасалари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари тақлиф этилди ва ҳоказо.</li> <li>✚ Ўзбекистон рассомларининг Ижодий уюшмаси бадиий академиясининг аъзолик билети соҳиби;</li> <li>✚ “Мустақилликнинг 10 йиллиги” нишони соҳиби ва ҳоказо. репертуарларида Насриддин афанди, Тохир ва Зухра, Качал Полвон, Бикахон, Қаландар сингари халқимизнинг севимли қаҳрамонлари ўрин олган.</li> </ul> <p>нафақат болаларни, балки катталарни ҳам миллий маданият, миллий уст-бош ва ҳаёт тарзи билан таништирувчи қўғирчоқлар музейи яратиш.</p>
<b>РЕПЕРТУАРИДАГИ ҚАҲРАМОНЛАР:</b>	
<b>КЕЛАЖАКДАГИ ОРЗУСИ:</b>	

## ҚҰҒИРЧОҚБОЗ МАНСУР ҚУРЁЗОВ КОЛЛЕКЦИЯЛАРИДАН НАМУНАЛАР



